0498 OCC 4416

БЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК 957.51

Д
П 4416

ҚУЛЛИЕВ ХОЛМАТЖОН МАМАРАЖАПОВИЧ

ТУРКИСТОНДА МУСТАБИД ТУЗУМНИНГ ИҚТИСОДИЙ ВА МАЪНАВИЙ АСОСЛАРИНИНГ ЮЗАГА КЕЛИШИ

(1917 - 1920 йиллар)

Мутахассислик 07.00.02. - Ватан тарихи

Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган

Д И С С Е Р Т А Ц И Я

Илмий раҳбар:
тарих фанлари доктори
С.Н.ТУРСУНОВ

ТОШКЕНТ - 1998

М У Н Д А Р И Ж А

	Бетлар
КИРИШ.	3 - 27
I. БОБ. Туркистонда мустабид тузумнинг иқтисодий пойдеворини яратилиши.	28-64
1.1. Саноат ишлаб чиқаришининг "ҳарбий коммунизм" талаблари асосида ислоҳ қилиниши.	28-65
1.2. Аграр масалани ҳал қилиш сиёсати.	66-96
II. БОБ. Ўлкада маънавий ҳаётнинг мустабид тузум измига солиниши.	97-144
2.1. Коммунистик маънавиятнинг "ҳарбий коммунизм" усули билан оммавий сингдирилиши.	97-113
2.2. Мустабид давлат маънавият ташкилотларининг вужудга келиши.	114-144
Х У Л О С А.	145-151
ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБАЛАР ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.	152 - 160

К И Р И Ш

"Муаммонинг долзарблиги, Ўзбекистонда рўй бераётган чуқур янгиланиш жараёнлари, республиканинг мустақил тараққиёт йўлига кириши Ватан тарихининг барча масалаларини тубдан қайта кўриб чиқишни, унинг иқтисодий жиҳатдан ривожланган, демократик жамият барпо этиш, жамиятнинг маънавий соғломлашувини амалга ошириш вазифаларини ҳал қилиш соҳасидаги ролини жиддий равишда кучайтиришни талаб қилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, "Бугунги кунда биз мустақил давлат барпо этмоқдамиз. Бизнинг истиқболимиз, тараққиётимиз кўп жиҳатдан олимларимизнинг бугунги тадқиқотларига, уларнинг жонкуярлиги ва фидоийлигига..., оқилона тавсияларига боғликдир"[1].

Ватанимиз тарих фани олдида турган долзарб муаммолар орасида Ўзбекистоннинг узоқ шўро ўн йилликлари давомида ижтимоий тараққий этишининг бош йўлларини белгилаб берган октябрдан кейинги дастлабки йилларга сифат жиҳатидан янгича баҳо бериш вазифаси алоҳида аҳамият касб этади.

Ҳозирги кунда Октябрь тўнтариши туфайли ўрнатилган шўро ҳокимиятининг умумий хусусиятларига ва унинг келиб чиқиш сабаблари ва моҳиятига баҳо беришга, социалистик қурилиш мафкураси ва амалиётининг назарий жиҳатдан ноилмий эканлигини, инқилобий ўзгаришлар зарарли оқибатларга олиб келганлигини қисман бўлса-да очиб беришга муваффақ бўлинди. Лекин мустабид жамиятнинг барча жабҳаларини ҳолисона таҳлил қилишга бўлган ижтимоий эҳтиёж ҳали тўла қондирилганича йўқ. Чуқур тадқиқ этилиши лозим бўлган кўпгина муаммолар ва тарихий воқеалар илмий жиҳатдан ўзининг ечимини

[1] Каримов И.А. Мақсадимиз: озод ва гуллаётган Ватан. - Т., 1994. - 160-б.

кутмоқда. Ана шундай муҳим муаммолардан бири мустабид (тоталитар) коммунистик тузумнинг туб негизлари қандай шаклланганлиги масаласидир. Бу долзарб муаммони ҳар томонлама илмий жиҳатдан чуқур идрок этиш ҳозирги кунда муҳим амалий аҳамиятга эга бўлиб, у қуйидаги бир неча омиллар билан белгиланади.

Биринчидан, Ўзбекистоннинг миллий тикланиши, сифат жиҳатидан янги тарихий тараққиёт йўлига кириши ва мустақилликни мустаҳкамлаш дастурини тўла маънода амалга ошириш учун шўро ҳокимияти йилларида барпо этилган мустабид тузумга асос қилиб олинган иқтисодий ва маънавий пойдеворнинг чирик эканлиги сабабларини очиб бериш лозим бўлади. Келажаги буюк янги давлатни барпо этишни ўзимизга мақсад қилиб қўйган эканмиз ана шу чириган пойдеворни олиб ташлашимиз зарур. Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, "...бинонинг мустаҳкам бўлиши унинг пойдеворига боғлиқ. Пойдевор қанчалик мустаҳкам бўлса, иморат ҳам шу қадар мустаҳкам бўлади ва узоқ умр кўради. Заиф пойдевор устига қурилган ҳар қандай гўзал бино ҳам бўроннинг биринчи ҳужумидаёқ қулаб тушади"[1].

Мустақиллик йилларида аввалги мустабид тузумнинг иқтисодий пойдеворини чок-чокидан ажратиш учун жуда катта ишлар амалга оширилди. Аммо бу жараён ҳали тугалланган йўқ. Бу ишнинг ниҳоятда муҳимлигини ҳисобга олиб, мустақиллик пойдеворини қўйишда тарихий шарт-шароитларни ретроспектив (ўтмишга назар ташлаган холда) таҳлил қилиш, унинг таянч нуқталарини мустаҳкамлаш омилини ижодий тушуниб етиш лозим.

Иккинчидан, шўро империяси тузумининг маънавий негизларини барпо этиш жараёнларини ўрганиш катта ижтимоий-маърифий аҳамиятга эгадир. Мустақил давлатимизнинг мустаҳкам маънавий таянчларини ўзбек халқининг кўп асрлик бебаҳо маданий мероси, унинг кўп йиллик тарихий

---

[1] Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. -Т.,1993. - 164-б.

илдизлари, халқнинг миллий ғурури, урф-одатлари, анъаналари ва умуминсоний қадриятлари ташкил этади.

Лекин, Октябрь мафкурасининг етмиш йилдан кўпроқ давом этган таъсирини дарҳол барҳам топтириш мумкин деб ўйлаш нотўғри бўлар эди. Шунинг учун ҳам миллий тикланиш дастурида дунёқарашни қайта шакллантириш, мафкуравий тушунчалар ва қадриятларнинг янги тизимини мустаҳкамлаш алоҳида ўрин тутганлиги бежиз эмас. "...Биз шуни англаб олишимиз зарурки, – деган эди шу муносабат билан И.А.Каримов, – онгимизга миллий мафкурани сингдирадиган амалий тарбияни йўлга қўйиш ўз аҳамияти жиҳатидан соғлом атроф-муҳитни сақлаш масаласи билан баробардир"[1].

Шу муносабат билан октябрдан кейинги дастлабки йилларда асос солинган большевистик мафкуранинг жорий этилиш механизми, усуллари ва воситаларининг ўзига хос томонларини таҳлил этиш ва англаб етиш алоҳида аҳамият касб этади.

Диссертациянинг даврий қамрови 1917-1920 йилларни ўз ичига олган. Бу давр Ватанимиз тарихида алоҳида бурилиш босқичини ташкил этади. Унинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, худди ана шу октябрдан кейинги дастлабки "ҳарбий коммунизм" шаротида марксизм ўзининг аниқ ифодасини топган таянч андозасини биринчи бор синовдан ўтказди. Унинг мулкчиликни барча шаклларини ва жамият ҳаётини давлат тасарруфига олиш, ишлаб чиқаришни ҳарбийлаштириш, коммунистик мафкуранинг якка ҳокимлигини таъминлашга доир ғоялари барча шўро ўн йилликлари даврида расмий назария ва социалистик қурилиш усули сифатида жорий қилинди. Ўша узоқ йилларга мурожаат қилиш жамиятни формация сифатида қайта тузиш истиқболлари йўналишини большевик-часига кўриш ва йўл-йўриқларини тушуниб олишда восита бўлади,

---

[1] Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий тараққиётининг асосий тамойиллари. - Т.,1995. - 54-б.

инқирозли тараққиёт омилларини шакллантириш негизини илмий жиҳатдан аниқ англаб етиш имконини беради.

Муаммонинг ўрганилиш даражаси. Мавзуни тарихшунослик нуқтаи-назаридан таҳлил қилиш шундан далолат берадики, Октябрь тўнтаришининг "собиқ Россия империяси" халқлари, шу жумладан Ўзбекистон халқлари тарихий тақдирига таъсири мавзуси, шўро ҳокимиятининг дастлабки йилларидан амалга оширилган ижтимоий ва маданий ўзгаришлар тажрибаси барча ижтимоий фанлар тадқиқотчиларининг диққат эътиборини ўзига жалб қилган. Ҳозирги вақтда муаммонинг турли жабҳалари бўйича кенг миқёсдаги адабиётлар тўпланган бўлиб, улар Ватанимиз тадқиқотчиларининг асарлари билан бир қаторда хорижий олимларнинг ишларини ҳам қамраб олади.

Ватанимизда эълон қилинган барча асарларни даврий жиҳатидан икки гуруҳга бўлиш мумкин, биринчи гуруҳ, собиқ мустабид тузум даврида ёзилган асарлар, иккинчи гуруҳ – Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритгандан кейин ёзилган асарлар.

Биринчи гуруҳга кирувчи асарларнинг аксарият кўпчилигини, хусусан 20 йилларнинг охирларидан бошлаб ёзилган асарларнинг ўзига хос хусусиятлари шундан иборатки, уларда Шўро тузумини кўкларга кўтариб мақташ яққол кўзга ташланади. Изчил марксизмнинг расмий ақидалари руҳида ёзилган бу асарларда "Октябрь" оқибатларига фақат ижобий баҳо берилади. Октябрь тўнтариши инсоният тарихида янги саҳифа очган зўр воқеа сифатида, коммунистик таълимот эса мисли кўрилмаган ижтимоий тараққиётни таъминлашга қодир бўлган бирдан-бир назария сифатида баҳоланди. Натижада, кўпгина хулосалар ва баҳолар хато бўлиб, тарихий билимларнинг ривожланиш жараёни эса бузиб кўрсатилган.

Бироқ ўша йиллардаги кўп қиррали ва хилма-хил мазмундаги адабиётларни ёппасига рад қилиш бизнинг фикримизча тўғри эмас. Чунки улар аниқ кўзга ташланиб турган камчиликларга ва коммунистик ақидаларга асосланган бўлишига қарамай, тарихий воқеликни англаб

етишда маълум даражада қимматлидир. Биринчи давр муаллифларининг хизмати шундаки, улар тарихий воқеаларнинг гувоҳи сифатида улар изидан бориб тўпланган катта далилий материаллар асосида асарлар яратганлар. Гарчи уларда Туркистонда рўй берган мураккаб жараёнларни тарихий тажриба сифатида таҳлил қилиш етарли даражада илмий мушоҳадалар билан акс эттирилмаган бўлса-да (бунга ўша даврнинг мафкуравий исканжаси йўл қўймасди), ўлка ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларидаги ўзгаришларнинг асосий тамойиллари ўз ифодасини топган эди. "Октябрь" мавзуларига бағишланган махсус тарихий тадқиқотлар 20-йилларнинг ўрталарида пайдо бўлди. Шу билан бирга, бу тадқиқотлар ўзининг услубий мазмунига кўра икки муқобил гуруҳга бўлинади. Биринчи гуруҳ – анча чекланган ва вақт жиҳатидан бир мунча даврни қамраб олган тадқиқотлар бўлиб, улар Марксгача бўлган эски мактаб, ёки ўша вақт тили билан айтганда "буржуача тарих фани" вакилларининг асарлари эди. Улар ғайри марксистик нуқтаи назарда бўлиб, бугунги кунда тан олинганидек, ўз муҳолифлари бўлган марксчиларга нисбатан ҳақиқатга анча яқин турганлар. Буларга биринчилардан бўлиб, машҳур шарқшунос олим, академик В.В. Бартольдни киритиш мумкин. У зиёлиларнинг шундай қисмига мансуб эдики, улар октябрдан кейин шўро ҳокимияти билан ҳамкорлик қилдилар, лекин расмий фаннинг сиёсатдан мустақил бўлишини ҳимоя қилдилар. Бартольднинг Марказий Осиёдаги инқилобий ҳаракат тарихи ва октябрь тўнтаришидан кейинги дастлабки йиллардаги аҳвол тўғрисида билдирган мулоҳазалари эътиборга лойиқдир. Чунончи у Туркистонга қилинган хизмат сафарлари хақидаги (1920 ва 1923 йиллар) ҳисоботларида октябрь инқилобини "ноаниқ, ғира-шира бир давр"[1] деб атаган эди.

Шўро ҳокимиятининг дастлабки йилларида марксча мутахассислар кам сонли ва касб савияси юқори бўлмаган бир шароитда "Бартольд

[1] Отчет о командировке в Туркестан (авг-дек.1920г.)//Известия Российской академии наук. Сер.IV.Т.XV.-Петроград: 1921,-- С.199. Предисловие к первой части, П том Сочинений акад. В.В.Бартольда. -М.,1963.-- С.13-14.

ıктаби" ва тўнтаришдан олдинги даврда шаклланган олимлар гуруҳи лмий-тадқиқот ишларига ва ўқув юртларида Ўрта Осиё тарихини ўқитишга сезиларли таъсир кўрсатди. Бироқ, кейин бу барҳам топди. "Буржуа" тарихшунослигига қарши курашда вужудга келган тарихчилар ҳал қилувчи роль ўйнай бошладилар.

Асосан инқилобий ҳаракат тарихи ва "октябрь инқилоби" бўйича дастлабки нашр этилган асарлар бу воқеаларнинг бевосита иштирокчиларига ва шўро ҳукуматининг дастлабки йилларидаги сиёсий арбоблар қаламига мансуб эди. Булар С.Д.Муравейский, В.Бауман, Ф.М.Бошко, Д.И.Манжара, М.В.Фрунзе, Е.Феодоров, Н.А.Паскуцкий ва бошқаларнинг асарлари эди[1].

Бу йилларда Туркистон АССРнинг таниқли партия, совет ва жамоат арбобларининг ватан тарихи учун қимматли бўлган бир гуруҳ асарлари кўзга ташланади. Улар орасида ёзувчи ва жамоат арбоби Садриддин Айний, Турор Рисқулов, Султон Сегизбоев, Назир Тўрақулов, Файзулла Хўжаев, Акмал Икромов ва бошқаларнинг асарлари бор эди[2].

Одатда 20-йилларда эълон қилинган асарлар илмий тадқиқотлар ўрнини босишга даъво қилмас эди. Улар асосан тарғиботчилик хусусиятига эга бўлиб, оммавий китобхонларга, шўро партия мактаблари, шўро ва партия ходимлари курслари тингловчилари ва ўқувчи ёшларга мўлжалланган эди. Бу асарлар ўзининг мазмунига кўра биринчи навбатда

---

[1] Қаранг: Муравейский - С.Д. Материалы по истории октябрьской революции в Узбекистане.-Т.,1922; Ўша муаллиф. Из истории коммунистической партии Туркестана. -Т.,1922; Ўша муаллиф. Очерки по истории революционного движения в Средней Азии.-Т.,1926; Бауман В. Борьба за власть Советов в Ташкенте.-Т.,1922; Бошко Ф.М. Октябрьская революция в Средней Азии.-Т.,1932; Манжара Д.И. Революционное движение в Средней Азии 1905-1920 гг.-Т.,1934; Ўша муллиф. Борьба за власть Советов.-Т.,1935; Фрунзе М.В. Заметки о положении в Туркестанской коммунистической партии.-М.,1929; Феодоров Е. К истории коммунистической партии Туркестана (1918-1925)//Коммунистическая мысль.-Т.,1926. КН2; Паскуций Н.А. К истории гражданской войны в Туркестане.-Т.,1922.

[2] Қаранг:Айний - С. Бухоро Инқилоби тарихи учун материаллар.-Т.,1926; Рыскулов Т. Новый Туркестан.-Т.,1923; Ўша муллиф. Революция и коренное население Туркестана.-Т.,1925; Сегизбоев - С. За ленинское понимание характера октября в Средней Азии.-Т.,1930; Тюракулов Н. Ферганская проблема.-Т.,1921; Ходжаев Ф. К истории революции в Бухаре.-Т.,1926; Ўша муаллиф, Басмачество.-Т.,1927; Икрамов А. Итоги земельной реформы и перспективы ее закрепления.-Т.,1925.

меньшевикларга, "буржуа миллатчилари"га ва шўро ҳукуматининг бошқа "душманлари"га қарши қаратилган эди. Мазкур асарлар асосан вужудга келаётган марксча руҳдаги шўро тарихшунослигининг даракчилари эди. Бу эса уларнинг кейинчалик ғоявий-назарий жиҳатдан паст савияда ёзилган деб айбланишига сабаб бўлди. Хақиқатдан ҳам бу асарлар назарий таҳлилнинг юксак даражаси билан ажралиб турмасди. Илмий умумлаштириш савиясининг пастлиги уларнинг энг заиф жойи эди. Манбашунослик базаси ҳам тор бўлиб, тадқиқотларда далилий ноаниқликлар кўп эди, йирик муаммолар кўтариб чиқилмаганди. Кўпгина ишлар ярим хотира, ярим публицистик тарзда эди.

Шу билан бирга дастлабки марксистик руҳдаги асарларда "эски услубий ёндашувларнинг таъсири, ўз фикрини айтишга интилиш, тасвирланаётган воқеалар ва далилларни танқидий таҳлил қилиш сезилиб турарди". Масалан, Д.Манжара ўлкада ялпи зўравонликни авж олдириш соҳасида Ф.И.Колесов хукуматининг фаолиятини фош этиш мақсадида бир қатор далилларни очиб берди[1].

Л.Резцовнинг маҳаллий аҳоли турли гуруҳларининг шўро ҳокимияти амалга ошираётган тадбирларга муносабатининг ўзига хос томонларини марксча схемалардан холи тарзда кўрсатиб беришга уринганлиги қизиқарлидир[2]. П.Г.Голузонинг Ўрта Осиёда етилган инқилоб ўзининг мақсадлари ва ҳаракатлантирувчи кучлари жиҳатидан буржуа-демократик, миллий озодлик инқилоби эди, деган хулосаси эътиборни жалб қилади. Унинг фикрича, 17-йилнинг октябри эса бу табиий жараённи тўсиб қўйди[3].

Айниқса туб миллат муаллифларининг эълон қилинган асарларида миллий давлатчилик, миллий маданият қурилиши масалаларида танқидий руҳ яққол кўзга ташланиб турарди. Улар буюк давлатчилик

---

[1] Қаранг: Октябрьская социалистическая революция и гражданская война в Туркистане (Воспоминания участников).-Т.,1957.

[2] Резцов Л. Октябрь в Туркестане.-Т.,1927.

[3] Голузо П.Г. Туркестан-колония. Очерк истории Туркестана о завоевании русскими до революции 1917 г.-М.,1929.

шовинизмининг юзага келтирадиган далилларини аниқ фош этиб, мамлакат ва республика сиёсий раҳбариятининг қўпол хатоларини кўрсатиб ўтдилар, бу хатолар исёнчилик ҳаракатлари ва шўро ҳокимиятига қарши муқобил кучларнинг пайдо бўлишига олиб келган эди. Масалан, Н.Тўрақулов истиқлолчилик ҳаракатига олиб келган иқтисодиётдаги инқироз, ҳамда маҳаллий ҳокимият тузилмалари томонидан туб аҳолига нисбатан менсимаслик ва тан олмаслик ҳолларига йўл қўйилганлигини тўғридан-тўғри кўрсатиб ўтди. Т.Рисқулов эса миллий-маданий сиёсатни амалга оширишдаги иллатларни кўрсатиб берганлиги учун миллий оғмачиликда айбланган эди.

Г.И.Сафаровнинг асарлари[1] чуқур танқидий мазмун билан суғорилган бўлиб у ўз асарларида Туркистонга "инқилоб" телеграф орқали келганлиги ҳақидаги фикрни асосли равишда илгари суради. Бу билан Г.Сафаров Ўрта Осиёдаги Октябрь тўнтаришининг қонуний эканлигини инкор этган эди. Унинг "Туркистондаги рус инқилоби дарҳол ҳалокатли мустамлакачилик йўналишини касб этди", деган фикри ғоят эътиборлидир.

Афсуски, бу талқинга шўро тарихшунослигида тезда тўсиқ қўйилди. Буни эслаб ўтилса ҳам, фақат танқид қилиш нуқтаи-назаридан тилга олинадиган бўлди.

Муаммонинг тарихшунослигида нисбатан шартли силжишлар 30-йилларнинг иккинчи ярмида-50-йилларнинг ўрталарида кўзга ташланди. Бу давр, бир томондан, тадқиқот мавзуларининг бирмунча кенгайганлиги ва "инқилобдан кейинги" тажрибани монографик тарзда таҳлил қилиш билан характерли бўлса, иккинчи томондан, мафкуравий зўравонликнинг кучайиши, тарих фанининг мустабидлашуви билан ажралиб турди.

30-йилларнинг иккинчи ярми-50-йилларнинг ўрталаридаги адабиётларда партия ва шўро ҳукуматининг Ўрта Осиё минтақаси халқларининг ижтимоий ҳаётини "инқилобий янгилаш" соҳасидаги

---

[1] Сафаров Г.И. Колониальная революция. (Опыт Туркестана). -М.,1921; Ўша муаллиф. Национальный вопрос и пролетариат. Проблемы Востока,-Петроград, 1922; Ўша муаллиф. Проблемы национально-колониальной революции.-М.,1931.

фаолиятини ниҳоятда кўкларга кўтаришга ҳаракат қилинди. Бунда тарихий воқеликни ёритишда услубий ёндашувнинг бирдан-бир намунаси сифатида Сталиннинг ҳаддан ташқари сохталаштирилган ва ақидапарастлик руҳи билан суғорилган "ВКП (б) тарихининг қисқача курси"да илгари сурилган ғоя асос қилиб олинди.

Бу даврда тарихчиларнинг асосий вазифаси тарих фанини анъанвий "хато қоидалардан тозалаш", мадҳиябозлик мафкурасини мустаҳкамлашдан иборат бўлди. Натижада ўша давр тарихшунослигини фақат сифат жиҳатидан эмас, балки миқдор жиҳатидан ҳам ниҳоятда ночор аҳволда эканлигини сезиш мумкин. Асосан унчалик катта бўлмаган мақолалар ва китобчалар босилиб чиқди. Шунга қарамасдан, тарихий билимларнинг нисбатан ривожланганлигини кўрсатувчи умумлаштирилган бир нечта асарларни кўрсатиш мумкин. Хусусан, Туркистонда "октябрь инқилоби"-нинг амалга оширилиш шартлари ва ғалабасига доир масалалар И.К.Дадонов, К.Е.Житов, В.Я.Непомниннинг тадқиқотларида[1] ўз ифодасини топади. Бу муаллифлар минтақада октябрь тўнтаришининг ҳаракатлантирувчи кучларини янада аниқроқ таърифлаб беришга, унинг ижтимоий-иқтисодий оқибатларини ижобий таҳлил қилишга эътибор берганлар.

Истиқлолчилар тарихини ўрганиш анча юқори босқичга кўтарилди. Масалан, Азиз Ниалло, А.Х.Бобохўжев, Э.А.Воскобойников ва А.И.Зевелев, М.Х.Назаров ва С.П.Тимошковнинг умумлаштирувчи асарларини[2] олиш мумкин. Уларда ўлкадаги урушнинг авж олишига доир муҳим жараёнларни таҳлил қилишга, истиқлолчилик ҳаракатининг юзага келиш

---

[1] Додонов И.К. Национально-освободителғное движение в Узбекистане после свержения царизма.-Т.,1947; Житов К.Е. Победа Великой Октябрьской социалистической революции в Узбекистане.-Т.,1949; Непомнин В.Я. От колониального рабства к социализму.-Т.,1949.

[2] Ниалло Азиз. Очерки истории революции и гражданской войны в Киргизии и Средней Азии.-Фрунзе,1941; Бабахаджаев А.Х. Провал английской агрессивной политики в Средней Азии.-Т.,1955; Воскобойников Э.А., Зевелев А.И. Туркомиссия ВЦИК и Совнаркома РСФСР и Туркбюро ЦК ВКП (б) в борьбе за укрепление Советской власти в Туркестане.-Т.,1951; Назаров М.Х. Из истории Узбекистана в период иностранной интервенции и гарждданской войны.-Т.,1954; Тимошков - С.П. Борьба с английской интервенцией в Туркестане.- Т. 1941; Шу муаллиф. Борьба с интервентами, белогвардейцами и басмачами в Средней Азии.-Т.,1941.

сабабларини аниқлашга, марказий ҳокимият органлари ва Туркомиссиянинг Ўрта Осиё минтақасида социалистик қурилишни тартибга солиш соҳасидаги фаолияти кўрсатиб беришга ҳаракат қилинган.

Бу йиллар давомида октябрь тарихига доир ишларга хос бўлган 1917-1920 йилларда синфлар ва сиёсий партиялар ҳақидаги масаланинг анча кенг кўламда қўйилиши билан характерли бўлди. Чунки бу даврда большевистик ташкилотлар фаолиятини,ўлкада большевикча ислоҳ қилиш жараёнларининг ўсишини, "октябрь инқилоби"нинг ривожланиши ва қишлоқда синфий курашнинг авж олишини таҳлил қилиш кенг тус олди.

Лекин бу адабиётларда долзарб муаммолар четда қолди, улар муҳим масала сифатида атрофлича ўрганилмади. Чунки даврнинг оғир юки илмий тадқиқотларга ўз таъсирини ўтказмасдан қолмади. Шу сабабли 30-йилларнинг охири - 50 йилларнинг бошларида чоп этилган адабиётлар большевистик жамиятнинг фақат ижобий натижаларини кўрсатганлиги, сталинизмни кўкларга кўтариб мақтаганлиги бу асарларнинг илмий-назарий жиҳатдан паст савияда бўлишига сабаб бўлди. Қарор топган сталинча қатағонлар таъсири натижасида вужудга келган муросасизлик, душманлик, гумонсираш, қонунчиликнинг бузилиши ва ҳокимиятнинг зуғуми авж олган бир даврда тарих фани узил-кесил сохталаштирилди. Мадҳиябозлик мафкурасига мос келиш мақсадида тарихий далиллар бузиб кўрсатилди. Тарих "одамсиз бўлиб қолди". Тарихий воқеалардан аксарият иштирокчиларининг номлари чиқариб ташланди. Тарихда якка шахс-Сталиннинг номи қолдирилди холос. Натижада тарихий тадқиқотларда сохта тарихий хусусиятга эга бўлган қоидалар қарор топди. Уларнинг фарқ қилувчи хусусияти - соддалаштириш, мураккаб вазифаларни ҳал қилишдан қочиш, аниқ илмий таҳлилни, воқеликни очиқдан-очиқ бузиб кўрсатиш билан алмаштириш, далилий манбани қотиб қолган тарзда талқин қилишни, уни назарий таҳлил қилишдан устун қўйиш кабилардан иборат бўлиб қолди.

"Сталинча давр" тарихий асарларининг катта камчилиги тадқиқотларда ҳужжатлар базасининг камбағаллиги эди. Чунки бу даврда ҳужжатгоҳ маълумотларини ўрганиш йўлига катта тўсиқлар қўйилди. Кўп ҳужжатлар қатъиян сир сақланадиган бўлди. Бироз бўлсада муайян сифат ўзгаришлар фақат 50-йилларнинг ўрталарида кўзга ташланди. Бунга сиёсий "иликлик" туфайли мамлакат сиёсий ҳаётида рўй берган умумий ўзгаришлар сабаб бўлди. Чунончи, ҳукуматнинг тарихчилар иш шароитини яхшилашга қаратилган тадбирлари тарихий фикрнинг жонланиши учун муҳим аҳамиятга эга бўлди. Илгари сир сақланган кўпгина ҳужжатгоҳ маълумотларидан, тарихий манбалардан тарих фани бахраманд бўла бошлади. Ҳужжатлар, йилномалар ва воқеалар тафсилотларини тўпламлар ҳолида нашр этиш анча кенгайди. Фожиавий ҳолатлар таъсири натижасида илгари номлари унутилган кўпгина тарихий шахсларнинг номлари оқланганлиги даврнинг ижобий белгиларидан бири бўлди.

Жамият сиёсий ва маънавий вазиятининг нисбатан соғломлашуви, ўтмиш тажрибаларини ўрганиш имкониятларининг кенгайиши Октябрь ва "социалистик" қурилишнинг дастлабки йиллари тарихшуносликнинг жиддий бойишига имкон яратди. 50-йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб қарор топган андозалардан чекинишга интилиш билан фарқ қиладиган кўпгина қизиқарли асарлар пайдо бўлди. Тўғри, чуқур ўзгаришларни назарий жиҳатдан таҳлил қилиб берадиган асарлар кам эди. 50-йиллардаги сиёсий "иликлик"нинг асосий моҳияти мустабид тузумни сақлаб қолишдан, коммунистик партиянинг обрўсини оширишдан иборат эди. Ҳокимият органларининг асосий диққат эътибори расмий мафкурани сталинчиликнинг ҳаддан ошиш хатти-ҳаракатларидан тозалаб, ленинча ақидапарастликни тиклашга қаратилган эди. Ўша даврда ҳеч ким гарчи айрим кичик кўринишларда бўлса ҳам марксча таълимотнинг "муқаддаслиги"га даҳл қилиши, октябрнинг жаҳон тарихий жараёни ва мамлакат халқлари тақдиридаги аҳамиятини расмий талқин қилишга шубҳа билан қараши тақиқланган эди. Натижада ижтимоий фанлар коммунистик мафкуранинг,

қарор топган марксча анъаналарнинг тор доирасида ривожланишида давом этди.

50 йилларда - 80 йилларнинг бошларида яратилган асарлардан умуман коммунистик партиянинг, хусусан унинг айрим ташкилотларининг "социалистик инқилоб сиёсий армияси"ни яратишдаги, социалистик қурилишни авж олдиришдаги буюк вазифани асослаб беришга бағишланган тадқиқотлар биринчи ўринга чиқарилди. Шу муносабат билан маҳаллий шўроларнинг, касаба уюшмалари ташкилотларининг, маҳаллий миллат меҳнаткашлари турли коммунистпараст ташкилотларининг фаолиятига, ишчилар синфининг инқилоб ғалабасидаги "ҳал қилувчи роли"ни, унинг инқилоб ва шўро ҳокимиятини мустаҳкамлашдаги гегемонлик ўрнини очиб беришга катта эътибор қаратилди. "Октябрь инқилоби"нинг умумий ва хусусан, Туркистонда шўро қурилишининг дастлабки йиллари муаммоларини ўрганишда М.Ғ.Ваҳобов, И.К.Додонов, К.Е.Житов, Х.Ш.Иноятов, Х.Тўраев, В.П.Хариннинг тадқиқотлари муносиб ҳисса бўлди[1]. Уларнинг кўп қиррали асарларида ўлкадаги "инқилобий воқеа"ларнинг тафсилотларини атрофлича кўрсатиб беришга, маҳаллий ишчилар ва камбағал деҳқонларнинг сиёсий фаоллигини акс эттиришга, "октябрь инқилоби"га тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш даврида маҳаллий большевиклар ташкилотларининг фаолиятини, уларнинг ўлкада шўро ҳокимиятини мустаҳкамлашдаги иштирокини ёритиб беришга ҳаракат қилинган.

Ўзбек тарихчиларининг илмий изланишларига Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон тадқиқотчиларининг ишлари ҳам мустаҳкам боғланиб кетган. Хусусан, минтақадаги Октябрь жараёнларининг шарт-шароитлари ва хусусиятларига доир масалалар А.М.Досумов, А.Г.Зима,

---

[1] Вахобов М.Г. Ташкент в период трех революций.-Т.,1957; Додонов И.К. Победа Октябрьской революции в Туркестане.-Т.,1958; Житов К.Е. Победа Великой Октябрьской социалистической революции в Узбекистане.-М.,1957; Шу муллиф. Победа Октябрьской революции в Узбекистане.-Т.,1962; Иноятов Х.Ш. Ўзбекистонда октябрь революцияси. - Т., 1957; Тураев Х. Большевики Туркестане в Октябре.-Т.,1967; Харин В.П. Великая Октябрьская социалистическая революция в Узбекистане.-Т.,1958.

Т.Р.Каримов, Т.Елеуов, Ш. Ташлиев, К.Мухаммадбердиев, Г.П.Непесов, С.Н.Покровский, А.А.Росляков, М.Язикова ва бошқаларнинг асарларида[1] ўз ифодасини топди.

Тўрт жилдан иборат "Ўзбекистон ССР тарихи"[2] китобининг нашр этилиши Ўзбекистон ҳаётида сезиларли воқеа бўлди. Мазкур нашрнинг 2 ва 3 жилдларида октябрь тўнтаришининг ўлка тарихидаги муаммоларига ва унинг ўзбек халқи ижтимоий ҳаётидаги оқибатларига бир мунча кенгроқ ўрин берилган. "Ўзбекистон ССР тарихи" фундаментал нашри билан бир қаторда тадқиқ этилаётган йилларда бир қатор йирик умумлаштирувчи асарлар ҳам эълон қилиндики, уларда октябрдан кейинги даврда Ўзбекистон тарихий тараққиётининг умумий манзараси тадқиқ этилган.[3]. "Октябрь инқилоби"ни Марказий Осиё минтақасидаги қонуний воқеа, империализм даврида мамлакат тарихий тараққиётининг бориши жараёнида Россияда тайёрланган социалистик инқилобнинг таркибий қисми сифатида кўрсатиб беришга ҳаракат қилинган.

Октябрь ва Туркистоннинг кейинги тараққиёти муаммоларини ёритган йирик асарлар билан бир қаторда, 50-йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб хусусий масалаларни таҳлил қиладиган асарлар яратилишига ҳам эътибор кучайтирилди. Хилма-хил йўналишдаги тадқиқотлар орасида бу даврда Ленин ва коммунистик партиянинг миллий масалага доир ва миллий республикаларда,шу жумладан Туркистонда социализм қурилиши-

---

[1] Досумов А.М. Победа Великой Октябрьской соц. революции в Каракалпакии.-Т.,1958; Зима А.Г. Советы Киргизии в 1917г.-Фрунзе,1962; Каримов Т.Р. Победа Великой Октябрьской соц. революции в Сов. Таджикистане.-Сталинабад,1957; Елеуов Т. Установление и упрочение Советской власти в Казахстане.-Алма-ата,1961; Ташлиев Ш. Установление и упрочение советской власти в Туркменистане. - Ашхабад.1957; Мухаммедбердиев К. Коммунистическая партия в борьбе за победу народной Советской революции в Хорезме.-Ашхабад,1959; Непесов Г.П. Великий Октябрь и народные революции 1920г. в Северном и Восточном Туркменистане.-Ашхабад,1958; Покровский - С.Н. Победа Советской власти в Семиречье.-Алма-ата,1961; Росляков А.А. Большевики Туркменистана в борьбе за власть Советов.-Ашхабад,1966; Языкова М. Борьба за установление и упрочение Советской власти в западном Туркменистане (1917-1920гг.)-Ашхабад,1957.

[2] Ўзбекистон ССР тарихи. 4 жилдлик. - Т.,1967-1968.

[3] Очерки истории Коммунистической партии Туркестана.-Т.,1964; Очерки истории Коммунистической партии Узбекистана.-Т.,1974; Победа Советской власти в Средней Азии и Казахстане.-Т.,1967.

доир дастурни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш соҳасидаги фаолиятини ўрганишга бағишланган асарлар марказий ўринлардан бирини эгаллайди. Бундай мавзулар Ш.Ш.Абдуллаев, А.И.Зевелев, Ҳ.Ш.Иноятов, Б.В.Лунин, Ҳ.Т.Турсунов, Ш.З.Ўразаев, В.М.Устинов, П.У.Ҳамдамов, К.Х.Ҳасанов ва бошқаларнинг асарларида[1] анча кенгроқ ишлаб чиқилди. Бу муаллифлар "нокапиталистик тараққиёт" шароитида социалистик қурилиш йўлларини ишлаб чиқишда Лениннинг ролига, коммунистик партиянинг миллий масалани ҳал қилиш соҳасидаги фаолиятини бўрттириб кўрсатишга асосий эътиборни қаратганлар. Афсуски сиёсий арбоб сифатида Ленинни идеаллаштириш, большевикларнинг миллий дастурига нотанқидий ёндашув тадқиқотчиларга ўлкани инқилобий қайта қуришдаги социалистик амалиётнинг фожиавий хатоларини кўрсатиб беришга имкон бермаган.

Қараб чиқилаётган давр тарихшунослигининг муҳим хусусиятларидан яна бири "ҳарбий коммунизм" шароитида большевиклар партияси ижтимоий-иқтисодий ва маданий сиёсатининг ўзига хос хусусиятларини ўрганишга интилиш бўлди. Бу ўринда биринчи навбатда Р.Нуруллин, В.А.Суворов, Л.И.Яковенко тадқиқотларини[2] алоҳида кўрсатиш мумкин. Бу асарларда шўро ҳокимиятининг дастлабки йилларида амалга оширилган ўзгартирувчилик тадбирларида йўл қўйилган баъзи нуқсонлар очиб берилди, озиқ-овқат танглигининг негизлари таҳлил этилиб, янги иқтисодий сиёсатга ўтишнинг тарихий шарт-шароитлари асослаб берилди.

---

[1] Абдуллаев Ш.Ш.,Зевелев А.И. Ленин и исторические судьбы народов Средней Азии.-М.,1968; Зевелев А.И. Некоторые проблемы истории народов Средней Азии в трудах В.И.Ленина.-М.,1968; Иноятов Х.Ш. В.И.Ленин и становление советской государственности в Узбекистане.-Т.,1960; Лунин Б.В. Ленин и народы Средней Азии.-Т.,1967; Турсунов Х.Т. Национальная политика Коммунистической партии в Туркестане (1917-1924гг.)-Т.,1971; Уразаев Ш.З. В.И.Ленин и строительство советской государственности в Туркестане.-Т.,1967; Устинов В.М В.И.Ленин, Октябрь и Средня Азия.-Душанбе.,1968; Хамдамов П.У. Литература о Средней Азии в творчестве В.И.Ленина.-Т.,1971; Хасанов К.Х. Ленин и Туркбюро ЦК РКП(б).-Т.,1969.

[2] Нуруллин Р.А. Советы Туркестанской АССР в период иностранной военной интервенции и гражданской войны.-Т.,1965; Уша муаллиф. Борьба Компартии Туркестана за осуществление политики "военного коммунизма".-Т.,1975; Суворов В.А. Туркестанская АССР накануне восстанавительного периода.-Т.,1966; Яковенко Л.И. Продовольственная политика коммунистической партии и ее осуществление в Туркестане (1918-1924гг.)-Душанбе.,1974.

Муаммонинг тарихшунослигига Р.Х.Аминова, М.Қорахонов, С.Ражапов, Г.Р.Ризаев, А.Ўлмасов, М.Х.Ҳакимов, Р.С.Шарафутдинов ва бошқаларнинг илмий тадқиқотлари[1] сезиларли ҳисса бўлиб қўшилди. Масалан Р.Х.Аминова ва Г.Р.Ризаев шўро ҳокимиятининг дастлабки йилларидаги аграр ислоҳотлар тажрибасини умумлаштирдилар. А.Ўлмасов Туркистон саноатининг «социалистик» асосда ташкил қилиниши жараёнларини ўрганди. М.Қорахонов, С.Ражапов, Р.С.Шарафутдинов маданий инқилобни амалга ошириш тажрибасини таҳлил этган бўлсалар, М.Ҳ. Ҳакимов Миллий Шўро давлатчилигини барпо этиш соҳасида ҳокимият органларининг иш шакллари ва усулларини тадқиқ этди.

Умуман, 80-йилларнинг бошларига келиб, ижтимоий-гуманитар фанлар олимларининг куч-ғайратлари туфайли октябрдан кейинги дастлабки йиллар шароитида ижтимоий-иқтисодий ва маданий қурилишнинг хилма-хил томонларини акс эттирган жуда кўп манбалар тўпланди. Лекин бу асарларни бугунги кунимиз нуқтаи назаридан баҳолайдиган бўлсак, шуни айтиш керакки, уларнинг аксариятида кўпгина муҳим муаммолар, жумладан шўро тоталитар (мустабид) жамиятининг асосий таянчларини қарор топтириш билан боғлиқ бўлган масалалар ёритилмай қолган ёки сохталаштириб талқин этилган. Бу ишларнинг аксарият кўпчилигида бутун Шўро жамиятшунослигига хос бўлган камчиликлар мавжуд бўлиб, улар марксча мафкура, коммунистик таълимотнинг хаёлий ақидалари руҳида ёзилган эди.

Бу асарларда Октябрь тўнтариши мамлакат халқлари, шу жумладан ўзбек халқи ҳаётида ғоят муҳим тарихий аҳамиятга эга бўлган буюк воқеа сифатида таърифланади. Натижада "Октябрь" ва социализм тарихи ниҳоятда бузиб ва бўяб кўрсатилади. Унда тарихий воқеалар сохта-

---

[1] Аминова Р.Х. Аграрная политика советской власти в Узбекистане (1917-1920гг.).-Т.,1963; Корахонов М. Культура Советского Узбекистана.-Т.,1957; Раджапов С. К истории советской школы в Узбекистане.-Т.,1957; Ризаев Г.Р. Аграрная политика советской власти в Узбекистане (1917-1965гг.).-Т.,1967; Ульмасов А. Национализация промышленности в Советском Туркестане.-Т.,1960; Шарафутдинов Р.- С. Школьное Образование в Узбекской ССР (1917-1955гг.)-Т.,1961; Хакимов М.Х. Серый Я.М. Борьба большевиков за создание Национальной советской государственности в Туркестане. - Т., 1964.

лаштирилиб, Ватан тарихига оид кўплаб манбалар, шу билан бирга тарихимизнинг биз учун қимматли бўлган бутун-бутун саҳифалари ҳақида лом-мим демай атайлаб четлаб ўтилди. Хуллас, ҳамма асарлар қарор топган мустабид тузумни оқлашга, большевиклар раҳбарларининг "донолиги"ни очиб беришга қаратилган эди.

80-йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб "қайта қуриш" пайдо бўлиши натижасида жамиятшунослик фанининг жонланиши учун муайян шарт-шароитлар вужудга келади. "Қайта қуриш"нинг мақсади ва моҳиятига тўхталмаган ҳолда шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бу даврда ижтимоий фикрнинг жонланиши ва ижтимоий фаолликнинг ривожланиши учун имконият яратилган эди.

Ҳамма жойда ўтказилган мунозаралар, "давра суҳбатлари" илмий анжуманлар тарих фанини соғломлаштиришнинг муҳим воситаларидан бири бўлди. Улар тарихий тадқиқотларнинг муҳим йўналишларини қамраб олди. Октябрдан кейинги ривожланишнинг дастлабки йилларига оид долзарб масалалар ҳам танқидий ўрганиш доирасидан четда қолмади. Хусусан, улар 1988 йил январда бўлиб ўтган илмий-назарий симпозиум ва 1989 йил ноябрь ойида ЎзФА Тарих институтида бўлиб ўтган республикалараро илмий конференция қатнашчиларининг нутқларида биз ўрганаётган муаммоларга боғлиқ равишда ўз ифодасини топди[1].

Ўзбекистон олимлари демократиялашнинг умумий жараёнлари, миллий онгнинг ўсиши, мустабид тузум исканжаларининг секин-аста заифлашиб бориши таъсирида тарихимизнинг долзарб масалаларини кўтара бошладилар. Атайлаб четлаб ўтилган, ёки танқидий таҳлил қилиш доирасидан четда қолган ҳодисаларни ўрганишга киришдилар. Масалан, А.Акрамов билан К.Авлиёқулов Туркомиссиянинг ўлкадаги фаолиятини

---

[1] Историография, источниковдение истории Компартии Туркестана. Материалы научно-теоритического симпозиума 1988г.-Т.,1989; Октябрская революция в Средней Азии и Казахстане: теория, проблемы, перспективы изучения. Материалы межресп. научной конференции, 15-16 ноябрь 1989. -Т.,1991.

янгича нуқтаи назардан ёритиб беришга уриндилар[1]. И.А.Алимов ТАССРда диний масалани ҳал қилишдаги большевикча зўравонликнинг ўзига хос табиатини очиб беришга ҳаракат қилган[2]. Ф.Б.Исҳоков ўлка ҳаётидаги шўро тарихининг бошланғич босқичларига оид бир қатор номаълум саҳифаларни ёритди[3]. Ф.Х.Набиев Туркистондаги социалистик қурилишнинг ўзига хос ҳусусиятларини таърифлашда янгича ёндашишга ҳаракат қилди[4]. В.А.Семенюта 1917-1920 йиллар шароитида озиқ-овқат масаласининг ҳал этилиши тажрибасини умумлаштирди[5]. М.К.Ҳасанов "истиқлолчилик ҳаракати"нинг вужудга келиш асосларини таҳлил қилди, "Қўқон мухторияти" билан боғлиқ бўлган воқеаларни холисона нуқтаи назардан тасвирлаб берди[6]. Г.А.Ҳидоятов миллий масалани амалга оширишдаги хато ва камчиликларни аниқлашга диққат эътиборни қаратди[7].

Шу билан бирга, бугунги кунда маълум бўлиб турибдики, шўро мустабид тузумининг табиатини илмий таҳлил қилиш борасида фақат дастлабки қадамлар қўйилган. "Қайта қуриш" даврида марксизмнинг назарий қоидаларини танқид қилиш яққол кўр-кўрона тарзда кечди. У асосан "сталинча даврнинг хатоликлари"ни тилга олиб ўтиш билан чекланди. Янгича фикрлаш учун марксизм-ленинизмнинг энг изчил ақидалардан холи бўлиши деб тушунилди. Шу асосда жамиятшунослар, шу жумладан тарих фани вакилларининг асарларида ижтимоий жараёнларни ҳаққоний акс эттиришга, тарихнинг "оқ доғлари"ни ёритишга интилишлари кўзга ташланди. Афсуски, улардан энг илғор фикр юритганлари ҳам (айримларини ҳисобга олмаганда), октябрдан кейинги тараққиёт

---

[1] Акрамов А., Авлиякулов К. В.И.Ленин, Туркомиссия и укрепление советской власти в Средней Азии.-Т.,1991.

[2] Алимов И.А. Левацкие перегибы в решении религозного вопроса в ТАССР.//Общественные науки в Узбекистане. 1991, -N1. -- С. 31-40.

[3] Исхаков Ф.Б. Прошлое глазами историка.-Т.,1990.

[4] Набиев Ф.Х. Социалистическое строительство в Узбекистане в годы гражданской войны (1918-1920гг.)-Т.,1989.

[5] Семенюта В.А. Опыт решения продовольственного вопроса в Туркестане в первые годы советской власти (1917-1920гг.) Автореф. дисс...канд.ист.наук.-Т., 1991.

[6] Хасанов М.К. "Кокандская автономия" и некоторые ее уроки//Октябрьская революция в Средней Азии и Казахстане: теория, проблемы, перспективы изучения. -Т., 1991.

[7] Хидоятов Г.А. Национальный вопрос в СССР.-Т.,1991.

жараёнини "буюк Октябрь" ғояларига садоқат нуқтаи назаридан қараб чиқа бошладилар.

Ўзбекистон давлати мустақилликни қўлга киритгандан кейингина чуқур мулоҳаза билан хаққоний фикр юритиш учун қулай шароит вужудга келди. Коммунистик мафкура ҳукмронлигидан ҳалос бўлиш, марказга тобеликдан қутилиш, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий муносабатларнинг янги тизимига ўтиш Ўзбекистон тарихини ҳаққоний талқин қилиш учун зарур манбавий асос яратилди. Шуни айтиш керакки, мустақиллик йилларида сифат жиҳатидан янги услубий асосда яратилган дастлабки тарихий асарлар вужудга кела бошлади. Улар қаторига А.А.Головановнинг монографик тадқиқотлари[1], С.С. Аъзамхўжаев, Е.А. Прилуцкий, Б.А. Кощанов, Ф.Х.Набиев, К.К.Ражапов ва бошқаларнинг диссертацияларини[2] киритиш мумкин. Чунончи, А.А.Голованов шўро аграр сиёсатининг туғма иллатларини баён қилиб берган бўлса, Е.А.Прилуцкий билан Б.А.Кощанов большевикларнинг миллий давлат қурилиши масаласидаги назарий қусурларини очиб бердилар. Ф.К.Набиев Туркистондаги шўро ҳокимиятининг ижтимоий сиёсатидаги зиддиятларни тасвирлаб берди. К.К.Ражапов большевиклар сиёсий раҳбариятининг халққа қарши сиёсати натижасида ТАССРда истиқлолчилик ҳаракатларининг авж олишига сабаб бўлганлигини таҳлил қилди. С.Аъзамхўжаев ўз диққат-эътиборини мусулмон аҳолининг ўз тарихий тақдирини мустақил белгилаш учун курашида ташкилий жиҳатдан бирлашуви муаммоларига қаратди, ўлкадаги биринчи миллий демократик давлат тузилмаси бўлган Туркистон мухторияти тажрибасини умумлаштирди. Мустабид тузумнинг илк шаклланиш даврида

---

[1] Голованов А.А. Крестьянство Узбекистана: эволюция социального положения. 1917-1937гг.-Т.,1992.

[2] Прилуцкий Е.А. Национально-государственное строительство в Советском Туркестане. 1918-1920гг: Автореф.дис...канд.ист.наук. -Т., 1991; Кощанов - Б.А. Большевики в Туркестане (1918-1922гг.). Автореф. дисс...докт.ист.наук.-М.,1995; Набиев Ф.Х. Проблемы и противоречия социальной политики в Туркестане (1917-1924гг.): Автореф.дисс... докт.ист.наук.-Т.,1995; Раджапов К.К. "Истиқлолчилик харакати" в Ферганской долине: сущность и основные этапы развития (1918-1924гг.): Автореф.дис...канд.ист.наук.-Т.,1995; Агзамходжаев С.С. Туркистон мухторияти: борьба за свободу и независимости (1917-1918гг.): Автореф.дисс...докт.ист.наук.-Т.,1996 ва б.

шўро ҳукуматининг зўравонлик ва Туркистон халқларига нисбатан ўтказган миллий камситиш сиёсатини акс эттирувчи бир қатор асарлар чет элларда ҳам чоп этилди. Айниқса, 70-80 йилларнинг иккинчи ярмида бундай тарихий асарларни кўплаб учратиш мумкин. Бу асарлар ўзининг нафақат тарихий воқеликни ёритиш, услубияти билан, шунингдек холисона ва мафкуравий ёндошуви билан ҳам, шўро олимлари асарларидан тубдан фарқ қилади. Масалан, машҳур тарихчи олим Заки Валидий Тўғон ўзининг асарларида Туркистондаги шўролар ҳукмронлиги даврини холисона ёритишга, собиқ большевикларнинг маҳаллий аҳолини камситиш сиёсатини илмий жиҳатдан таҳлил қилишга харакат қилган.[1] Шунингдек, турк тарихчиси Меҳмет Сарай асари Ўрта Осиёни руслар томонидан истило қилиниши ва Ўзбекистоннинг шўро мустабид жамияти ҳукмронлиги даври тарихини очиб беришга бағишланган[2]. Али Бодомжининг асари 1918-1934 йиллар орасида давом этган Туркистондаги миллий озодлик ҳаракатлари ва унинг моҳиятига бағишланган[3]. Абдуллоҳ Ражаб Бойсун ва Нодир Давлат Россия қўл остидаги Туркистон халқларининг миллий ташкилотлари ва миллий харакатларини ўрганганлар.[4] Олмониялик Боймирза Ҳайитнинг асарлари мустамлака зулми остида яшаётган туркистон мусулмонларининг оғир қисматларини ўрганишга манба бўлиб хизмат қилиши табиийдир.[5]

Лекин, биз тадқиқ қилаётган даврга оид кўплаб адабиётлар мавжуд бўлишига қарамасдан Туркистондаги мустабид тузумнинг асосий таянчларини қарор топтириш, Ўзбекистонда 70-йилдан кўпроқ ҳукм сурган шўро нодемократик жамиятининг негизларини яратиш жараёнлари билан

---

[1] Zeki Velidi Togon. "Bugunki Turkili Turkistan ve Yakin Tarihi. Enderin Kitabevi. Istanbul. 1981.

[2] Mehmet Saray. Ruslarin Orta Asyayi Ele Gecirmeleri. Orta Dogu Teknik Universitesi. Ankara, 1984, "Uzbek Turkleri Tarihi", Nesil Matbaacilik ve yayincilik San. Ve A.Ю. Istanbul, 1993.

[3] Ali Bademci. 1917-1934. Turkiston Milli Istiklal Hareket ve Enver Pasa. Kutlug Yayinlari, Istanbul, 1975.

[4] Abdulla Recep Baysun Turkistanli. Turkistan Milli Hareketleri 1943. Nadir Devlet. "Rusya Turklerinin Milli mucadele tarihi. Turk kulturu Arastirma Enstitusu yayinlari Ankara 1985, Dogustan Gunumuze Buyuk Islam Tarihi Ek Cild. Cagdas Turkiler Cep yayinlari Istanbul, 1993.

[5] Baymirza Hayit. Sovyetler Birligindeki Turklugun ve Islamin bazi meseleleri. Turk Dunyasi Arastirmalari Vakfi. Istanbul. 1987, "Rusya ve Chin Arasinda Turkistan" Otag yayinlari. Ankara, 1975.

боғлиқ бўлган муаммоларнинг кенг қатлами илмий жиҳатдан ўрганиш доирасидан четда қолиб келди. Шунинг учун ҳам ҳозиргача Ватан тарихшунослигининг ана шу йўналишларига оид билимларимиз тартибсиз, назарий жиҳатдан эса тарқоқлигича қолмоқда. Чунки мазкур мавзу ҳозиргача илмий билишнинг мустақил объекти сифатида махсус ўрганиш учун танлаб олинмади. Ҳолбуки, бугунги кунда шўро мустабид тузумининг қолдиқларидан ҳалос бўлиш вазифаси биринчи даражали вазифалар қаторида турган экан, бу муаммо долзарблигича қолавериши табиийдир.

Шу нуқтаи назардан бу муаммо алоҳида илмий-назарий ва амалий аҳамиятга эга эканлигини, унинг ҳозирги замон тарихий тафаккури асосида ишлаб чиқилмаганлигини ҳисобга олиб, муаллиф диссертация тадқиқоти-нинг объекти сифатида «Туркистонда мустабид тузумнинг иқтисодий ва маънавий асосларининг юзага келиши» мавзусини танлади.

Тадқиқотнинг мақсади. Туркистонда мустабид тузумнинг вужудга келиш сабабларини ўтмиш нуқтаи назаридан ўрганиш, "ҳарбийлашган" жамиятнинг маънавий-иқтисодий тузилмалари қарор топишининг воситалари ва омилларини таҳлил қилишдан иборат.

Аниқ мақсадли йўл-йўриқлар сифатида қуйидаги вазифалар илгари сурилди:

– иқтисодий ва ижтимоий-маданий сиёсатни марксча андозасининг асосий томонларини аниқлаш, унинг мустабидчилик йўналишини ва Туркистонда амалга оширилишининг ўзига хос хусусиятларини очиб бериш;

– октябрдан кейинги дастлабки йилларда ўлкадаги маданий-иқтисодий қурилишни амалга оширишдаги аниқ тарихий вазиятнинг ҳақиқий манзарасини қайта тиклашга харакат қилиш;

– Туркистон ва большевиклар Россиясидаги иқтисодий ва маданий мафкуравий тадбирлар мазмунидаги умумий ва ўзига хос томонларни аниқлаш;

– Туркистонда мустабидчилик иқтисодиётини ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ қилиш;

– мустабид жамиятнинг коммунистик мафкураси ва маънавий институтлари якка ҳокимлигини мустаҳкамлаш жараёнларини кузатиш;
– "Социалистик маданият" ва "социалистик иқтисодиёт"ни шакллантириш соҳасидаги тадбирларнинг зиддиятлари ва синфий йўналишни ёритиб бериш;
– мустабид жамиятнинг таянч негизларини қарор топтириш давлат сиёсатининг узоқ муддатли вазифаси бўлганлигини ҳозирги замон методологик ёндашувлар нуқтаи назаридан таҳлил қилиш;
– тадқиқот якунлари асосида мустақил Ўзбекистоннинг миллий юксалиши шароитида мустабидчилик омилларини узил-кесил барҳам топтиришга доир тавсиялар ва таклифлар ишлаб чиқиш.

Диссертациянинг назарий-услубий асоси. Билишнинг диалектик усули ва миллий мустақилликнинг асосий назарий қоидалари ҳамда унинг устивор инсонпарварлик қадриятлари диссертациянинг назарий-услубий асоси сифатида олинди. Муаллиф мавзуни тадқиқ этиш жараёнида мафкуравий қарашлардан ҳоли равишда ёндошишга интилди, мураккаб сиёсий воқеаларнинг хақиқий моҳиятини очиб беришга, уларнинг намоён бўлишида мавжуд зиддиятлар ва хилма-хилликларни кўрсатишга харакат қилди.

Ишда коммунистик таълимотнинг қарор топган ақидаларини, собиқ шўро жамиятининг белгилаб қўйилган андозалари ва ўзгармас деб қабул қилинган назарий қарашларини танқидий таҳлил қилишга алоҳида аҳамият берилган. Шу билан бирга, шўро даврини ёппасига қоралашдан ҳоли бўлиш муҳимлиги, танқид бунёдкорлик йўналишида бўлиб, Ўзбекистоннинг маънавий ва ижтимоий-иқтисодий юксалишига ҳизмат қилиши лозимлиги ҳисобга олинган.

Тадқиқотнинг услубий асоси ва воситаларини ишлаб чиқишда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари ва нутқларида баён қилинган қоидалар ва хулосалар алоҳида аҳамиятга эгадир. Уларда мустақил миллий тараққиётнинг назарий томойиллари

ифодалаб берилган, ижтимоий тараққиётда коммунистик андозаларининг назарий нуқсонлари далиллар асосида таҳлил қилинган, миллий давлат қурилиши, демократик-ҳуқуқий жамият барпо этишнинг сифат жиҳатидан янги андозаси таклиф этилган, тарихий тараққиётнинг марраларига эришиш йўллари ва унинг истиқболлари белгилаб берилган.

Диссертациянинг манъбавий асосини очиқ эълон қилинган кўпдан-кўп нашрлар, вақтли матбуот материаллари, ҳужжатлар тўпламлари, тасвирланаётган воқеа-ҳодисалар иштирокчиларининг хотиралари, архив маълумотлари ташкил этган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат ва вилоят архивларидан, собиқ иттифоқ архивларининг ҳуқуқий вориси бўлиб қолган Россия Федерацияси архивларидан олинган ҳужжатлар мазкур тадқиқотга асосий манба сифатида хизмат қилди.

Умуман, диссертация мавзусини тадқиқ этиш жараёнида 10 га яқин архивларнинг 30 дан ортиқ фондлари батафсил ўрганиб чиқилди ва улардан фойдаланилди. Улар орасида Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви (ЎзРМДА), Россия Федерацияси Давлат архивлари (РФДА); Россия Давлат иқтисод архиви (РДИА); Россиянинг энг янги тарих ҳужжатларини сақлаш ва ўрганиш маркази (ЭЯТХЎРМ); Россия давлат ҳарбий архиви (РДХА); шунингдек Андижон, Самарқанд, Тошкент вилоятлари давлат архивлари ва Тошкент вилоят ҳокимияти архиви-собиқ Ўзбекистон КП Тошкент вилоят қўмитаси архиви бор.

Биз РФДА дан 121,130,3969,6317-фондлар ҳужжатларини; РДИАдан 130, 3439, 7990-фондлар ҳужжатларини; ЭЯТХЎРМ дан 22-фонд ва РДХА дан 110 ва 125-фондлар ҳужжатларини таҳлил қилдик. Бу айтиб ўтилган маълумотларга бой фондларни ўрганиш мамлакат марказий ҳукумати ва юқори партия органларининг Туркистонда мустабид жамиятнинг етакчи таянчларини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятини тўлароқ англаб етиш, шўро метрополиясининг ижтимоий-иқтисодий, маданий-мафкуравий ва

миллий сиёсат соҳаларида амалга оширган "инқилобий" ўзгаришлар стратегиясини аниқлаш имконини берди.

ЎзР МДАнинг 17, 25, 27, 29, 31, 34, 35, 39, 93, 337, 749, 764-фондлари материаллари ҳам ушбу тадқиқотимиз учун муҳим манбалар бўлиб хизмат қилди. Туркистон Республикаси ҳукумат муассасаларининг ҳужжатларини, кўп сонли умумлаштирувчи маълумотларни ўз ичига олган бу фондлар ўлкада амалга оширилган ҳалокатли коммунистик экспери-ментнинг умумий манзарасини бутун иллатлари билан очиб беради.

Вилоят давлат архивларининг материаллари асосий архивлар фондларидан олинган ҳужжатларни тўлдирувчи қўшимча манба бўлиб хизмат қилади. Уларга мурожаат қилиш қуйи босқичдаги социалистик ўзгаришларни амалга ошириш жараёнларини тадқиқ қилишга имкон туғдирди.

Диссертация ишини тайёрлашда архив манбалари билан бир қаторда ҳужжатлар тўпламларидан[1], статистик тўпламларидан[2]; воқеалар солно-маларидан[3] ҳам кенг кўламда фойдаланилди.

Вақтли матбуот материаллари ҳам муайян даражада манба сифатида хизмат қилди. Улар орасида журналар: "Народное хозяйство Туркестана", "Красний террор", "Новая жизнь", "Известия госконтроля" ва ҳ.к., шунингдек газеталар: "Советский Туркестан", “Иштрокиюн", “Известия Турк ЦИКа", “Известия ВЦИК" ва бошқалар бор.

Жуда кўп миқдордаги архив ва очиқ манбалардан узвий ўзаро боғлиқ равишда ва қиёсан таққослаш асосида кенг фойдаланиш, уларни танқидий

---

[1] Мусбюро РКП (б) в Туркестане. -Т.,1922; Победа Великой Октябрьской социалистической революции в Туркестане. - Т., 1947; Советы народного хозяйства и плановые органы в центре и на местах (1917-1932гг.) -М.,1957; Из истории ВЧК.-1917-1921 гг.-М.,1958; Деятельность Коммунистической партии и советского правительства по восстанавлению и развитию хлопководства в Туркестане (1917-1924гг.) -Т.,1986; Коммунистическая партия Туркестана в резолюциях съездов и конференций.-Т.,1988.

[2] Статистический ежегодник. 1917-1923 гг. В 2-х томах.-Т.,1924, Компартия Туркестана и Узбекистана в цифрах.-Т.,1968.

[3] Образование и деятельность Коммунистической партии Туркестана.-Т.,1960, Хроника событий гражданской войны в Узбекистане. В 2-х томах. -Т., Т.I-1975, Т.II-1991.

нуқтаи назардан танлаб олиш ва таҳлил қилиш муаммони анча холисона тарзда очиб беришга имкон туғдирди.

Ишнинг илмий жиҳатдан янгилиги шундан иборатки, унда Ватан тарихшунослигида биринчи марта Туркистонда мустабид тузумнинг таянч тузилмаларини барпо этиш жараёнини замонавий назарий-услубий нуқтаи назардан ҳар томонлама тавсифлаб беришга ҳаракат қилинган. Диссертант тарих фанида қарор топган эскича тасаввурлар ва андозаларга, марксизмнинг ақидавий йўл-йўриқларининг назарий жиҳатдан чекланганлигига барҳам беришга интилиб, ҳозирги вақтгача танқидий жиҳатдан ўрганиш доирасидан четда қолган ёки мустабидчилик тафаккури нуқтаи-назаридан баҳоланган долзарб муаммоларни изчил таҳлил қилишга эътиборини қаратган.

Диссертацияда тарихий ҳақиқатга мос равишда Туркистон иқтисодий ҳаётининг октябрдан кейинги дастлабки йилларда рўй берган ўзгаришларга доир кўпгина муҳим масалалар қайта таҳлил қилиниб, саноат ва аграр тармоқни давлат ўз тасарруфига олиш (миллийлаштириш) тажрибасига танқидий баҳо беришга, шаҳар ва кишлоқларда "маданий" қурилишнинг большевикча йўналишига доир нуқсонларини очиб ташлашга ҳаракат қилинди. Тадқиқотдаги илмий янгиликнинг яна бир белгиси – большевикларнинг мустабид ҳокимият қурилмаларини мустаҳкамлаш омилларини тушунтириб беришга эътибор қаратилганлиги, жамият ҳаётини коммунистик мафкуравийлаштиришнинг ҳалокатли оқибатлари кенг таҳлил этилганлигидадир.

Диссертациянинг ўзига хос томони яна шундан иборатки, ҳозиргача бўлган барча тадқиқотлардан фарқли ўлароқ, ўрганилаётган муаммоларни таҳлил қилиш Ўзбекистонда демократик-ҳуқуқий жамиятни шакллантириш, унинг иқтисодий ва маънавий-ахлоқий жиҳатдан юксалишини таъминлаш ҳозирги замон йўналиши билан боғлиқ равишда амалга оширилган.

Шунингдек диссертацияда илгари илмий муомалага киритилмаган янги манбалардан, ҳужжатгоҳ маълумотлари ва бошқа материаллардан кенг фойдаланилган.

Диссертациянинг амалий аҳамияти шу билан белгиланадики, унда октябрдан кейинги дастлабки йилларда Туркистоннинг иқтисодий, сиёсий-маънавий соҳаларини қайта тузиш борасида большевиклар амалга оширган "ҳарбий коммунизм" тажрибасига сифат жиҳатдан янгича баҳо берилган. Тадқиқот мустабид тузумнинг таянч негизларини шакллантириш соҳасидаги большевиклар фаолиятининг мазмуни ва узоқ йиллар давомида яққол кўзга ташланган оқибатлари ҳақида ҳолисона хулоса чиқаришга, унинг ўлкадаги миллионлаб аҳолининг ҳаёти ва руҳиятига кўрсатган таъсирини билиб олишга ёрдам беради. Диссертацияда амалга оширилган қиёсий таҳлиллар, назарий умумлашмалар Ватан тарихшунослигидаги "оқ доғларга" барҳам бериш, ўлкамизнинг мураккаб кечган тарихини янада кенгроқ тарзда ёритишга имкон яратади.

Муаллиф томонидан ифодалаб берилган тадқиқот натижаларидан республикамизда барпо этилаётган ҳуқуқий, демократик жамиятнинг иқтисодий ва маънавий-ахлоқий жиҳатдан соғломлаштириш вазифаларини амалга оширишда фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Улар Ўзбекистоннинг янги тарихи борасида умумлаштирувчи асарлар ёзилишида, мустақил мамлакатимизнинг иқтисодий ва маданий жиҳатдан ривожланиш муаммолари билан боғлиқ монографик тадқиқотлар яратишда татбиқ этилиши мумкин.

I - БОБ.

ТУРКИСТОНДА МУСТАБИД ТУЗУМ ИҚТИСОДИЙ ПОЙДЕВОРИНИ ЯРАТИЛИШИ

I.I. Саноат ишлаб чиқаришининг "ҳарбий коммунизм" талаблари асосида ислоҳ қилиниши.

Марксизм классиклари томонидан яратилган социализм лойиҳасининг тоталитар (мустабид) йўналиши иқтисодиёт соҳасида аниқ намоён бўлди. Социализмни В.И.Ленин "капитализмга нисбатан меҳнатни ижтимоий ташкил этишнинг анча юқори типи", "унинг ҳаётийлиги ва муваффақиятининг гарови"дир[1], деб таърифлаган эди.

Ленин ўз ҳаётининг охирги йилларида, эҳтимол сиёсатчи ва мутафаккир учун энг фожиали бўлган, ўзининг тарихий мағлубиятини, янги тузум ҳақида қарор топган тасаввурларнинг хатолигини хис қила бошлаган эди. Бироқ у "ғолиб" Октябрь кунларининг хомхаёллари таъсирида диктаторлик усули билан Марксннинг товарсиз, бозорсиз социализм андозасини жорий қилиш истаги билан тўлиб-тошган эди. Большевиклар расмий доктрина ва социалистик қурилиш усули ёрдамида кўп укладли иқтисодиётни қатъиян қўпориб ташлаш, барча мулк шаклларини ва умуман жамият ҳаётини давлат таъсирига олиш, ялпи тенглаштириш тамойилларини амалга ошириш ва товар-пул муносабатларини барҳам топтириш йўлини ўртага ташладилар.

Вақт ўтиши билан товарсиз социализм ғояси фақат бошидан охиригача хаёлий бўлиб қолмай, шу билан бирга бу хавфли ғоя эканлигини ҳам янада аниқроқ тушуна бошладик. Чунки бозорсиз социализм андозаси жиддий салбий оқибатларга олиб келишини ўзида яширган эди. Ленин таъбиридаги социализм-бошқарув асосларининг ролини кўпроқ оширишга, маъмурий буйруқбозлик тизимини

---

[1] Ленин В.И. Тўла асарлар тўплами, 39-том, Б. 15.

кучайтиришга қаратилган эди. А.Голованов тўғри таъкидлаб ўтганидек. "ахир, пулсиз муносабатлар механизмини қарор топтириш, бунинг учун етарли объектив шарт-шароитлар мавжуд бўлмаган, бу ғоянинг ўзи аввал бошданоқ ҳаёлий бўлган бир пайтда, фақат буйруқ кучи билан, ошкора тазйиқ ўтказиш, ялпи зўравонлик билан амалга оширилиши мумкин эди"[1].

Товарсиз социалистик жамият барпо этишга қаратилган йўл маъмурий-давлатчилик, монополистик тузумнинг қарор топишига олиб келадики, бу тузум бошқаришнинг буйруқбозлик тизими, қудратли расмиятчилик аппарати, тақсимлашнинг мажбурлаш усули билан, демократик, инсонпарварлик тамойилларини ривожланишига зарар етказган ҳолда жамият ҳаётининг барча томонларини ялпи тартибга солиб туриш билан ажралиб турарди.

Мазкур модель гарчи бирмунча бўяб-бежалган, вақт-вақти билан қисман ислоҳ қилинган ҳолда бутун шўро тарихи мобайнида ҳукмронлик қилиб келади. Ҳукмронликнинг зўравонлик усули большевикчасига гафаккур юритишнинг асосий белгиси бўлиб, уларга ўз орзуларига эришишнинг бирдан-бир йўли ялпи куч ишлатишни тавсия этар эди. Зўравонлик тез вақт ичида чексиз неъматлар "ҳадя этади, деб мўлжал қилган большевиклар" Туркистонда истиқлолчилар урушининг шафқатсиз гирдобига тортилдилар. Шўро ҳокимиятининг дастлабки кунларидан бошлаб ленинча раҳбарият аввалги йиллардаги оммавий демократик шиорлардан чекина бошлади. Товар муносабатларига дарҳол ва қатъий уруш эълон қилинди, моноиқтисодга томон йўл олинди. Ленин мазкур муносабаталарни капитализм билан қиёслаб, эркин савдони енгиш вазифасини қўйди, бу савдони давлат жинояти деб эълон қилди. Иқтисодиётни бошқаришда эса ўта марказлаштириш йўли танлаб олинди. Ленин бозорсиз социализмнинг дастлабки босқичидаги бу тадбирни "ҳарбий коммунизм" сиёсати деб талқин қилди. Саноатда "ҳарбий

---

[1] Голованов А.А. Крестьянство Узбекистана: эволюция социального положения 1917-1937 гг. -Т., 1992. - С. 29-30.

коммунизм" ҳукмронлигини жорий қилинишини бош бошқармалар амалга оширарди, улар корхоналарни хом-ашё билан таъминлаш ва тайёр маҳсулотни тортиб олиш билан шуғулланарди. Бу иқтисодий қонунга зид бўлган қатъий тизим бўлиб, "ишчиларнинг ўз-ўзини бошқариши"ни муқаррар равишда барбод қилган ва расмиятчиликни вужудга келтирган эди. Шўро ҳукуматининг бу сиёсати иқтисодий мажбур қилиш эмас, балки ҳарбий, суд йўли билан қатағон ва ҳоказолар орқали мажбурлаш эди. Гап аввало умумий меҳнат мажбурияти ҳақида, "коммунистик асослар"ни мажбуран жорий этиш тўғрисида борарди.

Социализмга "штурм" билан ўтиш ленинча сиёсатни туркистонлик коммунистлар ҳам сўзсиз қўллаб-қувватладилар. Маҳаллий большевиклар назарий изланишлардан узоқ бўлиб, Москвадан тарқалаётган ғоявий кўрсатмаларга қатъиян амал қилишарди. Марказдан келган кўрсатма ва қоидаларда ўлканинг миллий-диний ва иқтисодий хусусиятларини назар-писанд қилинмаганлиги яққол сезилиб турар эди.

Маълумки, 1917 йил октябрга келиб Туркистоннинг иқтисодий аҳволи ниҳоятда оғир эди. Империалистик уруш натижасида бусиз ҳам қолоқ ҳолатда бўлган саноат таназзулга учради. Ишлаб турган корхоналар сони 1913 йилга нисбатан 75 фоизга, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 80 фоизга қисқарди. Саноат хом ашёдан маҳрум бўлиб қолди. Хом ашёнинг 75 фоизга яқинини қишлоқ хўжалиги берарди, унинг ўзи ҳам ночор аҳволда эди. Деҳқончилик маҳсулотлари ҳажми тўртдан уч қисмга, чорвачилик махсулотлари ярмига қисқарди. Кўпгина саноат корхоналари ва транспорт ишламасдан ёки ёқилғи йўқлигидан ниҳоятда узилишлар билан ишларди. Энергетика хўжалиги бутунлай вайрон бўлган эди[1].

Октябрдан кейинги қурилишнинг биринчи босқичида Лениннинг "Совет ҳокимиятининг навбатдаги вазифалари" номли асари иқтисодиётни социализмлаштиришнинг" асосий назарий дастури бўлди, унда давлатни бошқаришнинг муҳим вазифалари, халқ хўжалигини ялпи ҳисобга олиш ва

[1] Ўзбекистон ССР тарихи, 3-том, - Б. 128.

назорат қилиш асосида ташкил этиш йўллари белгилаб берилган эди. Янги «социалистик" иқтисодиётни барпо этишнинг ленинча режасидаги энг муҳим тадбирлардан бири-маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва тақсимлаш устидан ишчи назоратини жорий қилишдан иборат эди. Бироқ Туркистонда ишчи назоратини ташкил этиш марказий Россиядаги каби кенг ёйилмади.

Масалан, 1918 йил март ойига келиб бу назорат ўлка завод ва фабрикаларнинг фақат 10 фоизида ўрнатилган бўлса, бу вақтда Москва губернасида ишчи назорати корхоналарнинг 85 фоизида амалга оширилган эди[1]. Р.А.Нуруллиннинг тўғри таъкидлаб ўтишича, энг характерлиси шундаки, Туркистондаги саноат корхоналарининг кўпчилик қисми ишчи бошқаруви босқичини ўтишга улгурмасдан национализация қилинган эди[2].

Туркистондаги ишчи назорати маъмурий иқтисодиёт сари бориш йўлидаги қисқа муддатли муҳим муаммоларни ҳал қилмади. Марксча таълимотга кўра, "социалистик" қурилишнинг белгиловчи энг муҳим омиллар янги тузумнинг етакчи таянчларини шакллантириш, яъни ялпи национализациялаш, хусусий мулкни кенг миқёсда барҳам топтириш, ишлаб чиқариш воситаларини умумийлаштиришдан иборат эди.

Бугунги кунда биз шу нарсани етарли даражада аниқ-равшан англаб турибмизки, ишлаб чиқариш воситаларини экспроприация қилиш, бировларнинг мол-мулкини бошқаларга бўлиб бериш меҳнаткашларни бой қилгани йўқ, балки уларни иқтисодий жиҳатдан тенгликка, айниқса боқимандаликка олиб келди. Ишлаб чиқариш воситаларининг экспроприация қилиниши сиёсий ва иқтисодий омил сифатида кишиларнинг руҳияти ва онгига салбий таъсир қилди. У бунёдкорлик ишларига ундаш ўрнига кишиларни бефарқликка ўргатди, уларнинг меҳнатга нисбатан муносабатини ўзгартириб юборди.

---

[1] Ульмасов А. Национализация промышленности в Советском Туркестане. -Т., 1960. - С.37.

[2] Нуруллин Р.А. Некоторие вопросы социалистического преобразования промышленного производства в Советском Туркестане /Новые аспекты/. Қуйидаги китобда, Октябрьская революция в Средней Азии и Казахстане: теория, проблемы, преспективы изучения. - Т., 1991, - С. 228.

Эндиликда, жамият мустабид тузумдан озод бўлиб, нормал иқтисодиётга қайтаётган бир пайтда, етмиш йилдан кўпроқ умр кўрган экспроприаторлик мафкурасининг салбий оқибатлари янада яққолроқ кўзга ташланмоқда. Афсуски, шўро тузумига асос солинаётган пайтда коммунистлар, хатто унинг тарихан зарарли эканлигига асло шубҳа қилмаган эдилар. Марксниng "экспроприаторларни экспроприация қилиш" шиори Россия воқелиги шароитда ўзгартирилиб, "таланган нарсаларни тала" деган экстремистик чақириққа айлантирилди ва у большевикларнинг сиёсий ва иқтисодий ҳаракатлари асосини белгилаб берди. Жадал национализация қилиш шундай бир универсал калит бўлиб туюлдики, унинг ёрдамида порлоқ коммунистик истиқбол эшигини очиш мумкиндай эди. Лекин национализация қилишнинг давлат дастури дастлабки қадамларидан бошлаб эндигина кириб келаётган ишлаб чиқариш демократияси куртакларини бўға бошлади. Саноатни национализациялаш амалга ошиб борган сари социалистик сектор корхоналаридаги ишчи назорати идоралари бекор қилина бошлади. Масалан, "Тошкент трамвайи" корхонаси 1918 йил 10 декабрда давлат тасарруфига олинган бўлса, 1919 йил 9 январда Тошкент Совети ижроия қўмитаси "ишчи назорати қўмитаси совет корхонасидаги ортиқча муассаса ва ҳозирги пайт талабларига жавоб бермайдиган идора сифатида бекор қилинсин" деб қарор қабул қилди[1].

Бу қарорда бўлажак социалистик жамият ҳақидаги коммунистик тасаввурларнинг ҳақиқий кўриниши ўз ифодасини топган эди: унда ҳаддан ташқари марказлашув, ҳокимият тузилмалари сиёсати устидан таъсирчан халқ назоратининг йўқлиги, жамият ҳаётининг барча томонларини икир-чикиригача тартибга солиш акс этган эди.

Шўро тадқиқотчилари ўлка саноатининг национализация қилиниши масалаларини батафсил ўрганиб чиққанлар. Улар "Туркистонда саноатни национализация қилиш Марказий Россияга нисбатан анча жадал суръатлар

Тошкент вилояти давлат архиви, 10-фонд, 1-рўйхат, 160-йиғма жилд, 49-варақ

билан ўтказилди"[1], деган хулосага келганлар. Хақиқатан ҳам, 1918 йилнинг ўрталарига қадар Россияда барча корхоналарнинг 11 фоизи национализация қилинган бўлса, Туркистонда 45 фоизи национализация қилинган эди[2]. Ўлкадаги саноат корхоналарининг аксарияти 1918-1919 йилларда давлат мулкига айлантирилди, ҳолбуки Россияда бу жараён бутун фуқаролар уруши йиллари мобайнида нисбатан секинлик билан борди. Бунинг устига ялпи национализация қилиш кампанияси Туркистонда мамлакатнинг саноат марказларига қараганда эртароқ бошланган эди. Хусусан, РСФСР Халқ Комиссарлари Советининг саноатни умумий национализация қилиш ҳақидаги декрети 1918 йил 28 июнда қабул қилинган бўлиб, бу вақтда ўлка йирик саноатининг декретда кўрсатилган бутун тармоқлари национализация қилиб бўлинган эди. 1918 йилнинг баҳоридаёқ ўлка Халқ Комиссарлари Советининг раиси Ф.И.Колесов Москвага: "Национализация қилиш кенг кўламда олиб борилмоқда, натижалар яққол кўзга ташланмоқда"[3],деб телеграф орқали хабар қилди.

Натижада 1918 йилнинг биринчи ярмидаёқ ўлкадаги етакчи саноат тармоқлари пахта тозалаш, ёғ-мой корхоналари, шунингдек босмахоналар, банклар, темир йўллар, кўмир конлари, нефть конлари ва бошқа бир қатор ишлаб чиқариш тармоқларининг бир қисми Туркистондаги шўро давлатининг мулки қилиб олинган эди.

Саноат ишлаб чиқаришдаги стратегик чўққиларни жадал эгаллаш зарурлиги ҳақидаги далил сифатида марксчи тадқиқотчилар шундай фактни келтирадилар, яъни: шўроларга қарши кучларнинг ҳарбий ҳаракатлари билан боғлиқ равишда Россия ва Оренбург, Сибирь ва Кавказ орқали бўладиган алоқалар бузилди. Ёқилғи, ғалла, мануфактура ва бошқа зарур моллар ниҳоятда етишмасди. Маҳаллий тадбиркорлар ишчи назоратига қарамасдан, ҳамма жойда саботаж уюштирар эдилар.

---

[1] Ўзбекистон ССР тарихи, 3-том, Б. 170.
[2] История народного хозяйства Узбекистана. Т.I. -Т., 1962, - С. 30.
[3] ГАРФ. ф.130, оп.2, д. 734, л. 92-93.

Шўро тарихчиларининг фикр-мулоҳазаларида муайян мантиқ борлиги шак-шубҳасиздир. Масалан, Туркистонда ёқилғи танқислиги 1918 йилнинг бошларида 26-28 млн. пудни ташкил этганди.[1] Ёқилғи танқислиги ҳукуматни тоғ-кон қазиб олиш корхоналарини давлат тасарруфига олишни тезлаштиришга мажбур этди. Национализация қилиш суръатларини тезлаштиришга фаоллашган "аксилинқилобчилар" томонидан ҳужум қилиш хавфидан ташқари, шундай омиллар, чунончи: ишлаб чиқариш пахтачилик ва кон саноатида нисбатан кўпроқ тўпланганлиги, кўпгина корхоналарнинг географик жиҳатдан Фарғона водийси районларида жойлашганлиги ҳам ёрдам берди, деган фикрга маълум даражада қўшилса бўлади. Бироқ бу омилларнинг ҳаммаси иккинчи даражали хусусиятга эга эди. Асосий сабаб шунда эдики, большевикларнинг тасаввурларига кўра, давлат тасарруфига олинган саноат, мулкнинг кўп даражада жамоалашганлиги ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантиришда, хўжалик масалаларини ҳал қилишда кескин сакрашни таъминлар эди. Бу жиҳатдан Қўқон большевиклари кенгашининг раиси Е.А.Бабушкиннинг нутқи ўзига хосдир. У Қўқондаги Потеляхов ширкатига қарашли заводларнинг фабрика завод қўмитаси йиғилишда сўзга чиқиб, шуни ишонч билан айтдики, национализация қилингандан кейин гўё корхоналарнинг унумдорлиги ўнларча баробар ортади, чунки "корхоналарнинг аввалги эгалари ўз мақсадларини кўзлаб мўлжаллаган барча режалари (бошқарув ишчи ва хизматчилар қўлига ўтиши билан) барҳам топади"[2]. Бироқ ҳаёт бу ҳаёлий умидларни пучга чиқарди. Национализация қилинган корхоналарнинг аксарият кўпчилиги шўро давлати мулки бўлгач, хомашё, маблағ йўқлиги, хўжалик соҳасидаги тартибсизлик туфайли умуман ишламай қўйди, Шўролар учун бамисоли ортиқча юк бўлиб, қолди.

В.И. Ленин коммунистик империя тузилмаларига асос солар экан, Россия саноатини хомашё билан таъминлашда Туркистон алоҳида

---

[1] Победа Советской власти в Средней Азии и Казахстане. Т., 1967. - С. 515.
[2] ЎзР МДА, 93-фонд, 1-рўйхат, 63-йиғма жилд, 16-варак.

аҳамиятга эга эканлигини сира назардан қочирмади. Чунончи, 1915 йилда ўлканинг пахта тозалаш саноати Россия фабрикаларига 20,5 млн. пуд пахта толаси етказиб бердики, бу Россия саноати истеъмол қиладиган пахтанинг 70 фоизни ташкил этарди[1].

Ўлка иқтисодиётини мустамлакачилик йўналишида эканлиги инқилобдан кейинги йилларда ҳам, биринчи навбатда пахта мажмуида сақлаб қолинди. Бундай сиёсат "ўзбек халқининг фахрий бурчи", унинг умумиттифоқ меҳнат тақсимотидаги алоҳида ўрни ҳақидаги жарангдор шиорлар, пахта мустақиллиги учун кураш ҳақидаги гаплар билан ниқобланган эди. Бироқ бундай тарғиботчилик сўзлари ортида ўлканинг табиий бойликларидан ёвузларча фойдаланишга интилиш яширинган эди.

Ленин октябрдан кейинги дастлабки кунларданоқ "пахта масаласига" алоҳида эътибор берди. Пахтачилик тармоғи РСФСР Ер ишлари Халқ Комиссарлиги ва РСФСР ОХХК тизимига киритилди. Пахтачиликдаги барча тезкор ташкилий ишларни ўз зиммасига олган бошқарув тузилмаларининг асосий бўғини пахта таъминоти қўмитаси /Центрхлопок/ бўлди. У РСФСР ОХХК тўқимачилик саноати Марказий қўмитасининг бўлими (Центртекстиль)-ОХХК бош қўмитаси таркибига кирар эди[2]. Центрхлопок ўз сиёсатини ОХХК Раёсатининг 1918 йил 12 январда қабул қилинган "Пахта ишларини монополлаштириш ҳақида"ги қарори асосида ташкил этган эди. Бу қарорга кўра, пахтачилик ва пахта савдосининг барча муаммолари фақат давлат монополияси ҳисобланди. Шунга кўра мамлакатда мавжуд бўлган барча пахта захираси давлатники деб эълон қилинди[3].

Шу асосда марказ Туркистон ҳукуматини ўлкадаги пахтачилик саноатини биринчи галда национализация қилишга астойдил мажбур этади. Бундан ташқари ташкилий ёрдам кўрсатиш учун Туркистонга Центр-

---

[1] Ульмасов А. Национализация промышленности в Советском Туркестане.-Ташкент, 1960, - С. 10.
[2] Известия ВЦИК, 1918, 26 июль.
[3] РГАЭ, ф.3429, оп.2, д. 1129. л.3.

хлопокдан "агентлар" юборишга қарор қилинади, уларга кенг ваколатлар берилади[1]. 1918 йил 24 мартда Халқ Комиссарлари Совети қошидаги алоҳида ҳукумат комиссиясининг Ленин раислигида ўтказилган мажлисида "пахта программаси"[2] тасдиқланади ва Туркистон Республикасига алоҳида комиссия юборишга қарор қилинади, унинг мақсади пахтачилик тармоғига давлат назоратини ўрнатиш эди.[3] Комиссия таркибига синалган большевиклар В.С.Смирнов, Н.И.Сундаков, В.Ф.Караваев, А.Л.Лание, В.Г.Гофмайстер, А.Севостьянов кирди[4]. Комиссия Туркистонга 1918 йил баҳорининг иккинчи ярмида етиб келди. Лекин бу вақтда пахтачилик саноатини национализация қилиш соҳасидаги асосий ишлар амалга оширилган эди.

Совет Россияси марказий губерналаридаги тўқимачилик, саноати пахта билан таъминлаш хақидаги Туркистон раҳбариятига Лениннинг қилган қатъий даъватларини ҳисобга олиб ва РСФСР ОХХКнинг 1918 йил 12 январдаги "Пахта ишларини монополлаштириш ҳақида"ги қароридан чекиниб Туркистон ўлкаси Халқ Комиссарлари Совети 1918 йил 26 февралда "Ўлкадаги пахтани мусодара қилиш тўғрисида" декрет қабул қилади.

Ф.И. Колесов имзолаган ҳужжатда бундай дейилган эди: «Туркистонда мавжуд бўлган бутун пахта, у қандай турда бўлмасин ва ҳозирги пайтда қаерда туришидан қатъи назар, мусодара қилинади ва Туркистон ўлкаси ишчи-деқон ҳукуматининг мулки деб эълон қилинади. Ўлканинг барча Советлари...ва инқилобий темир йўл қўмиталари ҳозирги вақтда ўз вакилларини ажратмоқдалар, бундан мақсад мазкур декретни дарҳол амалга ошириш, бутун пахтани станцияларга ташиб келтириш ва зудлик билан «Тошкент» станциясига томон ҳаракат қилишдир...Пахта эгалари

---

[1] РГАЭ, ф.3429, оп.2, д. 1129. л.3.
[2] Ленин В.И. Биографическая хроника. 1870-1924.Т.5-М,1974,- С.335.
[3] ГАРФ,ф.130, оп.2,д.250,л.2.
[4] ЎзР МДР, 17-фонд, 1-рўйхат,56-йиғма жилд,21-22 варақлар.

қаршилик кўрсатган тақдирда, – дейилган эди сўнгра ҳужжатда, – отишгача бўлган барча чоралар қўллансин».[1]

Большевиклар қатъият ва сурбетлик билан иш кўрдилар. Уларни ахлоқ нормалари ҳам тўхтатолмасди. "Инқилоб" мақсадларига хизмат қиладиган нарсаларгина ахлоққа тўғри келади, деб эълон қилинган эди. "Ўлкадаги пахтани мусодара қилиш тўғрисида"ги декретни сўзсиз ҳаётга татбиқ этиш учун Туркистон Республикаси ХКС хузурида махсус пахта қўмитаси ташкил этилди. Унинг комиссари қилиб Шмидт тайинланган бўлиб, у дарҳол Халқ Комиссарлари Совети таркибига киритилди[2]. Пахта қўмитаси Марказдан ташкилий ёрдам кутиб ўтирмай пахтачилик тармоғини давлат ихтиёрига ўтказиш билан фаол шуғулланди. 1918 йилнинг ўрталаридаёқ қарийиб 7 млн. пуд пахтани мусодара этишга муваффақ бўлинди. Туркистон ХКСнинг 1918 йил 1 мартдаги "Пахтачилик саноати корхоналарини, ёғ-мой ва пахта ишлаб чиқарувчи корхоналарни ҳамда фабрикаларни харид қилиш ва сотиш бўйича савдо корхоналарини национализация қилиш тўғрисида"ги декрети мазкур тадбирни ўтказиш учун асос бўлди[3]. Мазкур декрет тезкорлик билан қисқа муддатда амалга оширилди. 1918 йил баҳорида 140 дан ортиқ завод ва йирик пахтачилик фирмалар, 400 га яқин майда корхона шўро давлати тасарруфига ўтди. Давлат ихтиёрига ўтказилган корхоналарда 2 млн. 657 минг пуд пахта толаси, 4130900 пуд уруғлик чигит, 476,8 пуд гўшт ва бошқа нарсалар бор эди[4].

Пахтачилик саноатини умумийлаштириш соҳасида қўлга киритилган муваффақиятлар Ф.И.Колесовга 1918 йил 5 майда Ленинга қуйидагича хабар юбориш имконини берди: "Ҳали кечагина корхона эгалари томонидан эксплуатация қилиб келинган ишчилар национализация қилиш

---

[1] Деятельность коммунистической партии и советского правительства по восстановлению и развитию хлопководства в Туркестане (1917-1927 гг.). Документы и материалы. - Т., 1986, - С. 11.
[2] ЎзР МДА, 25-фонд, 1-рўйхат, 49-йиғма жилд, 284-варақ.
[3] ГАРФ, ф. 3969, по.1. д. 5. л. 251.
[4] ЎзР МДА, 25-фонд, 1-рўйхат, 49-йиғма жилд, 284-варақ.

йўлидан дадил бордилар. Кейинги воқеалар муносабати билан Туркистон ҳаётини тартибга солувчи ташкилотлар тузилмоқда. Пахтачилик саноати бутун Россия учун аҳамиятлидир, унинг бундан кейинги тараққиёти таъмин этилди. Ҳозирги вақтда биз сизнинг ихтиёрингизга 1 млрд. 200 млн. сўмлик пахта жўнатиш имконига эга бўлдик"[1].

Тадқиқот материалларининг кўрсатишича, умуман Туркистон саноат ишлаб чиқаришини кенг миқёсда давлат тасарруфига ўтказиш 1918 йил январидан жадал суръатда амалга оширила бошланди. Хусусан, январь-февралда Тошкентдаги Ғарбий Осиё ширкатига қарашли шоли тозалаш заводи (собиқ "Емельянов ва Сорокин"), "Б.А.Газаров"ширкатига қарашли босмахона, Самарқанддаги Л.Горенберг заводи, Қўқондаги бир қатор пахта тозалаш ва ёғ-мой заводлари, "Қизилқия" кони ва бошқалар ўз эгаларидан тортиб олинди[2]. Шунингдек, Туркистон ХКСнинг 1918 йил 16 мартдаги "Нефть ва кўмир саноати корхоналарини национализация қилиш тўғрисида"ги декретига асосан ўлка матбаачилик саноати, Еттисувдаги темир йўл, Фарғона ва Бухоро темир йўллари хусусий банкларининг барча филиаллари, "Ташсам" ҳиссадорлик жамияти давлат мулкига айлантирилди. Умуман, РСФСР Халқ Комиссарлари Советининг ўлкада умумий давлат ихтиёрига ўтказишни расмий равишда эълон қилинишига қадар қарийб 316 та корхона давлат ихтиёрига олиндики, улар ялпи саноат маҳсулотининг 80 фоизидан кўпроғини ташкил қиларди. Уларда Туркистон саноат ишчиларининг деярли 60 фоизи банд эди[3].

Саноат корхоналарини давлат ихтиёрига ўтказиш кампанияси очиқдан-очиқ зўравонлик йўли билан амалга оширилди. Корхона эгалари ўз мол-мулкларини сақлаб қолишга интилиб, зўр бериб қаршилик кўрсатишарди. Улар хомашё захираларини яширишга уринишарди, корхоналар хорижий фуқароларга сотиб юборилганлиги ҳақида сохта

---

[1] ЎзР МДА, 25-фонд, 1-рўйхат, 49-йиғма жилд, 284-варақ.
[2] Рабочий контроль и национализация промышленности в Туркестане (1917-1920 гг.) Сборн. документов. - Т., 1955, - - С.80.
[3] История народного хозяйства Узбекистана. Т.1. 1962, - - С. 30.

битимлар тузишарди, иложи борича мол-мулкларини сақлаб қолишига интилишарди. Масалан, "Ака-ука Крафтлар", "Перс ширкати", Вадряев ширкати каби йирик фирмалар Бухоро амирлиги ҳудудида қарийиб 2,5 млн. пуд пахтани яшириб қўйган эдилар. "Ака-ука Шмидтлар" фирмасининг эгаси мусодара қилиш ҳақидаги декретлар эълон қилинганидан сўнг герман фуқаролигига ўтиб, ўз корхоналарини қайтариб беришни талаб қилади. Бироқ барча уринишлар беҳуда кетади. Туркистон шўро ҳукумати ҳатто хорижий фуқароликка ўтган барча мулкдорлар сармоялари ва мол-мулкларини ҳам мусодара этади, "хорижий фуқароларнинг мол-мулки давлат ихтиёрига ўтказишдан бошқа ҳеч қандай ўзгаришларга дучор этилмайди", деб маълум қилади[1].

Жойларда "эксплуататорлар" мол-мулкини тортиб олиш баҳонаси билан талон-тарож қилинганлиги кузатилди. Мусулмон коммунистларнинг I конференцияси (1919 йил май) ўз қарорида бу ҳақда эътироф этиб, "жойларда... ўз декретларини ўрнатиш" баҳонаси билан қулоқларни эмас, балки меҳнаткашлар мол-мулкларини ҳам мусодара қилишди. Конференция бундай бузғунчиликларга чек қўйишни талаб қилиб, порахўрликка, "шўро органларига яширинча суқулиб кириб олган чоризмнинг собиқ хизматчилари томонидан"[2] ўзбошимчалик ва таъмагирлик қилинишига қарши кураш олиб боришни талаб қилди. "Шўро органларига яширинча суқулиб олган" деган ибора шак-шубҳасиз шартли бўлиб, талон-тарожни ашаддий коммунистларнинг ўзлари амалга ошираётганликларини очиқ эътироф қилишдан яшириш эди. Лекин реал турмушда эса аҳвол худди шундай эди. Мол-мулкни тартибсиз равишда мусодара қилиш ялпи жиноятчиликка қулай вазият яратарди.

Албатта, бу хилдаги ҳатти-ҳаракатлар фақат туркистонлик большевикларнинг ихтироси эмасди. Октябрь тўнтаришидан кейин РКП(б)да мулкларни жадаллик билан умумийлаштириш, шу жумладан уни тортиб

---

[1] Очерки по истории народного хозяйства СССР. Сборн. статей. М.,1959, - С.385-386.
[2] Мусбюро РКП (б) в Туркистане. - Т., 1922, - - С. 17.

олиш йўли билан амалга ошириш зарурлиги ҳақидаги нуқтаи назар мутлақ кўпчиликни ташкил этганди. Мулкни ҳақ тўлаб қайтариб олиш мумкинлиги ҳақидаги иккиланишлар тезда барҳам топди ва бутун шўро Россияси ҳудудида мулкни экспроприация қилиш уни "адолатли" тақсимлашнинг кенг тарқалган усули бўлиб қолди.

Мустабид тузум маъмурий иқтисодиётини барпо этишдаги муҳим қадам халқ хўжалигини марказлашган ҳолда бошқариш умумдавлат органини ташкил этишдан иборат бўлди. Ана шундай орган РСФСР Халқ Комиссарлари Совети ҳузуридаги Олий халқ хужалик кенгаши /ОХХК/ бўлди. У 1917 йил 2 декабрда таъсис этилган эди. Декретда айтилишича, ОХХК марказий ва маҳаллий тартибга солувчи ташкилотлар фаолиятини, шунингдек фабрика-завод ташкилотлари ва ишчилар синфи касаба ташкилотларининг тегишли фаолиятини мувофиқлаштиради ва бирлаштиради[1].

1917 йил 22 декабрда ишчи, солдат ва деҳқон депутатлари Советлари ҳузурида маҳаллий халқ хўжалик кенгашлари тўғрисидаги Низом қабул қилинди. Мазкур ҳужжатга кўра, бундай кенгашлар "ҳар бир саноат тумани /вилояти/нинг бутун иқтисодий ҳаётини умумдавлат ва маҳаллий манфаатларга мувофиқ ташкил этиш ва тартибга солиш мақсадларида"[2] тузиларди. Низомда кўрсатиб ўтилганидек, маҳаллий халқ хўжалик кенгашлари касаба уюшмалари ва фабрика-завод қўмиталари вакилларидан, ишчи, солдат ҳамда деҳқон депутатлари Совети вакилларидан, шунингдек (камида 13 қисми) корхоналарнинг техник маъмурий ва тижорат ходимлари вакилларидан ташкил топади. Ишчилар синфи "намояндалари"нинг саноат ишлаб чиқаришни ташкил қилиш масалаларида ҳаддан ташқари уқувсизлигини англаб, янги ҳокимият эски мутахассислар хизматига мурожаат қилишга мажбур бўларди, бу билан уларни қаттиқ "пролетар" назорати гирдобига тортарди.

---

[1] Экономическая политика СССР. Сборн. документов. Т. 1. - М., 1947, - С. 24-25.

[2] Советы народного хозяйства и плановие органы в центре и на местах (1917-1932 гг.). Сборн. документов. - М., 1957, - С. 63.

Туркистонда биринчи бўлиб 1918 йил 19 февралида Тошкент халқ хўжалик кенгаши ташкил топди. Умумўлка иқтисодий органи Туркистон Халқ Комиссарлари Советининг 1918 йил 21 мартдаги қарорига биноан Ўлка халқ ишлаб чиқариш кенгаши номи билан ташкил этилди. Халқ Комиссарлари Совети бу кенгашнинг тузилиш принципини тасдиқлади ва "ўлка халқ хўжалигини ривожлантириш учун" 50 млн. сўм миқдорда дастлабки кредит очди[1]. 1918 йил май ойида Ўлка халқ ишлаб чиқариш кенгаши ТуркАССР Саноат Халқ Комиссарлигига айлантирилди, у ўз навбатида ТАССР Марказий Халқ хўжалик кенгаши (МХХК) қилиб қайта тузилади.

Ўрта Осиё иқтисодиётини "инқилобий" қайта қуриш штаби шу тариқа ташкил топади, унда хўжалик ҳаётига бутун раҳбарликни марказлаштириш мўлжалланган эди. Янги ҳукмдорлар ҳаддан ташқари марказлаштиришдан иборат зарарли ғояга амал қилиб, тўлақонли иқтисодиётнинг кўп сонли ўзанларини астойдил қуритишга интилдилар. Корхоналарнинг хўжалик мустақиллигини чеклаб қўйдилар.

Большевиклар қиймат қонунини валюнтаристик инкор қилиш йўлидан бордилар, бу билан ишлаб чиқарувчи кучлар анархиясининг ўсишига ва ишлаб чиқариш муносабатларини бюрократларча мутлақлаштиришга ёрдам бердилар.

Давлат йўли билан марказлаштириш сиёсати жадал суръатлар билан амалга оширилди. Масалан, саноатнинг национализация қилинган тармоқларини бошқариш учун дастлаб Ўлка халқ ишлаб чиқариши кенгашининг пахтачилик ва кон бўлимлари ташкил этилди. Жойларда корхоналарни бошқариш дастлаб сайлаб қўйилган туман ва завод ёки кон қўмиталари ихтиёрида бўлди. Бироқ давлат коммуна мантиқи халқ оммасини хўжалик бошқарувчи органларидан бегоналаштиришга объектив равишда мажбур этарди. Шунинг учун ҳам ўлка олий партия табақасининг фикрига кўра "Хлопмасло" касаба уюшмаси Марказий қўмитаси 1918 йил

[1] ЎзР МДА, 25-фонд, 1-рўйхат, 2-йиғма жилд, 192-варақ.

июнда "сайлаб қўйилган завод қўмиталаридан бошқарув ва... ...и пахтачилик бўлимининг тайинланган масъул агентларига топшириш ёқлаб чиқди, завод қўмиталари эса жойларда касаба уюшмасининг бирдан-бир ячейкалари бўлиб қолиш билан бирга, фақат ишлаб чиқариш, бошқарув ва иш интизомига риоя қилишни назорат қилиш вазифасинигина ўз зиммасига олишлари лозим"[1] эди.

Маълумки, кейинчалик касаба уюшмалари бу "демократик" имтиёздан ҳам маҳрум бўладилар. Партиянинг "ҳаракатлантирувчи кучи" бўлган касаба уюшмалари аслида "иш интизомига риоя қилинишини" назорат қиладиган, омманинг меҳнат ғайратини рағбатлантирадиган органга айландилар.

Халқ хўжалиги кенгашлари минтақавий тузилмалари шаклларини фаол ташкил этиш айниқса 1918 йилнинг баҳор ва ёз фаслларида намоён бўлди. Бу даврда ҳамма жойда вилоят ва уезд халқ хўжалик кенгашлари, яъни Сирдарё (4 апрель), Закаспий (18 май), Самарқанд (июннинг охири), Фарғона, Пишпек (24 июнь), Андижон (6 август) ва бошқа кенгашлар ташкил этилади[2].

РСФСР Халқ Комиссарлари Советининг 1918 йил 26 июндаги "Йирик саноатни ва транспортни ялпи давлат ихтиёрига ўтказиш тўғрисида"ги декрети эълон қилингандан кейин саноатдан «капиталистик унсурларни сиқиб чиқариш» соҳасида сезиларли қадам қўйилди. Марказий ҳукумат декретидан келиб чиқиб, Туркистон коммунистик партия МК ва Туркистон республикаси ХКС 1918 йил 27 августда саноат ишлаб чиқаришини шошилинч равишда национализация қилишни амалга оширишни белгилади.

1918 йилнинг охири 1920 йилларда Туркистон ҳудудида юзлаб саноат корхоналари давлат ихтиёрига ўтказилди, шу жумладан Самарқанддаги кўнчилик заводлари, макарон ва чой қадоқлаш фабрикалари, пиво заводи,

---

[1] ЎзР МДА, 764-фонд, 1-рўйхат, 1-а йиғма жилд, 93-варақ.
[2] Победа Советской власти в Средней Азии и Казахстане. - С.531.

Фарғонадаги "Тўқимачи" фабрикаси, Федченко ва Серово станциясидаги тегирмонлар, киноматография прокат конторалари, Андижондаги электр станциялари национализация қилинди[1]. Шу билан бирга, национализация қилиш жараёнлари чуқурлашиб боришга қараб ярим ҳунармандчилик ва ҳунармандчилик типидаги корхоналар, майда муассасалар ҳам тобора кўпроқ умумийлаштирила бошланди. Одатда туртки юқоридан бўлиши табиий эди. Чунончи, РСФСР ОХХКнинг 1920 йил 29 ноябрда қабул қилган қарорига кўра, барча хусусий саноат корхоналари шўро давлати мулки қилиб ўтказилди, бунинг учун улардаги ишчилар сони шу корхонада мавжуд бўлган техник қуролларга қараб 5-10 кишидан ортиқ бўлиши керак эди[2].

Бундай ёндашув шунга олиб келдики, 1921 йилнинг 1 январига келиб, 1175 та саноат корхонаси Туркистоннинг давлат мулки қилиб ўтказилди[3]. Фақат энг майда ҳунармандчилик корхоналаригина хусусий қилиб қолдирилди. Чунончи, хусусий мулк ҳисобланган 12583 та корхонада умуман ёлланма меҳнат ишлатилмасди, қолган 1013 та хусусий ва кооператив корхоналарда ўрта ҳисобда қарийб тўрт нафардан ишчи банд эди[4].

Саноат ишлаб чиқаришини ёппасига национализация қилиш ўз-ўзидан хато тадбир эди. Лекин истиқлолчилик уруши шароитида бу иш умуман ақл бовар қилмайдиган даражага етказилди. Чунки йирик хусусий мулк билан биргаликда меҳнат билан топилган хусусий мулк ҳам барҳам топтирилди, бу билан оммавий ишлаб чиқарувчининг шахсий қизиқишига путур етди. Хусусий дўкон, чойхона эгаси ҳам улгуржи воситачи бўлган савдогар ҳам, қишлоқда ишловчи ўрта деҳқон ҳам эксплуататор тоифасига

---

[1] Рабочий контроль и национализация промышленности в Туркестане... - С. 108-211.
[2] Из истории гражданской войны в СССР. Сборн. документов и материалов. Т.3.-М.,1961, - С. 657.
[3] Отчет о деятельности СНК и Экономического Совета Туркестанской республики на 1 октября 1922 г. - Т., 1922. - С. 138.
[4] Статистический сборник 1917-1923 гг. Т. 1, ч. 3-Т., 1924. - С. 107.

киритилди. Ҳалол меҳнат билан топилган бойликни большевиклар тортиб олдилар.

Шуни ҳам айтиш керакки, Туркистондаги умумийлаштириш марказий Россиядагига қараганда ўзининг анча қатъийлиги билан ажралиб турарди. Юқорида айтилганидек, бу ерда якка тартибдаги ёки оилавий меҳнат фаолиятига асосланган юзлаб майда-чуйда корхоналар ҳам национализация қилинди. Қамал ҳолати тугатилгандан кейин шўро ҳокимиятини мустаҳкамлаш ва марказнинг ғоявий таъсирини кучайтириш мақсадида марказий ҳукумат маҳаллий раҳбариятининг ўта сўл қинғирликларини тугатиш учун шошилиб, иқтисодий жиҳатдан кам қувват хусусий ҳунармандчилик корхоналарини ўз эгаларига қайтариш юзасидан айрим тадбирларни амалга оширди. Чунончи фақат биргина Самарқанд вилояти халқ хўжалик кенгаши 1920 йилнинг июнида 30 дан ортиқ ҳунармандчилик ва майда корхоналарни аввалги эгаларига қайтарди[1].

Умуман олганда Туркистон ҳунармандчилик, косибчилик саноати ўлкадаги саноат корхоналарининг 90 фоизидан кўпроғини ташкил этарди ва бутун саноат маҳсулотининг тўртдан бир қисмидан кўпроғини ишлаб чиқарарди[2].

Ҳунармандчилик корхоналари кенг истеъмол моллари ишлаб чиқарар ва асосан туб ерли аҳолининг эҳтиёжларини қондириш учун хизмат қиларди. Ҳунармандчилик саноати ҳар йили 5 млн. бўлак жун газлама 40 млн. аршинга қадар ипак газлама, 300 млн. дона тери, 13 млн. донагача идиш ва бошқа кўпгина нарсалар ишлаб чиқарарди[3].

Ҳунармандчилик саноати корхоналарининг роли айниқса истиқлолчилик уруши даврида ортиб кетди, бу вақтда давр тақозосига кўра зарур эҳтиёжлар учун ишлатиладиган товарлар ишлаб чиқариш ва Марказдан уларни Туркистонга келтириш тўхтаб қолган эди. Бундай шароитда Шўро давлати ҳунармандларни ўз назорати остига олишни зарур

---

[1] Самарқанд вилоят Давлат архиви. 71-фонд, 1-рўйхат, 27-йиғма жилд, 120-122-варақлар.
[2] История народного хозяйства Узбекистана. Т.1.- С.18.
[3] Народное хозяйство Туркестана. -1920. -N 4. - С.8-9.

5 ҳисоблади. Амалда эса бу ҳунармандларни мустақилликдан маҳрум иш, марказлашган режали муносабатлар тизимига киритиш, саноатдаги зкур майда товар укладидан мудофаа эҳтиёжлари йўлида, пировард гижада эса мустабид жамиятнинг иқтисодий пойдеворини яратиш ва устаҳкамлаш учун фойдаланишни режалаштирган эди.

Тўғри, ҳунармандчилик ишлаб чиқаришини социалистик изга солиш йирик ва ўрта саноатда кузатилган қўпол ва зўравонлик усуллари билан амалга оширилмади. Ҳунармандларга маълум даражада ташкилий ва иқтисодий ёрдам кўрсатилди. Ана шу мақсадда 1918 йилнинг июлида Туркистон республикаси Саноат халқ комиссарлиги ҳузурида ҳунармандчилик саноати секцияси ташкил топди, кейинчалик улар жойларда ҳам ташкил этилди. Ўлка ва бир қатор маҳаллий ҳунармандчилик омборлари ҳамда ўқув-кўргазмали устахоналари ташкил этилди.

Давлат омборлари хомашё, материаллар ва ишлаб чиқариш қуроллари тайёрлаб, улар билан ҳунармандларни таъминлаб турди, шунингдек уларнинг ишлаб чиқарган маҳсулотларини харид қилди[1]. Давлатнинг кафолатли буюртмалари тизимини йўлга қўйишга доир тадбирлар ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлди. Хусусан, 1919 йилнинг кузида қарийиб 33 минг нафар ҳунарманд давлат буюртмаларини бажарди[2]. Иқтисодий беқарорлик, хомашёни сотиб олиш ва тайёр маҳсулотларни сотиш билан боғлиқ бўлган қийинчиликлар шароитида кафолатли буюртмалар ҳунармандчилик саноатини қўллаб-қувватлаб туришда сезиларли аҳамиятга эга бўлди.

Шу билан бирга большевизмнинг пайдо бўлишидаги иллатлар "социалистик" қурилишнинг мазкур йўналишида ҳам аниқ намоён бўлди. Бу ҳол Шўроларнинг ҳунармандларга бозорда ўз маҳсулотларини эркин сотишини чеклаш, ҳунармандчилик ишлаб чиқаришини коммунистик маъмурий иқтисодиётнинг андозасига мажбурий равишда мослаш, ялпи

---

[1] Нуруллин Р.А. Некоторые вопросы социалистического преобразования промышленного производства в Советском Туркестане... - С.233-234. 1991.
[2] Ўлмасов А. Кўрсатиб ўтилган асар. Б. 43.

давлат назоратини ўрнатишда ўз ифодасини топди. Тутилган бу йўл айниқса, Туркомиссия келгандан кейин кучайиб кетди. Чунончи, Я.Э.Рудзутак жойлардаги аҳвол билан танишгач, кўпгина, халқ хўжалик кенгашлари хунармандчилик ишлаб чиқаришни ташкил этишга етарли эътибор бермаётганлигини аниқ норозилик билан қайд этди. Ҳунармандлар меҳнати давлат манфатларига бўйсундирилмаганлигини айтиб ўтди. У ҳунармандчилик ишлаб чиқаришини ташкил этишни сифат жиҳатидан яхшилашни, ҳунармандларни зарур материаллар билан таъминлашни, уларга маблағ ажратишни, кооперативларга бирлаштиришни талаб қилди, улар хомашёни хусусий шахслардан сотиб олиб, ишлаб чиқарган товарларини чайқов нархида сотмасликларини талаб қилди. Я.Э.Рудзутакнинг айтишча, ҳунармандлар ўз маҳсулотларини фақат давлатга топширишлари, давлат бу маҳсулотларни марказлашган ҳолда тақсимлаши лозим эди[1].

Якка тартибдаги ҳунармандлар устидан давлат назоратини амалга ошириш билан бир қаторда, майда-чуйда ҳунармандчилик корхоналарини ҳам национализация қилиш чора-тадбирлари белгиланди. Мисол учун Тошкент совети ижроқўми бирнеча юз тегирмон ва обжувозларни, Самарқанд халқ хўжалик кенгаши ўнларча майда виночилик корхоналарини, Авлиёота уездининг Қораболта бўлис ижроқўми кўнчилик ва ғиштчилик устахона ва шу кабиларни национализация қилди[2]. Табиийки, бу хилдаги усуллар хунармандларнинг кескин норозилигига сабаб бўлиб, уларнинг Шўро ҳокимиятидан ихлосини қайтарди.

Хунармандчиликни "социализмлаштириш" сиёсатидаги айрим муросасозлик РКП(б) VIII съездидан кейин кўзга ташланди. Съезд қабул қилган партия дастурида майда ва ҳунармандчилик саноатига нисбатан баъзи бир ён босишлар қилинганлиги сезилади. РКП (б) VIII съезди қарорларини амалга ошириш ва ривожлантириш учун 1919 йил 26 апрелда

[1] ЎзРМДА, 60-фонд, 1-рўйхат, 107-йиғма жилд, 50-варақ.
[2] ЎзР МДА, 27-фонд, 1-рўйхат, 107-йиғма жилд, 50-варақ.

РСФСР БМИК декрет қабул қилди, бу декретга биноан ҳунармандчилик корхоналари қисман мажбурий умумийлаштиришдан ҳимоя қилинган эди.

ТАССРнинг партия ва шўро органлари мазкур ҳужжатларга амал қилиб, ўзларининг ҳунармандлар билан олиб борадиган ишларини бирмунча қайта қурдилар. 1919 йилнинг ёзида Туркистон республикаси ХХМК томонидан махсус хунармандчилик бўлими ташкил этилиб, унга "ўлкада давлат режаларига мувофиқ хунармандчилик ишлаб чиқаришини ташкил этиш ва бошқариш"[1] вазифаси юкланган эди.

Ўлканинг V партия конференцияси ҳунармандлар ўртасида ишлашга маълум даражада эътибор берди[2]. Унинг қарорлари асосида Турк-МИК 1920 йил 16 мартда МИК раиси Т.Рисқулов ва Туркистон республикаси Халқ Комиссарлари Советининг раиси Я.Э.Рудзутак имзолари билан аҳолини ҳунармандчилик саноати билан таъминлаш тўғрисида 259-сонли декретни қабул қилди[3]. Декретда ўзбошимчалик билан ҳунармандчилик саноатини мажбурий равишда давлат ихтиёрига олиш, национализация қилиш ва мусодара этиш тақиқланди. Асоссиз равишда давлат ихтиёрига ўтказилган ҳунармандчилик корхоналари аввалги эгаларига қайтарилди. Фақат ТАССР ХХМКнинг 1920 йил 28 июнидаги буйруғи билан маҳаллий маъмурлар Фарғона вилояти ҳунармандларига 12 та ҳунармандчилик корхонасини қайтариб бердилар[4]. Тошкентда ҳунармандчилик типидаги 16 та майда кўнчилик корхонаси ҳам эгаларига қайтарилди[5].

Туркомиссия билан ТКП ҳунармандларга чайқовчилар сифатида қараб, уларнинг фаолиятида иқтисодиётнинг ривожланишини кўрмаган "сўлларга" қарши кураш олиб борганлигини ижобий факт сифатида қайд қилиш мумкин. ТКП Ўлка қўмитасининг фикрича, ҳунармандларни ишлаб чиқаришга жалб қилиш шўро ҳокимиятини мустаҳкамлаб, чор

---

[1] ЎзР МДА, 27-фонд, 1-рўйхат, 107-йиғма жилд, 50-варақ.
[2] Компартия Туркестана в резолюциях... - С.72.
[3] РЦИХИДНИ, ф. 122, оп.1, д. 41, л.46.
[4] РФДА, ф.121, оп. 1, д.417, л.15-16.
[5] Акромов А., Авлиякулов Х. В.И.Ленин, Туркомиссия и укрепление Советской власти в Средней Азии. Т., 1991. -С. 251.

самодержавиесидан мерос қилиб олинган миллий маҳдудликка барҳам берарди[1]. Ҳунармандларни ишлаб чиқаришга жалб қилишнинг шакли, ТКП Ўлка қўмитасининг фикрича, ҳам матлубот кооперацияси, ҳам ишлаб чиқариш кооперацияси эди.

Туркомиссия Туркистон республикаси касаба уюшмалари органлари зиммасига ҳунармандларни алоҳида уюшмаларга қабул қилишни юклади. Туркомиссиянинг ҳунармандчилик ишлаб чиқаришидан фойдаланиш соҳасидаги тутган йўли кўпгина маҳаллий ортодоксал коммунистлар томонидан қаршилик билан кутиб олинди. Масалан, ТКП Самарқанд вилоят қўмитаси Туркомиссиянинг кўрсатмаларига қарши чиқиб, ҳунармандларни касаба уюшмаларидан чиқаришни рағбатлантирди, ҳунармандчилик ишлаб чиқаришининг аҳамиятини инкор қилди[2]. Бироқ, Туркомиссия бундай қаршилик кўрсатишларга қарамай, ўз йўлини атъият билан ўтказди.

Шуни ҳам айтиш керакки, Ленин 20-йилларнинг бошларида социализмнинг бозордан ташқари андозасининг қатъий қоидаларидан секин-аста воз кечиб, ҳунармандчилик кооперациясининг муҳим роль ўйнашини англаб ета бошлади. У шундай хулосага келдики, "ҳунармандчилик кооперацияси майда саноатни ривожлантиришга ёрдам беради, бу майда саноат эса деҳқонлар учун зарур бўлган, кўпинча темир йўллар орқали узоққа ташишни ҳам йирик фабрика типидаги корхоналарни ҳам талаб қилмайдиган маҳсулотлар миқдорини кўпайтирди. Барча чораларни ишга солиб ҳунармандчилик кооперациясини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш керак, унга ҳар тарафлама кўмаклашиш керак. Бу партия ва совет ходимларининг бурчидир"...[3] Бироқ майда товар укладига ва унинг эгаларига муносабат соҳасидаги расмий йўлнинг нисбатан эркинлашуви "социалистик иқтисодиётни" шакллантириш мафкурасида ижобий силжишини билдирмас эди. Бу ўринда устивор вазифа аввалгидек эркин

---

[1] ЎзРМДА, 56-фонд, 1-рўйхат, 406-йиғма жилд, 168-варақ.
[2] Ўша жойда. 398-йиғма жилд, 76-варақ.
[3] Ленин В.И. Тўла асарлар тўплами, 43-том, - Б. 283.

ҳунармандлар ва косибларни давлат тасарруфига олиш халқ "хўжалиги"нинг тор доирасига маъмурий йўл билан тиқиштиришдан иборат бўлиб қолаётган эди. Масалан, 1920 йилнинг ўзида Туркистонда асосан сиқувга олиш усуллари билан 740 та ҳунармандлар артели ташкил этилди[1]. Фақат Тошкентнинг ўзида 250 та артел очилиб, уларда 12 минг нафар ҳунарманд ишлади[2]. Ўша йилнинг декабрига келиб ўлкада тахминан 800 та ҳунармандчилик артели бор бўлиб, улар 25 минг нафардан ортиқ ҳунармандларни бирлаштирган эди[3]. Умуман олганда, Туркистон республикасида ўша вақтга келиб 150 минг ҳунарманд, шу жумладан 61250 тўқувчи, 24000 этикдўз, 20150 йигирувчи, 8680 кўнчи, 7470 темирчи бор эди[4]. Уларнинг ҳаммаси асосан ҳокимият тузилмаларининг қаттиқ назорати остида давлатга ишлаб берарди. Артелларнинг маҳсулотлари, баъзи ҳолларни истисно қилганда, қатъий белгиланган нархлар асосида давлатга топширилиши лозим бўлиб, уларни бозорда сотиш қатъиян ман этилганди. Бу тақиқлашнинг ижтимоий аҳамиятини таъкидлаб. Я.Э.Рудзутак кўнчиларнинг I қурултойида "бозорда ҳар қандай олиб сотарларга, устига қўйиб сотувчиларга ўрин бўлмаслиги лозим"[5] деган эди.

Умуман ҳунармандлар куч-ғайратларининг давлат топшириқларини бажаришга қаратилиши шунга ёрдам бердики, 1920 йилда давлат назоратида бўлган ҳунармандчилик корхоналари саноат маҳсулотининг 48 фоизини берди. Бу шак-шубҳасиз, ўлканинг кескин иқтисодий муаммоларини ҳал қилишда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Шунга қарамасдан, ҳунармандчилик ишлаб чиқаришини юксалтиришнинг умумий стратегияси унинг ривожига тўсқинлик қилар эди. Бу эса уни соғлом иқтисодий ўзанга буриб юбориш имконини бермасди. Ҳунармандлар ва косиблар, мамлакатнинг бутун аҳолиси каби, давлатнинг ихтиёрсиз кунбайчиларига айланиб қолган эдилар. Уларнинг ишлаб чиқариш

---

[1] ЎзР МДА, 17-фонд, 1-рўйхат, 787-йиғма жилд. 86-варақ
[2] РЦХИДНИ, ф. 122, оп. 1, д. 43, л.56.
[3] ЎзРМДА, 60-фонд, 1-рўйхат, 696-йиғма жилд. 5-варақ.
[4] История народного хозяйства Узбекистана. - Т. 1962. Т. 1... - С.69.
[5] ЎзРМДА, 60-фонд, 1-рўйхат, 61-йиғма жилд, 33-варақнинг орқа томони.

фаолиятини тартибга солиб туриш ижодий ташаббусни бўғар, якка тартибдаги истеъдодли усталарнинг мазмун жиҳатдан ноёб бўлган меҳнатини бир хиллаштириб, айниқса халқ ҳунармандчилиги тизимида миллий анъаналарнинг ривожланишига тўсиқ бўларди.

Коммунистик мафкурачилар социалистик ишлаб чиқариш истиқболларини меҳнатга социалистик муносабатда бўлишни, социалистик интизомни, ишчиларнинг ўз меҳнат бурчларини бажаришга онгли муносабатда бўлишга асосланган интизомини шакллантиришга зўр бериб даъват қилишларда деб билдилар. Ҳамма жойда инқилобий интизом ағдариб ташланган тузум учун хос бўлган очлик, қашшоқлик интизоми билан мутлақо алоқадор эмас деб жар солинди. Ленин ҳокимиятни қўлда сақлаб қолиш учун "ишчилар қаҳрамонона курашга қўзғолиши ва эксплуататорларни ағдариш қобилиятига эга бўлибгина қолмасдан, яна ташкил этиш ва барқарорлик ўрнатиш қобилиятига ҳам эга бўлишлари лозим..."[1] деб таълим берган эди. "...Социалистик жамият пойдеворини ғиштма-ғишт мустаҳкам қуриб бориш, интизом ва онгли интизом ўрнатиш устида, ҳамма ерда ва ҳамма уюшқоқлик, тартиб ва ишчанликни мустаҳкамлаш устида... ишлаш"[2] муҳимдир.

Бироқ чақириқлар қуввати секинлик билан меҳнат жўшқинлиги ғайратига айланиб борарди. Айтайлик, 1919 йилда юзлаб национализация қилинган пахта тозалаш корхоналаридан фақат 37 тасигина ишлар эди. Ишлаб чиқариш режаси бажарилмасди. Заводларнинг аксарият кўпчилиги тўхтаб қолган, пахтани қайта ишлаш қисқарган эди. Бунинг натижасида 1919 йилда режа бўйича 5 млн. пуд пахта ўрнига хақиқатда эса 3150 минг пуд пахта тайёрланган[3].

Албатта, бундай аҳволнинг кўпгина сабаблари бор эди. Лекин улар орасида ақидапарастлик нуқсонлари марказий ўринни эгалларди. Социалистик меҳнатни рағбатлантириш аввал бошдан тенглаштириш ғояси

---

[1] Ленин В.И. Тўла асарлар тўплами. 36-том, Б. 516.
[2] Ўша жойда, Б. 90.
[3] Акрамов.А., Авлякулов. Кўрсатиб ўтилган асар. Б. 243.

билан бўғиб қўйилган бўлиб, у сохта равишда адолат ғояси билан боғланган эди. Каутский тенглаштиришга бўлган тарихий уринишларни изоҳлаб, бундай деган эди: "Бу талаб, шак-шубҳасиз, пролетар туйғусига ва бизнинг социалистик қарашларимизга мос келади. Бироқ у ҳамиша ўзига йўл топиб оладиган иқтисодий зарурат билан сиғиша олмайди"[1]. Маркс ҳам, баравар миқдордаги иш ҳақини талаб қилиш янгилишга асосланган бўлиб, сира ҳам амалга ошмайдиган нооқилона истакдир, деб ҳисоблаган эди[2].

Афсуски, Ленин янги иқтисодий сиёсат давригача, кейинчалик эса унинг меросхўрлари ҳатто ўз ғоявий устозларининг оқилона фикрларига ҳам қулоқ солишни истамадилар. Истъемолдаги тенглаштириш шиори мамлакатда шундай мудҳиш вазиятни вужудга келтирдики, бунда иқтидорсиз ва дангаса кишилар аслида истеъдод ва меҳнатсеварликни эксплуатация қилувчиларга айландилар, аҳолининг айрим гуруҳлари ҳаёт кечириш усули бўлган текинхўрликни ўзларига касб этдилар. Тенглаштириш аввало меҳнаткашларнинг чўнтагига, шу билан бирга уларнинг қадр-қимматига путур етказди. Агар коммунистик иборалар билан ифодаласак, ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторларининг чўнтагига зарар етказди ва қадр-қимматини ерга урди. Иқтисодий тадбиркорлик ҳақида гапирмаганда ҳам, ташаббускорлик ва ижодкорлик тенглаштириш қурбони бўлди. Шуни дадил айтиш мумкинки, иқтисодий соҳада реал социализм тенглаштириш ғояси билан ўзини обрўсизлантирди.

Шўро ҳокимиятининг дастлабки босқичидаёқ тенглаштириш ғоясининг зарарли эканлиги, унинг пировард хўжалик натижаларига тўсқинлик қилувчи таъсири ҳақида дастлабки хатарли хабарлар аниқ-равшан эшитилиб турарди. Бироқ улар атайлаб бузиб талқин қилинди. Сиёсий раҳбарият меҳнат унумдорлигининг ҳаддан ташқари пасайиб кетганлиги сабабини инқилобдан олдинги даврдаги каби фикр юритиш таъсирида,

---

[1] Каутский К. Пролетарская революция... - С.262.
[2] Маркс К. Энгльс Ф. Соч. Т. 16. - С.133.

"капитализм агентлари"нинг маккорона ҳатти-ҳаракатларида деб билди. Шунинг учун ҳам асосий диққат-эътибор, биринчидан, меҳнатга онгли муносабатни "тарбиялаш"га, иккинчидан, қатоғон қилиш механизмини кенгроқ ишга солишга қаратилди. Ленин "ношудлик ва бўшангликка" қарши уруш эълон қилди. Унинг ташаббуси билан РКП (б) МҚ 1918 йил 1 май куни шундай шиорни илгари сурди: "Биз капитални енгдик, биз ўзимизнинг уюшқоқсизлигимизни ҳам енгамиз". Бу чақириқ туркистонлик коммунистлар томонидан қўллаб-қувватланди ва улар учун қонун бўлиб қолди. "Социалистик" меҳнат интизоми учун курашда касаба уюшмалар алоҳида роль ўйнамоқлари лозим эди. Улар ишчилар синфининг энг оммавий ижтимоий ташкилоти сифатида большевистик раҳбарият учун ишчилар онгини оширишда қулай мафкуравий восита ҳисобланарди.

Афсуски, касаба уюшмалари мафкуравий экстремистлар измига тўлатўкис бўйсундилар. Амалга оширилаётган тадбирларнинг барча пировард иллатларини англаб етмаган ҳолда улар иқтисодга зид бўлган ялпи мажбурлаш тизимини шакллантиришга фаоллик билан киришдилар. Туркистон касаба уюшмаларининг 1918 йил ёзида бўлиб ўтган биринчи қурултойи ички тартиб қоидаларини жорий қилди. Қурултой қарорида кўрсатиб ўтилишича, тажрибали ишчилар "ўзларининг ишчи-деҳқон давлати учун, яъни ўзлари учун меҳнат қиладилар. Шунинг учун ҳам дангасалик, ишдан бўйин товлаш, палапартишлик ва бепарволик советлар республикасида бўлмаслиги лозим[1]."

Қурултой қарорларидан келиб чиқиб, корхоналарда интизом бузарларни "тарбиялаш"ни назарда тутувчи интизом қоидалари жорий қилинди. Улар ҳатто ишдан бўшатишгача бўлган кенг воситаларни ўз ичига оларди. Қўқондаги пахта саноати ишчилари касаба уюшмалари қўмитасининг ишчиларга қарата чиқарган мурожаатида бундай дейилган эди: "Сизнинг меҳнатингиз ўзингиз учун қилаётган меҳнатдир, эндиликда сизнинг охирги терингизни ҳам сиқиб олиб ўз ҳамёнини тўлдирадиган

[1] ЎзР МДА, 749-фонд, 1-рўйхат, 16-йиғма жилд, 34-варақ.

корхона эгалари йўқ. Биз меҳнат унумдорлигини, меҳнат интизомини қанчалик юқори кўтарсак, улар билан бир қатор бутун саноатни кўтарсак, биз шунчалик осон ва яхшироқ яшаймиз, шунинг учун бизнинг орамизда дангасалик ва саботажга ўрин йўқ. Ўзига ва ўз ўртоқларига зарар етказиб, ўз хизмат вазифасига совуққонлик билан қараётган дангасалар ва саботажчилар йўқолсин. Яшасин меҳнат ва меҳнат интизоми"[1].

Меҳнат унумдорлигини юксалтириш учун курашда "онгли" ишчилар фақат прогулларга барҳам беришга эришиб қолмай, шу билан бирга, белгиланган иш нормаларини ошириб бажаришга ҳам эришдилар. Чунончи, Берчугур кўмир конларининг ишчи фаоллари кўмир қазиб чиқариш нормасини кунига беш арава қилиб белгиладилар ва кимки беш марта сидирғасига нормасини бажармаса, уни саботажчи деб эълон қилдилар[2].

Мажбур этиш ва тенглаштириш мантиқи ҳатто биринчи қарашда илғор бўлиб туюлган иқтисодий ҳужжатларда ҳам мавжуд эди. Чунончи Туркистон Меҳнат халқ комиссарлиги 1918 йил 14 июлда "Туркистон Совет республикаси саноат ишчиларига тўланадиган иш ҳақи нормалари тўғрисида низом"ни тасдиқлади. Низом Туркистон касаба уюшмалари I қурултойи қарорлари асосида кафолатланган иш ҳақи тўлашни жорий қилган ва янги тариф ставкаларини белгилаган эди. Бироқ тариф ставкаларининг асосий мезони қилиб иш миқдори ва сифати эмас, балки тирикчилик ўтказиш минимумининг қиймати олинган эди[3]. 1918 йилнинг август ойида Тошкент халқ хўжалик кенгаши ўз корхоналарида ишбай хақи тўлашни жорий этишни эълон қилди[4]. Афсуски, бу иш ҳақи ҳам кўпгина тўсиқ бўлувчи шартларга эга эди. Умумўлка миқёсида ишбай усулда ҳақ тўлаш фақат 1919 йилнинг август ойидагина жорий қилинди, унга "Якка тартибда ва жамоа бўлиб бажарилган ишбай ишларнинг зарур нормалари ҳамда яхши иш сифати ва материалларни тежагани учун

---

[1] Ўзбекистон ССР тарихи. 3-том... Б. 135.
[2] Наша газета, 1918, - 5 июнь.
[3] ЎзР МДА, 17-фонд, 1-рўйхат, 194-йиғма жилд, 15-варақ.
[4] Тошкент вилояти давлат архиви, 10-фонд, 1-рўйхат, 60-йиғма жилд, 120-варақ.

мукофот пуллари бериш тўғрисида"ги расмий фармойиш асос қилиб олинди. Меҳнат халқ комиссарлиги ишчининг жинси, қандай динга эътиқод қилиши ва миллатидан қатъий назар, баравар меҳнат учун баравар ҳақ тўлашни жорий қилди. Шу билан бирга иш ҳақи пул билан ифодаланганда яқин вақт ичида ўзининг рағбатлантирувчи аҳамиятини йўқотиши табиий эди. "Ҳарбий коммунизм" сиёсатига ўтилиши муносабати билан ҳамма жойда иш ҳақи тўлашнинг натура хилига ўтилди: қатъий чекланган озиқ-овқат паёги берила бошланди, ғоят зарур бўлган саноат молларини марказлашган ҳолда тақсимлаш ва шу кабилар жорий қилинди.

"Ҳарбий коммунизм" тартибининг ультракоммунистик найрангларини шўро тарихчилари истиқлолчилар уруши ва ҳўжалик вайроналигини фавқулодда ҳолатлари билан оқламоқчи бўлдилар. Ҳақиқатдан ҳам, мамлакатдаги, шу жумладан Туркистондаги иқтисодий вазият ниҳоятда оғир эди. Масалан, чигит экиладиган майдонлар 7,5 баробардан зиёдроқ қисқариб, 1918 йилда фақат 80 минг десятинани ташкил қилди, бу ҳол саноатнинг бир қатор тармоқларида ўз таъсирини кўрсатди. 1917 йили қаҳатчилик катта мусибат келтирди. Республикада бир миллондан ортиқ киши очлик азобига дучор бўлди[1]. Очлик заминида турли эпидемиялар авж олди.

Транспортда ҳаддан ташқари оғир аҳвол вужудга келди. Шўро ҳокимияти душманлари томонидан Закаспий вилояти катта қисмининг босиб олиниши ва Бокуда шўро режимининг қулаши натижасида Туркистон асосий нефть етказиб берувчидан маҳрум бўлиб қолди. Донецкнинг кўмирини ташиб келтириш тўхтаб қолди. Бу ҳол темир йўл транспортининг нормал ишлари учун катта ҳавф туғдирди, чунки республиканинг анчагина ҳудудида, айниқса Закаспий ва Актюбинск фронтида уруш асосан темир йўл линиялари ёқалаб олиб борилаётган эди.

---

[1] ЎзР МДА, 25-фонд, 1-рўйхат, 915-йиғма жилд, 8-9-варақлар.

Қурғоқчилик ва унинг оқибати сифатида ички ресурсларнинг камайиб кетганлиги давлат бюджетида жуда катта танқисликка олиб келди. 1918 йилда ҳаражатлар даромадлардан деярли 8 марта ошиб кетди. Қоғоз пуллари бонни чиқариш республика қамали вақтида деярли 4 млрд. сўмга етди[1], бу ҳол пулнинг анча-мунча қадрсизланишига ва молиявий тизимнинг издан чиқаришига олиб келди. Уруш шароитлари марказлаштириш зарурлигини ва меҳнат жараёни устида давлат назоратини ўрнатишни объектив равишда зарур қилиб қўйди. Бу ўринда ТАССР Советлари VI қурултойининг (1918 йил Октябрь) Туркистон республикасини ҳарбий лагерь деб эълон қилингандан кейин ишлаб чиқариш ва меҳнат ресурсларини сафарбар этиш юзасидан кўрилган чоралар шўро тузумини сақлаб қолишга ёрдам берди. Айни вақтда ўлканинг ҳарбий изга ўтказилиши билан амалга оширилган зўравонлик тўлқинини ҳеч нарса билан оқлаб бўлмасди. Масалан, Халқ Комиссарлари Советининг қарорига биноан 1918 йилнинг биринчи ярмида Н.В.Шумилов бошчилигида ёқилғи бўйича Директория таъсис этилиб, унга ғоят кенг ваколатлар, яъни нефть ва кўмир қазиб олишдан тортиб саксавул ва бошқа ёғоч ўтинлар тайёрлашгача бўлган ишларга аҳолини зўрлик билан жалб қилиш ваколатлари берилди. Мажбурий тартибдаги жамоат ишларига эксплуататор ва меҳнат қилмайдиган унсурлар жалб қилинди деб айтилган эди. Ҳақиқатда эса ҳеч ким аяб ўтирилмади.

Мажбурловчи меҳнат ғояси туркистонлик коммунистларнинг ўзига хос ихтироси эмас эди. Уни Кремлдаги доҳийлар зўр бериб тарғиб қилиб келган эдилар. Чунончи, касаба уюшмаларининг III Бутунроссия съездида (1920 йил апрель) Л.Троцкий бундай деган эди: "Ихтиёрий ёлланма меҳнат империализм даврида ўз-ўзини тугатди ва бу билан меҳнатни янгича ташкил этиш учун мажбурий бирдамлик, яъни социализм асосидаги меҳнатни ташкил қилиш учун шарт-шароит яратилди"[2]. Бошқача айтганда,

---

[1] Народное хозяйство Туркестана. -1919, -№ 22. - С. 11.
[2] Троцкий Л. Сочинения в 20 томах. Т. 15,-М.,1927.- С.187.

мажбурий меҳнат фақат уруш даврининг ўзига хос шароитлари билангина эмас, балки социализм ва пролетариат диктатураси ғояси билан боғлиқ эди. Троцкий бир неча бор мажбур қилиш анчагина тарихий давр мобайнида катта роль ўйнайди ва ўйнаяжак[1], "қатағонлар хўжалик мақсадларига эришиш учун социалистик диктатуранинг зарур қуролидир"[2], деган эди.

Меҳнатга мажбур этиш мафкураси ленинчилар сафини тобора кўпроқ эгаллай бошлади. Унинг амалий ифодаларидан бири меҳнат армияларини ташкил этиш бўлди. Меҳнат армияларида казарма тартиблари жорий қилинган, ишларнинг хусусиятлари ва меҳнат кунининг давом этиши қўмондон томонидан белгиланган. Ким ишга чиқмаса, иссиқ паёкдан маҳрум этилган. (Бундай армияларнинг ўзига хос шакли сифатида "реал социализм" йилларида биздаги шаҳарликларнинг пахта теримига чиққан кўпдан-кўп десантларини айтиб ўтиш мумкин,) "Меҳнатни ҳарбийлаштириш" деган сохта новаторлик шиори остида фақат социализмнинг иқтисодий асосларидан эмас, балки инсоният ҳаёт фаолиятининг тарихий тамойилларидан чекиниш ҳам амалга оширилган. Ижтимоий ишлаб чиқаришни ҳарбийлаштириш "ҳарбий коммунизм"нинг яққол ва ҳақиқий табиатидир. Шу билан бирга у ўша даврда, истиқлолчилар урушининг ўчоқлари секин-аста ўча бошлаган бир вақтда кенг кўламда авж олган эди. Хусусан, 1920 йилнинг май охирида Туркистон республикаси Халқ Комиссарлари Совети ҳузурида умумий меҳнат мажбурияти бўйича махсус Ўлка қўмитаси таъсис этилган эди. Худди шундай қўмиталар жойлардаги Советлар қошида: июнда Тошкентда, Қўқонда, июлда Жиззахда, Андижонда, Фарғонада, Наманганда, августда Эски Марғилонда ташкил топди ва ҳоказо[3].

1920 йил 20 майда РСФСР Халқ Комиссарлари Советининг меҳнат мажбурияти тўғрисидаги декрети эълон қилинди, бу декретга мувофиқ

---

[1] Троцкий Л. Сочинения в 20 томах. Т. 15,-М.,1927.- С.129.
[2] Ўша жойда, 12-том, Б. 143.
[3] ЎзР МДА, 39-фонд, 1-рўйхат, 304-йиғма жилд, 38-варақ: 328-йиғма жилд, 65-варақ: 314-йиғма жилд, 35-варақ: 340-йиғма жилд, 46-варақ.

ижтимоий меҳнатга 16 ёшдан 60 ёшгача бўлган барча эркак аҳоли 3 ой муддатга жалб этилди: давлат ҳамда жамоат корхоналари ва муассасаларининг ишчи ва хизматчилари, меҳнат нормасидан кўп бўлмаган чек ерга эга бўлган ва ерга ўзининг шахсий меҳнати билан ишлов берадиган деҳқонлар, артелларга уюшган ва давлат ёки жамоат буюртмаларини бажарадиган косиблар ва ҳунармандлар, ўқитувчилар ва аҳолининг айрим бошқа тоифалари бундан мустасно қилинди.

Ялпи меҳнат мажбурияти коммунистик партиянинг бевосита раҳбарлигида жорий этилди. ТКПнинг Муваққат МҚ 1920 йил 6 сентябрда барча уезд-шаҳар партия қўмиталарига расмий кўрсатма юборди, унда ялпи меҳнат мажбуриятини амалга ошириш ТКПнинг биринчи даражали вазифаларидан бири сифатида белгилаб берилди ва уни жорий қилишда уезд ва вилоят қўмиталарининг "энг яхши партия ходимлари" билан мустаҳкамлашни таклиф этди. Фақат биргина Тошкент партия ташкилотидан мазкур кўрсатмани бажаришга 250 "ашаддий коммунист" сафарбар этилди[1].

Меҳнатни ҳарбийлаштиришга ва меҳнат мажбуриятига меньшевиклар қарши чиқдилар, буни улар мажбур этувчи усуллар сифатида рад қилдилар, бунда меҳнат унумдорлиги паст бўлишини таъкидладилар. Улар шак-шубҳасиз, ҳақ эдилар. Чунки меҳнат мажбурийлик касб этар экан, айни бир вақтда ижодкорликка, унумдорликка рағбатлантирувчи хусусиятларини йўқотади.

Меҳнатнинг мажбурловчи хусусияти бутун шўро империяси ҳудудида қаттиқ чоралар ва қатағонлар билан таъмин этиларди. РКП(б) IX съезди меҳнат мажбурияти қўмиталари ва комиссияларига касаба уюшмалари билан биргаликда меҳнат фронтининг дезертирларига қарши курашда "жаримачи дезертирлар рўйхатларини эълон қилиш, дезертирлардан жаримачи ишчи командалари ташкил этиш йўли билан ва ниҳоят, уларни

[1] ЎзРМДА, 60-фонд, 1-рўйхат, 635-йиғма жилд, 2-5 варақлар.

концентрацион лагерларга юбориш йўли билан"[1] ҳаракат қилишни тавсия этди.

Туркистон коммунистлари РКП(б) МҚнинг тавсияларига қатъий амал қилдилар. Ўлка партия ташкилотлари раҳбарлигида 1920 йил ўрталаридан бошлаб республиканинг ҳамма жойларида умумий меҳнат мажбурияти амалга оширилди. Июннинг охири июлнинг бошларида Тошкент аҳолиси ҳисобга олиб чиқилди. Шаҳарнинг фақат янги қисмининг ўзидан жамоат ишларига 2150 дан ортиқ киши, шу жумладан Туркистон темир йўли ихтиёрига 424 киши, ёқилғи бошқармасига 200 киши, соғлиқни сақлаш қўмитасига 138 киши, турли шўро муассасаларига 617 киши юборилди.

Умумий меҳнат мажбурияти Каттақўрғонда ҳам ўтказила бошланди, бу ерда жамоат ишларига 400 дан ортиқ киши жалб қилинди[2].

1920 йил 22 июлда Фарғонада "ишламаётган унсурлар"ни жамоат ишларига сафарбар қилиш бошланди, бу ерда 1500 дан ортиқ киши Жалолобод туманига пахта теримига юборилди. Андижонда сафарбар этилганлардан 50 киши Кампирравот сув омборидаги ирригация ишларига жалб этилди.

1920 йилнинг кузига келиб умумий меҳнат мажбурияти бўйича Самарқандда 400 киши, Қўқонда 500 киши, Наманганда 360 киши сафарбар қилинди ва ҳоказо[3].

Умумий меҳнат мажбурияти фақат шаҳарларда эмас, балки қишлоқ жойларида ҳам ўтказилди. 1920 йил 27 июлда ТАССР Халқ Комиссарлари Совети шу хусусда махсус қарор қабул қилди, унга кўра ҳосилни йиғиб-териб олишга меҳнат мажбурияти тарзида бутун қишлоқ аҳолиси жалб қилинди[4]. Қишлоқ аҳли ирригация тармоқларини, йўлларни таъмирлашга ва шу каби ишларга ҳам жалб этилди. Чунончи, Тошкент уездида барча деҳқонлар ариқларни тозалашда иштирок этдилар. Ўша уезднинг Пскент

---

[1] Троцкий Л. Сочинения в 20 томах. Т. 15, - С. 272.
[2]: 15-йиғма жилд, 2-варақ: 39-фонд, 1-рўйхат, 311-йиғма жилд. 133-варақ.
[3] Ўзбекистон республуликаси Президенти Девонининг архиви. 60-фонд, 1-руйҳат, 635-йиғма жилд, 2-5 варақлар.
[4] История гражданской войны в Узбекистане, Т.2. - С.198

бўлис деҳқонларидан 500 киши 1920 йил сентябрда меҳнат мажбурияти тарзида Даштихон канали қурилишига сафарбар этилди ва ҳоказо[1].

Лекин Туркистон раҳбариятининг Марказ томонидан берилган директив йўл-йўриқларга қатъий амал қилишга интилганлиги ҳақида гапирганда, Туркистонда ўтказилаётган умумий меҳнат мажбурияти кампаниясининг хусусиятига маҳаллий тарихий шарт-шароитлар ҳам ўз таъсирини ўтказганлигини айтиб ўтиш керак. Хусусан, бу ерда меҳнат мажбуриятини бажаришга хотин-қизлар жалб этилмаган. Шунга қарамасдан, республикада, умуман мамлакатдаги каби, қаттиқ меҳнат мажбуриятидан фойдаланиш кенг тарқалган эди.

Шўро тарихий адабиётларида большевиклар раҳбариятининг бу хилдаги саъй-ҳаракатлари шу билан оқландики, гўё улар мамлакат халқ хўжалигига ва тиклаш ишларини бажаришга ниҳоятда зарур бўлган ўн минглаб ишчи кучларини қўшимча равишда жалб қилишга имкон берган". Лекин бу масаланинг бир томони, аммо меҳнатга мажбуран жалб қилиш оқибатида шахс устидан зўравонлик қилиши, фуқаролик хуқуқларини оёқ-ости қилишдек ахлоқий томонлари шўро тарихчилари эътиборидан четда қолган.

Республиканинг меҳнат ресурсларидан энг кўп даражада фойдаланишга қаратилган муҳим тадбирларидан бири халқ хўжалигининг энг "зарбдор" тармоқлари: мудофаа корхоналари, ёқилғи саноати ва транспортда меҳнатни ҳарбийлаштириш бўлди.

Туркистонда ҳарбий бўлинмалар негизида меҳнат армиялари ташкил этиш тажрибаси сезиларли кўламда олиб борилди. Қизил армиянинг меҳнат қисмларини шакллантириш ва уларнинг ишига раҳбарлик қилиш учун 1920 йил 11-мартда Туркистон штаби ҳузурида М.В.Сафонов бошчилигида меҳнат армиясининг ихтисослаштирлган бўлими ташкил топди.[2]

---

[1] ЎзР МДА, 17-фонд, 1-руйхат, 1109-йиғма жилд, 2-11-варақлар; 35-фонд, 4-рўйхат, 47-йиғма жилд, 412-варақ; 39-фонд, 1-рўйхат, 303-йиғма жилд, 79-варақ.

[2] РГВА, ф. 110, оп. 1, д. 182, л. 73-75.

1920 йил 15 апрелда Туркистон бўйича буйруқ чиқарилиб, унга кўра Туркистон фронтининг бевосита уруш вазифаларидан озод бўлган барча қўшинлардан халқ хўжалигидаги ишларни бажариш учун фойдаланилди. 1920 йилда умумий сони қарийб 22,5 минг кишидан иборат бўлган бўлинмалар меҳнат қисмлари ҳолатига ўтказилди.[1] Булар асосан ўз хизмат муддатини ўтаб бўлган, лекин "ишлаб чиқариш зарурати" туфайли қуролли кучлар сафидан бўшатилмаган аскарлар эди. Меҳнаткашларнинг асосий қисми транспортга ва ёқилғи тайёрлашга юбориларди.

1919 йил баҳорида Москва-Қозон темир йўлида бўлиб ўтган ишчилар шанбалигини большевиклар раҳбарияти зўр қувонч билан қарши олдилар. Ленин буни коммунистик меҳнатни ташкил этишдаги "буюк ташаббус" деб баҳолади. Шу боисдан унинг ташаббуси билан партия-шўро ва касаба уюшмалари органлари тарғиботчилик компаниясини авж олдириб юбордилар. Москвалик темир йўлчиларнинг ташаббусини бутун халқ қўллаб-қувватлаш учун зўр бериб куч-ғайрат сарфладилар. Туркистоннинг сиёсий раҳбарияти ҳам бундан четда қолмади. Бу ерда биринчи шанбалик 1919 йилнинг 11 Октябрь куни Тошкентдаги товар станциясининг ҳовлисида бўлиб ўтди. Тошкентдаги иккинчи коммунистик шанбалик яна бир ҳафтадан кейин ўтказилди ва унда 500 га яқин киши қатнашди[2]. Бу ерда шанбаликни ўтказиш бўйича махсус бюро таъсис этилди. Шаҳарда шанбаликлар ўтказиб туриш мунтазам тус олди. 1919 йил октябрдан декабрга қадар 22 та шанбалик ўтказилиб, уларда 3665 киши иштирок этди. Ишчилар, шанбаликни асосан, Тошкент товар станцияси ҳовлисида олиб бордилар, ана шу вақт ичида 161865 пуд юк тушурилди[3].

Ўлка партия қўмитаси Тошкент ишчиларининг "ташаббуси"ни бутун республикага тарқатишга қарор қилди. 1919 йилнинг охирида шанбаликлар Фарғонада ҳам ўтказила бошланди. 1919 йилнинг январидан бошлаб

---

[1] ЎзР МДА, 35-фонд, 4-рўйхат, 125-йиғма жилд, 70-варақ.
[2] Известия. Ташкент, 1920, 6 март.
[3] ЎзРМДА, 60-фонд, 1-рўйхат, 61-йиғма жилд, 57-варақ.

Самарқанд, Андижон, Янги Бухоро, Наманганда ва Туркистоннинг бошқа шаҳарларида ўтказилди.

Шанбаликларни ташкил этиш учун ҳар қандай баҳонадан фойдаланишарди. Айниқса шанбаликлар байрам кунлари кенг қулоч ёйган эди. Мисол учун 1920 йил биринчи майда бўлган умумреспублика миқёсидаги шанбаликда ўн мингларча ишчилар ва деҳқонлар иштирок этишди. "Тошкентдаги биринчи май шанбалиги муваффақиятли ўтди, -деб ёзган эди Самарқандда чиқадиган "Известия" газетаси, айниқса эски шаҳар ажралиб турди, унинг бутун каттадан кичик аҳолиси ишларда жуда қизғин иштирок этди"[1]. Албатта, журналистларнинг тасвирида маълум даражада мафкуравий "безаб - бежаб" кўрсатиш кўриниб турибди. Чунки оммавий ахборот воситалари маъмурларга сидқидилдан хизмат қиларди. Шундай бўлса ҳам "коммунистик шанбалик" иштирокчилари армияси етарли даражада басавлат бўларди. Масалан, Фарғонанинг уч мингдан ортиқ меҳнаткашлари шу куни Қизилқия тармоқ йўли қурилишида ишладилар. Янги Бухоро, Қўқон, Андижон, Самарқанд ва Туркистоннинг бошқа шаҳарларида бўлиб ўтган биринчи май шанбалигида минг-минглаб кишилар иштирок этди. Биринчи май шанбалигининг ўзига хос хусусияти шундан иборат бўлдики, унда кўплаб шаҳарликлар ва деҳқонлар қатнашишди. Мирзачўл уездидаги шанбаликка қарйиб 4 минг маҳаллий ва рус деҳқонлари чиқишди. Тошкент уездининг Пскент бўлимидан 2,5 минг деҳқон шанбаликка чиқди ва ҳоказо[2].

Коммунистик Интернационалнинг Иккинчи конгрессига бағишлаб ўтказилган якшанбалик кенг кўлам касб этди. 1 августда ўтказилган бу якшанбаликда фақат Тошкентнинг эски шаҳарида 7895 киши иштирок этган эди[3].

1920 йилнинг охирида Туркистон тасарруфида бўлган ҳудудларда шанбаликлар ва якшанбаликлар ўтказилмаган бирорта ҳам шаҳар ва

---

[1] Известия. Самарканд, 1920, - 4 май.
[2] Известия. Ташкент, 1920, - 11 ва 19 май.
[3] Ўша газета. 1920, - 5 август.

поселка бўлмаган. Уларнинг қатнашчилари ишлаб чиқаришда ишлаш билан бир қаторда, давлатга қишлоқ хўжалик ишларини ўтказишда, Қизил Армия учун кийим-бошлар, озиқ-овқат маҳсулотлари ва шу каби нарсалар тайёрлашда ёрдам кўрсатиш билан шуғулландилар. Масалан, Самарқанд темир йўли сиёсий бўлими томонидан ташкил этилган учта якшанбаликда 4423 киши иштирок этди, 35 та вагонга юк ортилди, иккита паровоз таъмирланди, 12 десятина ердан "коммунистик буғдой" йиғиштириб олинди, 500 кв. саржин майдон ортиқча нарсалардан тозаланди. Пржевальск меҳнаткашлари 1920 йилнинг баҳорида ўтказилган шанбаликларда давлат учун 72 десятина ерга экин экдилар (шундан 37 десятинаси Қизил Армия учун эди.) 43875 туп дарахт кўчатлари ўтказилди, Петроалександровск комсомол ташкилоти томонидан 24 февралда эълон қилинган "фронт кунида" Тўрткўл, Шўрохон ва Шоббоз ёшлари Чоржўйга 1900 пуд буғдой, 400 пуд пахта ва шу каби нарсаларни тўпладилар ва юбордилар[1].

Шанбаликлар билан бир қаторда меҳнаткашларнинг ишлаб чиқариш фаолиятини авж олдиришнинг бошқа усулларидан ҳам фаоллик билан фойдаланилди. Масалан, хўжаликларда "ҳафталик" номи билан машҳур бўлган кампанияларни ўтказиш тажрибаси кенг ёйилди. Бу ҳафталиклар вақтида ишчилар синфи ва меҳнаткашларнинг ғайрати энг зарур ишларни бажаришга, ёки бошқача қилиб айтганда, вайроналикка қарши курашнинг энг муҳим соҳаларига қаратилди. Хусусан, 1920 йилнинг апрелида "Транспорт ҳафталиги", октябрда "Таъмирлаш ҳафталиги" ўтказилди. Шунингдек ёқилғи тайёрлаш, вайроналикка қарши курашга бағишланган ҳафталиклар ҳам уюштирилди.

"Ҳафталиклар"нинг ўзига хос томони шундан иборат бўлдики, уларни ўтказиш жараёнида меҳнаткашлар асосий иш кунидан ташқари вақтларда, ҳеч қандай ҳақ олмасдан ишлаб бердилар. Масалан, "Транспорт ҳафталиги" кунларида Самарқанд станциясининг ишчилари ва усталари иш

[1] ГАРФ, ф. 130, оп. 4, д. 301, л. 61.

кунини 3 соатга узайтириш ҳақида "қарор" қабул қилдилар[1]. Бу ҳол 3 та темир йўл кўпригини қўшимча равишда тузатиш, 27 та паровоз ва 61 та вагонни таъмирлаш имконини берди. Янги Бухорода худди шундай усул билан 100 та вагон ва бир неча паровоз муддатидан олдин таъмирланди[2].

Туркистон республикаси бўйича "Транспорт ҳафталиги" давомида жами 12,6 мингдан ортиқ темир йўлчи иштирок этган. Ана шу тадбир вақтида юзга яқин паровоз ва 128 та вагон таъмирдан чиқарилган, 144 та вагонга юк ортилган ва ҳоказо[3].

Амалга оширилган маъмурий-хўжалик ишларидан муайян даражада иқтисодий самара олинганлиги шак-шубҳасиздир. Масалан, архив маълумотларига қараганда, фақатгина Қизилқия шахталарида ўтказилган якшанбаликларда давлатга 100 минг пуд кўмир топширилган. Бироқ эришилган умумий хўжалик натижалари қувонарли бўлмади. Буйруқбозликдан иборат чақириқлар, маъмурий сиқувга олишлар, "инқилобий ғайрат-шижоат"дан фойдаланиш тизими ишлаб чиқаришдаги ғоят катта имкониятлардан фойдаланишга имкон бермади. Бошқача айтганда, ишлаб чарчаган, кучдан толган кишилар ишдан кейин ва якшанба кунлари қўшимча равишда меҳнат қилишлари лозим эди. Натижада улар ақалли ўз куч-қувватларини оз бўлса-да тиклаш имкониятидан маҳрум эдилар, бу ҳол шак-шубҳасизки кейинги ишлаб чиқариш фаолиятига таъсир кўрсатарди. Бироқ бундай аҳволга эътибор берилмасди. Партия ва касаба уюшмалари амалдорлари томонидан шошилтирилган ишчилар ўзларининг "инқилобий ғайрат-шижоатларини" намойиш этишга мажбур эдилар.

Албатта, "коммунистик меҳнат" ҳаракатини битта бўёқ билан тасвирлаш хато бўлар эди. Шанбаликларда иштирок этиш сабаблари турли-туман бўларди. Бу ўринда шак-шубҳасиз, ғайрат-шижоат ҳам, вайронликни тугатиш истаги ҳам, тезроқ "ёркин эртанги кун"га эришиш истаги

---

[1] Набат революции. 1920, - 6, 8, 10 май.
[2] Касимбеков Ж. От коммунистических субботников к ударним бригадам. -Ташкент, 1937, - С. 18.
[3] ЎзРМДА, 25-фонд, 1-рўйхат, 145-йиғма жилд, 21-22 варақлар.

ҳам, инсонпарварлик ташаббуси ҳам кўзга ташланарди. Айни вақтда кўп кишилар шанбаликларга маъмуриятнинг сиқуви билан чиқишга мажбур бўлишарди.

Шу боисдан ҳам "оммавий меҳнат ғайрат-шижоати" ниҳоятда оддий бўлиб чиқди. Кейинчалик Ленин қатъий ҳаётий талаблар таъсирида "ҳарбий коммунизм" андозасининг кўпгина ўта радикал мафкурасидан воз кечишга мажбур бўлди. Янги иқтисодий сиёсат товар-бозор муносабатларининг нисбатан жонланганлигини билдирар эди. Ленин қуруқ ғайрат-шижоат кўрсатиш сиёсати хато эканлигини ҳам эътироф этди. У ўз сафдошларини социализмни ғайрат-шижоат билан эмас, балки унинг ёрдамида қуришга чақирди. Бироқ бугунги кунда мазкур формула ҳам номақбул эканлиги маълум бўлиб қолди. Ҳақиқатда эса иқтисодий ривожланган жамиятни ғайрат-шижоат асосида эмас, балки омманинг манфаатдорлиги асосида барпо этиш лозим экан. Ахир, собиқ Шўро давлатининг шу жумладан Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётига доир кўпгина эски муаммолар, биринчи навбатда яқин вақтларга қадар социализмга зид деб етарли баҳо берилмай келинган бозор муносабатлари ва хўжалик юритишда эркинлик бериш каби усуллар шахсий манфаатдорликни рағбатлантириш билан боғлиқ эканлиги ҳеч кимга сир эмас.

Шўро давлатининг дастлабки ўн йилликларида бўлгани каби, у инқирозга учрашига қадар ҳам меҳнатга қизиқтирувчи омиллар интизомни, маъсулиятни, ижрочиликни ва шахснинг улардан келиб чиқадиган бошқа сифатларини зўр бериб жорий қилишдан нарига ўтмади. Коммунистик тузум барбод бўлгандан кейин биз мафкуралашган маъмурий тусдаги иқтисодиёт иллатларининг яққол намоён бўлганлигини кўрдик. Лекин ҳозирги вақтда мустақил Ўзбекистонимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳатлар механизми қанчалик муҳим бўлишига қарамасдан, ҳали ижтимоий онгда бундан ҳам фаолроқ ўзгаришлар бўлишига, энг муҳим ижтимоий муаммолар ва зиддиятларга янгича қарашлар, янгича мезонлар билан ёндашмоқ кераклиги талаб этилади. Социалистик ишлаб чиқариш

концепциясининг асоссизлигини охиригача англаб етиш зарур. Бу ишлаб чиқариш юқори кўрсаткичлар ортидан қувиб, ижтимоий бойликни кўпайтириш эмас, балки исроф қилишга асосланган эди, бу эса асосий мақсад бўлган кишиларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини тўла-тўкис қондириш, шахсни камол топтиришга зарар етказар эди. Энг ёмони ўтмишдан қолган нарсаларни йўқ қилиш, одамларни мулкдан бегоналаштириш, фуқароларнинг большевик маъмуриятга сўзсиз бўйсунишини назарда тутар эди. Эндиги вазифа тараққиётнинг қудратли иқтисодий омилларини яратиш, улар ёрдамида ижтимоий лоқайдликни таг-томири билан барҳам топтириш, оммавий боқимандалик кайфиятини йўқотиш, озод ва эркин меҳнатни жорий қилишдан иборатдир. Мустақил Ўзбекистонда яратувчилик меҳнати соғлом иқтисодий омилларга, мустақиллик мафкурасига, келажаги буюк давлат барпо этишдан иборат буюк мақсадга бўйсундирилиши лозим.

1.2. Аграр масалани ҳал қилиш сиёсати.

"Инқилоб"дан кейинги аграр сиёсат ҳам тоталитар тафаккур доирасида амалга оширилди.Кейинги йилларда аграр олимлар Р.Х.Аминова, А.А.Голованов, Н.Обламуродов, Б.Сиддиқов, С.Н.Турсуновлар томонидан амалга оширлган тадқиқотларнинг[1] асосли илмий хулосаларига кўра, қишлоқ хўжалигини бошқаришнинг ленинча стратегияси бутун мустабид шўро ҳокимияти даври мобайнида ҳаётга татбиқ этилиб келган бўлиб, у дастлабки пайтлардан бошлаб хато назарий тамойилларга таянган эди. Мазкур стратегия моҳият нуқтаи назардан ва келиб чиқиши жиҳатидан зарарли бўлиб, аграр сиёсатнинг таназзулга учраши аниқ эди. Кейинги илмий изланишлар туфайли шу нарса маълум бўлдики, "социалистик қишлоқ хўжалиги"ни йирик жамоалашган ишлаб чиқариш, ўзига хос улкан фабрика тарзида идрок қилиш қишлоқ хўжалик сиёсатидаги большевиклар мафкурасининг асосий нуқсони экан. Бу аграр фабрикада ёлланиб ишлайдиган ишчи марказий фигура ҳисобланади. Ушбу тасаввур коммунистик таълимотнинг учта муҳим фаразига асосланган эди. Биринчи фаразнинг мазмуни деҳқонларни майда буржуа қатлами яъни ўрта деҳқон, объектив равишда социализмнинг душмани деб таърифлашдан иборат эди. Қишлоқ меҳнаткашининг "майда буржуа икки юзламачилиги"га барҳам бериш муаммосини ҳал қилиш бу меҳнаткашни қишлокдаги "давлат ишчиси"га айлантиришдан иборат деб тушуниларди. Иккинчи фаразнинг мазмуни "қишлокда жамоа социализми"ни мустаҳкамлаш, гўё йирик жамоа агрокорхонаси якка деҳқоннинг орзу қилган энг яхши хўжалигидир, деб ишонтириш эди. Учинчи методологик хато саноат меҳнатини ташкил этиш тажрибасини деҳқончилик соҳасига нотанқидий татбиқ этишга, саноат

---

[1] Қаранг: Аминова Р.Х. История совхозов Узбекистана. 1917-1960 гг. Т., 1993; Голованов А.А. Крестьянство Узбекистана: эволюция социального положения. 1917-1937 гг. -Т., 1992; Обламурадов Н. Развитие аграрного производства Узбекистана в 1971-1990 гг. Опыт, уроки, проблемы: Автореф. дис... докт. ист. наук. -Т., 1994; Сиддиков Б. Социально-экономические аспекты развития совхозного производства Узбекистана в 1965-1985 гг.Опыт, уроки проблемы; Автореф. дис... докт. ист.наук.-Т.,1994; Турсунов С.Н. Развитие аграрного сектора экономики Узбекистана в 1945-1965 гг.: Автореф. дис.... докт. ист. наук. 1995 г.

ишлаб чиқаришини ривожлантириш андозаси асосида қишлоқ хўжалиги самарадорлигининг юқори даражасини таъминлашга уринишдан иборат бўлиб, бунда қишлоқ хўжалик меҳнатининг айниқса Туркистон деҳқончилигининг ўзига хос томонлари ҳисобга олинмаган эди.

Ушбу тадқиқот материаллари шундан далолат берадики, шўро аграр сиёсатининг санаб ўтилган асосий тамойилларини яна бир муҳим назарий қоида билан тўлдириш керак: бу сиёсат аввал бошданоқ мустабид (тоталитар) йўналишга эга бўлиб, ўша жамият негизларини мустаҳкамлаш манфаатларига хизмат қиларди. Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг марксча-ленинча стратегияси аграр ишлаб чиқаришнинг шундай тизимини яратишга мўлжалланган эдики, у марказлашган режалаштиришни осонлаштириши, аҳолининг кўпчилигини ташкил қилган деҳқонлар устидан кенг миқёсли назорат ўрнатиши, кенг қамровли ялпи коммунизмлаштириш мақсадини жадал амалга ошириши лозим эди. Ленинча аграр сиёсат ўзининг бутун мазмуни билан асрлар мобайнида қарор топиб келган деҳқончилик негизларига путур етказишга, қишлоқнинг ўзига хос белгиларини тугатишга ёрдам берди. У ўз моҳияти билан деҳқонларга қарши қаратилган эди. Тўғри, Октябрь тўнтариши арафасида ва "инқилоб"дан кейинги дастлабки босқичда большевиклар раҳбарияти аҳолининг асосий қисми бўлган кенг деҳқонлар оммаси томонидан қўллаб-қувватланишини таъминлаш мақсадида ўзларининг асл мақсадларини ниқоблашга интилди. Қишлоқни коммунистик асосларда ўзгартириш саноат соҳасидаги каби унчалик шиддат билан бормади. Шундай бўлса-да, стратегия йўли барча ташқи эгри-бугриликларига қарамасдан, уни амалга ошириш қатъий қўйилган бўлиб: "пролетариат диктатураси" давлати деҳқонларни маънавий-иқтисодий жиҳатдан "озод қилишга" уринди. Бу кўп жиҳатдан мустабид жамиятни барпо этишнинг асосий жараёнлари билан боғлиқ бўлиб, унинг асосий хусусияти шахс эркинлигини қўпол равишда поймол қилишдан иборат эди.

Шуни ҳам айтиш керакки, Россия большевикларининг етакчиси Ленин ўз сиёсий мансабининг дастлабки қадамлариданоқ кўп миллионли деҳқонлар тақдирига таалуқли бўлган кескин ер масаласини ҳал қилишда ерни давлат тасарруфига олиш ва давлат мулки қилиб ундан фойдаланиш истагини яширмаган эди. У аср бошларидаёқ "Давлат ихтиёрига ўтказиш деҳқончиликдаги бутун ўрта аср муносабатларини бутунлай супуриб ташлайди, ердаги барча сунъий тўсиқларни йўқотиб, уни ҳақиқатан ҳам эркин қилади", деган эди. Ленин ерни давлат ихтиёрига ўтказишнинг моҳиятини ўша даврда хусусий мулкчиликдан ерни, давлатни эркин равишда ижарага олишга ўтишдан иборат деб билган эди. Шу билан бирга, у ўз даъволарининг қалтислигини ҳис қилиб, "Гўё ерни давлат ихтиёрига ўтказиш ердан бир текис фойдаланиш булар бирон-бир умумийликка эгадир, деган фикрдан ҳам хатороқ фикр йўқ", деб алоҳида таъкидлаб ўтади. Шунингдек у деҳқончиликдаги эркин рақобат хусусий мулкчилик шароитидагига нисбатан эркин ижара шароитида бирмунча кўпроқ бўлишини ҳам тушунтиради.

Кейинчалик Ленин ерни оммавий жамоалаштириш фойдасига айтган ана шу сўзлардан ҳам воз кечган эди. Лекин ҳатто ўша пайтларда, яъни ўз тасаввурларининг илк даврида ҳам у мулкчилик масаласини эгалик қилиш масаласи билан моҳирона алмаштирган эди. У деҳқонлар ерга мутлоқ эгалик қилувчи давлатдан ерни ижарага олиш ҳуқуқини қўлга киритиш билан ҳақиқатда ўз мулкидан маҳрум бўлиб қолиш фактини хаспўшлаб ўтди.

Ҳаёт шуни кўрсатдики, "эркин ижара шароитида" деҳқончиликда рақобат қилиш имкониятлари кенгаяди, деган ленинча умидлар ялпи национализация шароитида хом ҳаёл бўлиб чиқди. Социалистик давлат хусусий ер эгаларига нисбатан ҳам қаттиқўлроқ эксплуататор бўлиб майдонга чиқди. У деҳқонларни ҳуқуқсиз кунбайчиларга айлантириб, тадбиркорлик, рақобат эркинлигига барҳам берди. Бу башорат қилинган нарса тўғри бўлиб чиқди. Ахир монополия муқаррар равишда ишлаб

чиқаришни чеклаб қўйишга олиб борарди. Фақат мулкчилик шаклларининг хилма-хиллиги унинг жадал ривожланишини қудратли равишда рағбатлантиришга қодир эди.

Ерни ялпи давлат ихтиёрига ўтказишнинг ленинча дастурини Октябрь тўнтаришидан олдинги етакчи сиёсий партиялар ва ҳаракатлар кескин танқид қилиб чиққан эдилар. Ҳатто кўпгина ғоявий йўналишлар бўйича большевикларга яқин турган сўл эсерлар ҳам ер бутунлай давлат қўлига топшириб қўйилмасдан "истеъмол-меҳнат нормаси" бўйича қайта тақсимланиши лозим, деб ҳисоблар эдилар.

Бугунги кунда шу нарса яхши маълумки, деҳқонларнинг аграр масалани тезлик билан ҳал қилиш ҳақидаги талаби жуда катта ички қудратга эга эканлигини ҳисобга олиб, Ленин совет ҳокимиятини эълон қилиш вақтида сўл эсерлар билан иттифоқ тузишга рози бўлиб, улар таклиф қилган "ерни тақсимлаш" лойҳасини қабул қилади. Бу лойиҳа Советларнинг II съездида 1917 йил 26 октябрда қабул қилинган машҳур "Ер ҳақидаги декрет"да ўзининг аниқ ифодасини топган. Бу декретга кўра, ерни мулк қилиб олиш ҳуқуқи бутунлай бекор қилинди. Ердан фойдаланиш бир текисда бўлади деб эълон қилинди. "Ердан фойдаланиш шакллари мутлақо эркин бўлиши, айрим қишлоқлар ва посёлкаларда ҳал қилинганидек, ҳовли, хутор, жамоа, артель шаклида бўлиши лозим"[1]. Аммо большевиклар раҳбарияти бу декретни ҳаётга айнан тадбиқ қилишига шошилмадилар. А.А.Голованов тўғри таъкидлаб ўтганидек, "Ер ҳақидаги декрет эълон қилингандан кейин орадан кўп ўтмай, мазкур дастур большевикларни солдатлар ва кўп миллионли деҳқонлар қўллаб-қувватлашини таъминлашига имкон берганига қарамай, декретнинг асосий ғоялари тафтиш қилина бошлади"[2]. Хусусан, БМИКнинг 1919 йил 14 февралдаги "Социалистик ер тузилиши тўғрисида ва социалистик деҳқончиликка ўтиш усуллари ҳақида"ги декретда кўрсатиб ўтилганидек, "Россия

---

[1] Известия ВЦИК. 1917. 28 Октябрь
[2] Голованов А.А. Кўрсатиб ўтилган асар, Б. 36.

доирасидаги бутун ер кимнинг тасарруфида бўлмасин, ягона давлат органи ҳисобланади", уни деҳқонлар эмас, балки ҳукумат Ер ишлари халқ комиссарлиги орқали тасарруф қилади. "Йирик совет хўжаликлари, коммуналар, ерга жамоа бўлиб ишлов бериш..." ердан фойдаланишнинг асосий шакли деб эълон қилинди, ердан якка хўжалик асосида фойдаланиш эса "ўткинчи ва умрини яшаб бўлган"[1] деб таърифланди.

Вужудга келган устивор йўналишларга мувофиқ, ерлар биринчи навбатда совхозлар ва коммуналарга, иккинчи навбатда меҳнат артеллари ва ширкатларга, охирги навбатда эса яккахўжаликларга ажратиб бериларди. Бундай тақсимлаганда помешчикларнинг ерлари ва экспроприация қилинган йирик "қишлоқ буржуазияси"нинг ерларидан якка хўжалик тарзида фойдаланилмасди. Бу ерларда совхозлар, коммуналар ва хўжалик юритишнинг бошқа жамоа шаклларини ташкил этиш мўлжалланган бўлиб, "мақсад ердан коммунистик асосида фойдаланишга ўтиш эди". Хўжаликлар ташкил этишга сарфланадиган пулларни Ер ишлари халқ комиссарлиги ажратар, уларга доимий, муддатли ёки кунбай ишлаш учун қабул қилинадиган деҳқонлар хизмат кўрсатиши лозим эди. Хўжаликларда иш куни 8 соатдан ошмаслиги зарур бўлиб, мавсумий ишлар даврида қўшимча ҳақ тўланарди. Ишчи ва хизматчилар хўжаликларига шахсий моллар, парранда ва экин экиладиган ерларига эга бўлишлари таъқикланарди. Совхоз бошлиғи ва ишчи қўмитаси туман бошлиғи ёки янада юқорироқ бошликка бўйсунар ва юқоридан белгиланган муайян топшириқлар доирасида иш кўриши лозим эди. Режа асосида ва бундан ортиқча ишлаб чиқарилган маҳсулот давлат органларига топширилади.

Маълумки Туркистон мусулмон аҳолисининг кўпчилигини асосан деҳқонлар ташкил қилар эди.

Бутун мамлакатда бўлгани каби маҳаллий деҳқонларнинг анчагина қисми "Октябрь инқилоби" юзага келтирган аграр масалани мақбул тарзда ҳал қилинишига ишонар эди. Бунда мазкур масала Туркистонда анча

---

[1] Известия государственного контроля. 1919, N 2, - С. 14-15.

ескин тусда бўлганлигини ҳам назарда тутиш лозим. Чунки ўлкада қишлоқ хўжалигини "капитализмлаштириш" жараёни Россиянинг марказий районларидан фарқ қилиб, эндигина бошланаётган эди. Чор ҳукумати мустамлакачилик сиёсатини изчиллик билан амалга ошира бориб, бу ерда ишлаб чиқариш муносабатларининг энг қолоқ шаклларини сақлаб қолишга интиларди. Деҳқонларнинг асосий қисми – 70 фоиздан кўпроғи ерсиз ёки кам ерли деҳқонлар эди.

Умуман, Октябрь тўнтариши даврига келиб, А.А. Голованов таъкидлаганидек, Туркистон қишлоқларининг синфий тузилишини иккита бир-бирига зид гуруҳлар ташкил этарди. Биринчи гуруҳни феодал-помешчиклар ва бадавлат кишиларнинг хўжаликлари ташкил этган бўлиб, экин экишга яроқли ерларнинг 33 фоиздан кўпроғи уларнинг қўлида эди. Иккинчи гуруҳ батрак-деҳқонлардан иборат бўлиб (хўжаликларнинг 72 фоизи), улар 0,1-3,0 десятинадан ерга эга ёки умуман ерсиз эди[1]. Шунинг учун ҳам ер ва сув масаласи ўлкада асосий масалаларидан бири бўлиб, уни оқилона ҳал қилиш қишлоқ аҳолиси орасида ижтимоий тинчликни бир қадар юмшатибгина қолмасдан, Туркистон қишлоқларидаги ишлаб чиқарувчи кучларнинг ўсишига ҳам амалий туртки бўлиб хизмат қилиши мумкин эди.

Туркистон қишлоқларини коммунизмлаштиришга қаратилган дастлабки ҳужжатлардан бири ТАССР ХКС нинг 1917 йил 9 декабрда қабул қилинган қарор бўлди. Унда айтилишича, "...Туркистон ўлкасида ерни сотиш ва харид қилиш соҳасида ер битимлари тузиш мутлақо тўхтатилади"[2]. Умумдавлат аҳамиятига эга бўлган ерлардан ташқари барча ерлар вилоят ва уезд кенгашлари ҳисобига берилди. Айни вақтда ер участкаларини ижарага беришга жиддий чеклашлар жорий қилинди. Истисно тариқасида ерни ижарага беришга фақат ер қўмитасининг ёки унинг вазифасини бажарувчи орган (қишлоқ, овул йиғини ёки қўмита-

---

[1] Голованов А.А. Кўрсатиб ўтилган асар. Б. 66.

[2] Победа Великой Октябрьской социалистической революции в Туркестане. Сбор. документов. -Т., 1947,- С.163-164.

си)нинг рухсати билангина кўп деганда бир йил муддатга йўл қўйиларди, бунда ижара битимларини солдат, ишчи, деҳқон ва мусулмон депутатлари Советлари албатта тасдиқлашлари лозим эди.

Ҳукмрон ташкилий тузилмаларни ташкил этишга алоҳида эътибор берилди, улар амалда Лениннинг "Ер ҳақидаги декрет"ини ҳаётга татбиқ этишлари ва оммани бой-помешчикаларнинг ерлари ва мол-мулкларини мусодара қилиш учун отлантиришлари керак эди. Ана шу мақсадда Тошкент халқ хўжалик кенгаши 1917 йил 6 декабрда ер қўмиталари ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилди[1]. 1917 йил декабрининг охирларида Туркистон деҳқон депутатлари ижроқўми қишлоқ аҳолисига мурожаат қилиб, ер-сув қўмиталари ташкил этишга чақирди. Дастлабки ер-сув Қўмитаси 1918 йилнинг бошларида Тошкент уездида ташкил этилди[2]. Унинг кетидан бу хилдаги қўмиталар ўлканинг бошқа вилоятларида ҳам ташкил этила бошланди.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш муҳимки, Туркистонда "Ер ҳақидаги декрет"нинг ҳаётга татбиқ этилиши уездлар ва волостларда совет ҳокимиятининг ўрнатила боришига қараб авж ола бошлади. Октябрь тўнтаришидан кейинги дастлабки ойларда қишлоқ ва овулларда деҳқон депутатлари Советлари йўқ эди, шу сабабли улар бошчилигидаги ер қўмиталари ҳам тузилмаган эди. Совет ҳокимияти тузилмалари зўравонлик билан тузила борган сари қишлоқларни шўролаштириш сиёсати ҳам кенг ёйила бошлади. Бу жараён миллий-ватанпарварлик кучларининг янги тузумга қарши аёвсиз курашлари шароитида ўтди. Бунинг натижасида қишлоқ ва овулларда шўро органларини ташкил этиш жараёни бирмунча узоққа чўзилди. Фақат 1918 йилнинг охирларига келиб бундай органлар Туркистоннинг кўпчилик районларида ташкил топди. Ер-сув қўмиталарининг сони ҳам расман ортиб борди ва ўша ўлкадаги волостларнинг 32 фоизида ташкил этилди. Ер-сув қўмиталарининг энг кўп миқдори Самарқанд

---

[1] Туркестанские ведомости. 1917. -9 декабрь.
[2] Наша газета. 1918, -18 январь.

вилоятида бўлиб (71 фоиз), бу ерда совет ҳокимиятига қаршилик кўрсатиш бошқа вилоятларга қараганда бирмунча камроқ бўлган эди[1]. Лекин тузилган бундай қўмиталарнинг анчагина қисми ҳақиқатда қоғоздагина мавжуд эди. Масалан, Тошкент вилоятининг Чиноз, Ниёзбек волостларида ер-сув қўмиталари фақат қоғоздагина мавжудлиги қайд этилган эди.

Волость кенгашларининг ер бўлимларига ва ер-сув қўмиталарига умумий раҳбарликни Ер ишлари халқ комиссарлиги ҳузурида 1918 йилнинг февралида махсус ташкил этилган ер-сув қўмиталари бўлими амалга оширарди. Бу бўлим бирмунча кейинроқ, яъни май ойида ер ислоҳати бўлими қилиб қайта тузилди. 1918 йилнинг ёз фаслида вилоят, уезд ва волость Советлари ер бўлимлари ҳузурида ҳам ер ислоҳати кичик бўлимлари ташкил этилди. 1918 йилда бу барча органларнинг вазифалари, асосан, "Ер ҳақидаги декрет"нинг асосий йўл-йўриқларини амалга оширишдан иборат бўлди. Бу йўл-йўриқлар "меҳнат билан шуғулланмайдиган хўжаликлар" деб аталувчи хўжаликларни ҳисобга олиш ва мусодара қилиш, ерларнинг бир қисмини "меҳнаткаш" деҳқонлар ўртасида тақсимлаш, қишлоқ хўжалик коммуналарини, артеллар ва ширкатларни ташкил этиш эди.

Маҳаллий Советлар ва ер-сув қўмиталарининг "помешчик бойларга қарашли" ерларни ҳисобга олиш ва тақсимлаш соҳасидаги ишлари яққол ифодаланган сиёсий тусда эди. Бу ишлар Туркистон қишлоқларини синфий табақалаштириш, ижтимоий кескинликни кучайтиришга имкон берди. Қишлоқнинг ўзига тўқ қатламлари шўро давлатининг мусодарачилик сиёсатига ҳар томонлама қаршилик кўрсатдилар. Шундай ҳоллар ҳам тез-тез содир бўлиб турардики, бир қадар йирикроқ ер эгалари ўзларининг мол-мулкларини, олган ҳосилларини яширишар, ишчи ҳайвонларини йўқ қилишар, боғ ва токзорларини атайлаб бузиб ташлар эдилар. Чунончи, Самарқанд вилоятида 1918 йилда ишчи ҳайвонларни оммавий равишда

[1] Победа Октябрьской революции в Узбекистане,Т.2.-Т.,1972.-- С.181.

Бухоро амирлиги ҳудудига ҳайдаб кетилди[1]. Тошкент уездида айрим национализация қилинган боғ-роғлар қирқиб юборилди, бу уезддаги бир қатор мол-мулкларнинг эгалари ўз хўжаликлари мусодара қилинишини олдиндан сезиб, 1918 йилнинг бошларида чорва моллари, уруғлик ва асбоб-ускуналарини олиб чиқиб кетишга муваффақ бўлганлар[2].

Ер эгалари Ер ишлари халқ комиссарлиги йўриқчиларини чалғитишга интилиб, ҳамқишлоқларининг қўллаб-қувватлашидан фойдаланиб, кўпинча ўз ерлари ва мол-мулкларини сохта одамларга топширганлик ҳақида ҳужжатлар тайёрлар, ер ва чорва молларини сотиб юборардилар. Кўпгина волостларда бойлар ўз ерларида сохта артеллар ташкил этган эдилар. Биргина Тошкент уездининг ўзида 1918 йилда бундай артеллардан 20 таси мавжуд эди[3]. Уларни фош этиш мақсадида 1918 йилнинг май ойида Ер ишлари халқ комиссарлиги ҳузурида "социалистик жамоалар" бўлган артеллар ва ширкатларни текшириш юзасидан махсус комиссия ташкил этилди.

Бироқ, умуман олганда, ер-сув қўмиталарининг иши совет органларини қониқтирмас эди. Бу қўмиталар большевиклар истаган тартибда социалистик аграр ислоҳотларни амалга оширишни ва уларнинг кенг кўламда авж олишини таъминлай олмадилар. Шуни айтиш лозимки, ер-сув қўмиталари томонидан ҳисобга олинган хўжаликлар сони унчалик кўп эмасди. Масалан, 1918 йилнинг охирида уларнинг сони Сирдарё вилоятида 85 та, Фарғона вилоятида 15 та эди[4]. Чунки ер-сув қўмиталари бу масалага мустақил ёндошган бўлиб, бу аҳвол большевикларни қониқтирмас эди. Ҳокимият органларининг фикрича, ер-сув қўмиталари фаолиятининг бундай кам самарали эканлигига сабаб улардаги раҳбарликни "қулоқ бой" унсурлар қўлга киритиб олган бўлиб, улар ер ҳақидаги

---

[1] Самарқанд вилояти Давлат Архиви. 154-фонд,1-рўйхат, 14-йиғмажилд, 30-варақ.
[2] ЎзР МДА, Р-29-фонд, 3-рўйхат, 945-йиғма жилд, 59-варақ; 910-йиғмажилд, 12,61-варақлар; 1027-йиғма жилд, 226-варақ.
[3] Победа Советской власти в Средней Азии...- С.546.
[4] Аминова Р.Х. Аграрная политика советской власти в Узбекистане (1917-1920 гг.)-Т., 1962. - С.104.

декретни амалга оширишга тўсқинлик қилишарди. Чинакам социалистик аграр ислоҳотларни амалга ошириш учун, уларнинг фикрича, ер-сув қўмиталарига ҳақиқий шўро ҳокимияти тизими билан бирлаштириш ва уларни "суқилиб кириб олган синфий душманлар"дан тозалаш зарур эди. Ана шундай мақсадда Советларнинг V Ўлка қурултойи (1918 йил 20 апрель -1 май) ер-сув қўмиталарини Советларнинг ер-сув бўлинмаларига айлантириб қайта тузиш тўғрисида большевистик қарор қабул қилди. Маҳаллий коммунистлар ер-сув қўмиталарини қайта қуриш, уларга қишлоқ камбағаллари вакилларини киритиб, уларга лозим даражада синфий тус беришга ҳаракат қилдилар.

Шуни ҳам айтиш керакки, истиқлолчилар ҳаракатининг асосий кучлари бўлган деҳқонлар оппозицияси ва совет аграр сиёсатига таъсирчан қарши ҳужум қилиш фақат Туркистонда эмас, балки бутун Россия давлати ҳудудида ҳам кўзга ташланди. Бу ҳол қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб беришнинг кескин камайиб кетишига, озиқ-овқат танқислиги шароитида совет ҳокимиятининг барбод бўлишига олиб келиши мумкин эди. Воқеаларнинг бу хилда авж олишининг олдини олиш мақсадида ленинча раҳбарият туб ўзгаришлар қилишга мажбур бўлди, бу ўзгаришларнинг моҳияти ер ҳақидаги декрет асосини ташкил қилувчи эсерлар аграр дастури қоидаларидан тезлик билан воз кечишдан иборат эди. Расмий аграр сиёсатни "коммунизмлаштириш" бўғинларидан бири камбағаллар қўмиталарининг ташкил этилиши бўлди.

Бугунги кунда 1918 йилнинг июнида камбағаллар қўмиталарининг ташкил топиши асосан деҳқонлар сафларини жадаллик билан бўлиб юборишга қаратилган сиёсий тадбир эканлиги маълум бўлди. Камбағаллар қўмиталари битта сиёсий вазифани бажардилар, яъни ахборотлар етказиб бердилар. Улар вужудга келгунга қадар жойлардаги аҳволдан бехабар бўлган давлат хизматчилари ёки ишчилар яшириб қўйилган ғалла заҳираларини ва деҳқон қандай заҳираларга эга бўлиши мумкинлигини аниқлаш воситаларига эга эмасдилар, уларга баҳо беришдаги кўпгина

хатоликлар ҳам ана шундан келиб чиқарди. Шунга ишонса бўлардики, жойлардаги камбағал деҳқонлар қулоқларнинг йўл қўйган бузғунчилиги ва ерларини топширишдан бош тортганликлари ҳақидаги хабарларни етказиб беришлари натижасида қишлоқларда синфий кураш олови авж олиб, ўзаро адоват кучаярди. Шу асосда большевиклар қишлоқ камбағалларини маълум даражада ғайратли бўлган "хўжайинлар"га онгли равишда қарама-қарши қўйиб, қишлоқни синфий белгисига қараб ажратиб юбормоқчи эдилар. Лекин шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Ленининг умидларига зид ўлароқ қишлоқ камбағаллари социалистик янгиланишнинг ҳақиқий негизи бўлиб қололмади. Бунга асосий сабаб – камбағал батраклар табақасининг ҳар хиллиги, энг қашшоқ йўқсилларнинг мавжудлиги бўлиб, улар мустақил равишда хўжалик фаолияти олиб боришга қодир эмасдилар. Улар сиёсий жиҳатдан уюшишга ҳам, яна ҳам аниқроқ қилиб айтганда, қишлоқ оммасига сиёсий раҳбарлик қилишга қобилиятсиз бўлиб чиқдилар. Қишлоқ пролетариати ва камбағаллари кўпгина вакилларининг фарқ қилувчи хусусиятлари уларнинг бир хилликдан иборат хавфли ғояга, социализмни ялпи мулкий бараварлаш асосида тушуниш ғоясига маҳлиё эканлигидан иборат бўлди. Улар ҳам большевиклар сингари стихияли равишда ялпи бараварчилик ғоясига онгли суръатда амал қилдилар. Масалан, большевикларнинг ҳукмрон тузилмалари таъсирида камбағаллар қўмиталари ва меҳнаткаш деҳқонларнинг "қўшчи" иттифоқлари ерни қайта тақсимлашни амалга ошириш вақтида ҳаммани бир хил мезон билан ўлчашди. Туркистоннинг йирик ер эгалари билан Россия ер эгаларининг аниқ фарқига бормадилар. Марказдан келган кўрсатма асосида ҳаммани бир хил қолипда ўлчадилар. Буни шу далил ҳам кўрсатиб турибдики, 1918 йилда Фарғона вилоятида ер ислоҳоти натижасида тугатилган 481 та хўжаликда ҳаммаси бўлиб 25 та плуг бўлиб, мураккаб машиналар йўқ эди. Уларнинг эгалари меҳнаткашларни "эксплуатация" қилмас эди. Фақат еттита ёки саккизта хўжалик чорикорларни вақти-вақти билан ёллаб

ишлатиб туришарди[1]. Совет аграр сиёсатининг кескин тус олиши Туркистонда социалистик аграр ислоҳотларни анча чуқурлаштиришга олиб келди. Агар 1917 йил охири-1918 йил бошларида асосан чор мустамлакачиларига, амалдорларига, шунингдек машҳур бойларга ва шаҳар майда савдогарларига тегишли бўлган мол-мулклар мусодара қилинган бўлса, кейинроқ қишлоқнинг бадавлат қатламларига ҳам мусодара етиб келди. Шуни ҳам айтиш керакки, Туркистоннинг ўзбеклар яшайдиган районларида "бой помешчик ер-мулклари"ни мусодара қилиш сиёсати 1917 йил 6 декабрдан татбиқ этила бошлаган ва 1918 йилнинг баҳорида анча кенг авж олиб кетган эди. Ўша йилнинг февралида Тошкент уездининг Ниёзбек волость кенгаши йирик ер эгаларининг ер-мулкини рўйхатга олди ва уларга ўз комиссарларини тайинлади[2]. 1918 йилнинг февраль-апрель ойларида Тошкент уездининг Оқжар волости ер-сув қўмитаси умумий майдони 2640 десятина бўлган бир қатор ер-мулкларни ҳисобга олди. Бундай ишлар мазкур уезднинг бошқа кенгашлари ва ер-сув қўмиталари томонидан ҳам амалга оширилди. 1918 йилда ҳаммаси бўлиб бу ерда 30 минг десятинадан ортиқ ер майдони мусодара қилинди.

Туркистон Халқ Комиссарлари Совети 1918 йилнинг февраль-март ойларида 34 та йирик ер-мулкни, боғлар ва токзорларни национализация қилди, уларнинг умумий майдони 13561 десятина эди. Давлат мулки деб эълон қилинган ерлар орасида "Владимир Алексеев" номли саноат ва савдо ширкатининг боғлари, Мурғоб ер-мулки, "Қоплонбек", "Кенсой" ер-мулклари бор эди[3]. 1917 йилнинг охири ва 1918 йилнинг бошларида Мирзачўл уездида собиқ князь Николай Константиновичнинг умумий майдони 2 минг десятина бўлган ерлари мусодара қилинди. 1918 йилнинг февраль ойида андижонлик машҳур ер эгаси Миркомил Мўминбоевнинг 7 минг десятина миқдоридаги ерлари национализация қилинди.

---

[1] Зелькина Е. Очерки по аграрному вопросу в Средней Азии -М. -Л. 1930, - С.53.
[2] ЎзР МДА, Р-29-фонд, 3-рўйхат, 1067-йиғма жилд, 12-13-варақлар.
[3] Ризаев Г. Сельское хозяйство Узбекистана за 40 лет. -Т., 1957, - С.25.

Туркистоннинг ўзбек районларида 1919 йилнинг бошларига келиб мусодара қилинган ерларнинг умумий майдони 100 минг десятинадан ошиб кетган бўлиб, улар бир неча минг "меҳнаткашларни эксплуатация қиладиган хўжаликлар"га тегишли эди[1].

"Помешчик бойлар" ерлари деб аталган ерлар билан бир қаторда 1918 йилнинг баҳоридан вақф ерлари ҳам зўр бериб мусодара этила бошланди. Бундай тадбирнинг қонуний асоси бўлиб, РСФСР ХКСнинг 1918 йил 23 январда қабул қилган "Черковни давлатдан ва мактабни черковдан ажратиш тўғрисида"га декрети бўлди. Мазкур декретда кўрсатиб ўтилишича, "Россияда мавжуд бўлган черковлар ва диний жамиятларнинг барча мол-мулки халқ бойлиги деб эълон қилинди"[2]. Барча диний муассасалар, шу жумладан мусулмон диний идоралари ҳам мазкур декрет таъсирига учради. И.А.Алимов тўғри таъкидлаб ўтганидек, "Вақф ерлари, бошқа мол-мулклар ва улардан олинадиган даромадлар турли диний ва маданий маърифий ташкилотлар, турли жамоат ишларини бажариш учун мўлжалланган эди"[3]. Бошқача айтганда вақф чинакам халқ эҳтиёжларига хизмат қиларди. Ленин декрети эса уни давлат мулкига айлантирдики, ундан кенг халқ оммаси узоқлаштирилди. Вақфларнинг мусодара қилиниши масжидлар, мадрасалар, мактабларни зарур моддий базадан маҳрум этди, бу эса фақат руҳонийларнинг манфаатларига эмас, шу билан бирга масжидларнинг қавмлари, мадраса ва мактаб ўқувчилари манфаатларига, яъни ўлканинг бутун туб аҳолиси манфаатларига зид эди. Бундай ёндашув қудратли ижтимоий норозилик келтириб чиқариши мумкин эди. Айтиш керакки, Туркистондаги совет ҳукуматининг айрим раҳбарлари буни тушуниб етдилар. Лекин шундай бўлса ҳам, вақф мол-мулкларини мусодара қилиш жуда қаттиққўллик билан ўтказилаверди.

---

[1] ЎзР МДА, Р-29-фонд, 3-рўйхат, 1067-йғма жилд, 13-14-варақлар.
[2] Собрание узаконений и распоряжений рабочего и крестьянского правительства. -1918, -N18.
[3] Алимов И.А. Левацкие перегибы в решении религиозного вопроса в ТАССР. Общественные науки в Узбекистане. -1919. -№ 1, -С. 34.

Вақт ўтиши билан ялпи национализация қилишга қаратилган йўл тобора яққол кўзга ташланадиган шаклларга эга бўлиб борди. 1918 йилнинг охирларидан бошлаб йирик ер-сувлар, вақф мол-мулкларини мусодара қилиш билан бир қаторда деҳқонларнинг бошқа кўпгина тоифалари ҳам ерга эгалик қилиш ҳуқуқидан маҳрум этилдилар. Ер давлатнинг мутлақ мулки деб эълон қилинди. Мазкур йўл ТАССР МИКнинг 1920 йил 17 ноябрдаги "Ердан фойдаланиш ва ер тузилиши тўғрисида"ги қарорида қонуний мустаҳкамланди. Унда қайд этилишича, "Туркистон республикаси доирасидаги барча ерлар, сув кимнинг тасарруфида бўлмасин, давлатнинг умумий бойлиги ҳисобланади"[1]. Ердан фойдаланиш ҳуқуқи деҳқон, чорикор ёки мардикорга берилди, лекин бунда улар фақат шахсий меҳнатлари билан ишлов беришлари керак эди. Хусусий секторда ёлланма меҳнатдан фойдаланиш тақиқланди, бу ҳол қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши ҳажмининг қисқариб кетишига дарҳол таъсир кўрсатди.

Шўро тарихшунослигида октябрдан кейинги дастлабки йилларда амалга оширилган аграр ислоҳотлар натижасида деҳқонларнинг жуда катта кўпчилиги ер-сувли бўлганлиги айтиб келинди. Ҳақиқатан ҳам энг камбағал оилаларнинг айрим гуруҳларига ер участкалари ажратиб берилди. Масалан, Мирзачўл уездида 1918 йилнинг баҳорида ерсиз аскарлар ва чорикорларга 3 минг десятина ер ажратиб берилди. Бу ерлар илгари йирик ижарачилар ва ер эгаларига қарашли бўлган эди. Жами ер олганлар сони бу ерда 2000 оилани ташкил этди[2]. Бироқ, умуман олганда, ҳал қилувчи ўзгаришлар содир бўлмади. Аксинча, 1917-1920 йиллар даврида камбағаллар ва ерсиз деҳқонлар сони сезиларли равишда ортди. Масалан, агар 1917 йилда Самарқанд вилоятининг ўтроқ районларида ерсизлар сони 0,5 фоизни ташкил этган бўлса, 1920 йилга келиб, 3,3 фоизни ташкил этди.

[1] ЎзР МДА архиви, 122-фонд, 1-рўйхат, 122-йиғма жилд, 53-варақ.
[2] ЎзР МДА, Р-29-фонд, 3-рўйхат, 1067-йиғма жилд, 15-16-варақлар.

ырдарё вилоятида бу кўрсаткич тегишли равишда 4,4 ва 6,9 фоизга тенг элди[1].

Қилинган таҳлилларнинг кўрсатишича, ҳокимият органлари коммунистик жамиятнинг тоталитар (мустабид) иқтисодий тузилмаларини шакллантириш стратегиясидан келиб чиқиб, асосий диққат-эътиборни пахтожлар ўртасида ер фондини қайта тақсимлашга эмас, балки национализиция қилинган ерларда жамоа хўжаликлари, биринчи галда коммуналар ва совхозлар ташкил этишга қаратдилар.

Туркистонда деҳқонларнинг жамоа хўжаликлари 1918 йилнинг баҳоридаёқ вужудга кела бошлади, бу пайтда йирик қишлоқ хўжалик ер-сувлари национализация қилинган эди. Бундай жамоа хўжаликларидан энг биринчилари 1918 йилнинг февралида ташкил этилган Тошкент уездининг Оқжар волостидаги 18 та артель бўлди, уларга волость ер-сув қўмитаси 1084 десятина ер, от-улов ва қишлоқ хўжалик асбоблари берди[2]. Ҳаммаси бўлиб Тошкент уездида 1918 йилда қарийб 150 та коммуна ва артель ташкил топган эди[3].

Ер ташкилотлари томонидан йирик хусусий ер эгаларининг хўжаликлари национализация қилингандан кейин, маҳаллий Советларнинг кенг шоҳобчалари, айниқса қишлоқ партия ячейкалари ва камбағаллар қўмиталари тармоғи ортиб борди, Жамоа хўжаликлари Туркистоннинг кўпгина районларида пайдо бўлди. Тўлиқ бўлмаган маълумотларга қараганда, 1918 йил 1 октябрга қадар Туркистон республикасида жойлашган 400 дан ортиқ хўжалик бўлиб, уларнинг умумий ер майдони 35 минг десятинани ташкил этган эди[4]. 1920 йилга келиб, Туркистоннинг ўзбек районларида 550 дан ортиқ ана шундай хўжаликлар бўлиб, улар қарийб 40 минг қишлоқ меҳнаткашларини бирлаштирган эди[5]. Қишлоқни социализм йўлига солишнинг биринчи босқичида марказий сиёсий раҳбариятнинг

---

[1] Статистический ежегодник. 1917-1932 гг. Т.II. - Т., 1934. - С. 50, 54, 56, 58.
[2] ЎзР МДА, Р-29-фонд, 3-рўйхат, 1067-йиғма жилд, 49-варақ.
[3] Известия ТуркЦИК. 1918, 30 янв.
[4] ЎзР МДА, Р-29-фонд, 3-рўйхат, 946-йиғма жилд, 17-20-варақлар.
[5] Ўзбекистон ССР тарихи. 3-том, -Т., 1967, Б. 180.

ўрсатмаси билан қишлоқ хўжалик коммуналарини ташкил этиш соҳасида дон ва гўшт фабрикаларини ташкил этиш асосий йўл деб қаралган эди. Булар қишлоқ хўжалигини коммунистик асосларда юритиш намунаси бўлиши лозим эди. Коммуналарга энг яхши ерлар ажратиб берилди, мусодара қилинган от-улов, уруғлик, катта миқдорда пул қарз берилди. Бироқ орадан кўп ўтмай коммуналар большевикларнинг умидларини оқлашга қодир эмаслиги маълум бўлиб қолди. Улар заиф, беқарор бўлиб чиқди. Бундай аҳволни фақат Туркистонда эмас, балки бутун Россия Федерациясида ҳам кўриш мумкин эди. 1919 йилда Россияда ташкил этилган коммунистик хўжаликларнинг тўртдан бир қисми тарқалиб кетди.

Коммуналардан кўнгли тўлмаган ленинча раҳбарият энди совхозларга умид боғлай бошлади. Совхозларни биринчи галда ташкил этишга қаратилган расмий йўл марказий ҳукумат томонидан қабул қилинган 1919 йил 14 февралдаги "Социалистик ер тузилиши тўғрисида ва социалистик деҳқончиликка ўтиш чоралари ҳақида низом"да акс этган[1]. Шунингдек, РСФСР ХКСнинг ўша йил 15 февралда қабул қилган "Совет хўжаликлари, муассасалари ва саноат пролетариати бирлашмалари ташкил этиш тўғрисида"ги декретида[2] ўз ифодасини топган. Туркистон ҳудудида дастлабки совет хўжаликлари ТКПнинг III қурултойидан (1919 йил июль) кейин тарқала бошлади. Улар национализация қилинган ер-мулклар ва меҳнат билан боғлиқ бўлмаган хўжаликлар ўрнида ташкил этилди. Бу хўжаликлар ҳокимият йўл-йўриқларига мувофиқ, ўзларининг жонли ва жонсиз инвентари, барча иморатлари билан совет давлати ихтиёрига ўтган эдилар. Туркистонда ташкил этилган совет хўжаликлари орасида боғдорчилик совхозлари иқтисодий жиҳатдан айниқса катта аҳамиятга эга бўлди. 1921 йилда бундай совхозларнинг сони 40 та эди[3]. Совет хўжаликларига раҳбарлик қилиш учун Ер ишлари халқ комиссарлиги ҳузурида қишлоқ хўжалик корхоналари бўлими таъсис этилди, унинг

[1] Экономическая политика СССР. Т.1.-М., 1974.- С.385.
[2] Экономическая политика СССР. Т.1.-М., 1974.- С.354.
[3] ЎзР МДА, Р-29-фонд, 3-рўйхат, 2637-йиғма жилд, 57-варақ

вазифаси мазкур хўжаликларнинг мол-мулклари сақланишини ва улардан самарали фойдаланишни таъминлаш эди. 1918-1919 йилларда боғдорчилик хўжаликлари национализация қилинаётганлиги сабабли бу бўлим қошида кичик боғдорчилик шуъбаси ташкил этилди. Кейинчалик бўлимнинг фаолияти меҳнат билан боғлиқ бўлмаган ва национализация қилинган боғларни ҳам қўшиб олиш ҳисобига кенгайди. Мазкур боғлар устидан давлат назорати ўрнатилди. 1919 йилнинг охирига келиб боғдорчилик шуъбаси тасарруфида умумий майдони 3118 десятина бўлган 105 та боғ ва токзорлар бор эди. Кичик бўлим боғ ва токзорларни парвариш қилиш, олинган ҳосилни сотиш соҳасидаги ҳамма ишларни ташкил этиш, ҳисобга олинган 67 та боғ ва токзорда эса эгаларининг хўжаликни "коммунистик асосда" бошқариши устидан назорат ўрнатди[1].

Шуни ҳам айтиш керакки, тадқиқ қилинаётган даврда совет давлатининг бутун ҳудудида ғалла муаммоси айниқса кескин тус олган эди. Аграр соҳада йўл қўйилган катта камчиликлар туфайли оммавий очарчилик бўлиши хавфи бутун борлиғи билан кўндаланг бўлиб турди. Деҳқонлар қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг ўсишидан манфаатдор эмасдилар. Бундай шароитда ленинча раҳбарият авторитар давлатнинг куч-қудратидан тўла ҳажмда фойдаланишга интилди. 1919 йил 28 январда РСФСР ХКСнинг "Давлатнинг ғалла экишни ташкил этиши тўғрисида" ги декрети эълон қилинди[2]. Унда кўрсатиб ўтилишича, экин экиладиган майдонларни кўпайтириш учун дон экилиши лозим бўлган барча ерлар ҳамда ҳозирги вақтда айрим шахслар ёки жамоа хўжаликлари тасарруфида бўлмаган ерлар ғалла экинлари экиш учун давлат ихтиёрига ўтади. Айни вақтда совхозларнинг самарадорлигини кескин суръатда ошириш зарурлиги ҳам таъкидлаб ўтилди. Мазкур декрет асосида Туркистон Марказий Ижроия Қўмитаси давлат экинлари экиш ўлка бўлимини ташкил этди,

---

[1] Аминова Р.Х. История совхозов Узбекистана. 1917-1960 гг.-Т., 1993, - С-13.
[2] Экономическая политика СССР. Т.1.-М., 1947.- С.33.

нинг вазифасига Туркистон республикаси ҳудудида ғалла экиладиган айдонларни кенгайтиришга ёрдам бериш кирар эди[1].

ТАССР Халқ Комиссарлари Совети 1919 йилдаёқ бўш ётган ерларга давлат йўли билан экин экишни ташкил этди. 1920 йилда давлат экинлари майдони 40 минг десятинага етди. Шу билан бирга бутун ҳосил озиқ-овқат халқ комиссарлиги ихтиёрига келиб тушар, бу ғалла билан биринчи навбатда саноат пролетариати таъмин этиларди[2].

Бироқ кўрилган чора-тадбирлар кутилган натижани бермади. Кейинчалик маълум бўлишича, давлат чорикорлиги якка деҳқонлар секторида кўпчилик учун маъқул келмасди, чунки давлат томонидан амалга оширилган пул тўловлари пулнинг қадрсизланиши туфайли талабга жавоб бермасди, маҳсулот билан тўлаш эса ниҳоятда чеклаб қўйилган эди.

Совхоз ишлаб чиқариши тизимида ҳам жиддий вазият вужудга келди. Совет далачилик хўжаликлари тўғрисидаги Низомда (у ер ислоҳоти арбобларининг ўлка қурултойида ишлаб чиқилган эди) таъкидлаб ўтилганидек, совет хўжаликлари ўзларининг далачилик экинлари билан бирга асосан меҳнатни жамоа асосида татбиқ қилиш (артеллар, коммуналар ва бошқа бирлашмалар шаклида) йўли билан ривожланиши лозим эди. Бунга совет хўжаликлари кичик бўлимининг йўриқчилари раҳбарлик қилишлари ва давлат чорикорлиги меҳнатидан фойдаланишлари керак эди. Кичик бўлим заруратга қараб мазкур жамоаларни асбоб-ускуналар, уруғлик ва пул кредитлари билан таъминлаб туриш юзасидан барча чора-тадбирларни кўриши зарур эди.

Совет далачилик хўжаликлари низомига кўра, фақат ишбай асосидаги ёлланма меҳнатдан фойдаланишлари ва мукофотлаш тизимини қўллашлари керак бўлиб, бу иш мутахассислардан иборат махсус жамоалар ташкил этилган ҳолда амалга оширилар эди. Совет хўжаликларига, ҳокимият органларининг белгилаб берган йўл-йўриқларига биноан,

---

[1] ЎзР МДА, Р-29-фонд, 3-рўйхат, 1666-йиғма жилд, 404-варақ.
[2] ЎзР МДА, 25-фонд, 1-рўйхат, 280-йиғма жилд, 15-варақ.

лбиқ хусусий ер эгаларининг мусодара қилинган энг яхши ва қулай рлари ажратиб берилди. Масалан, Тошкент уездида "Упочак", "Аччи", Эски Тошкент", "Нўғой қўрғон" далачилик хўжаликлари, Черняев уездида Оқсув", "Кораскон", Фарғона вилоятида "Қарокчи", Самарқанд вилоятида Сара тўқай", Семчак", "Далварзин", "Каттачок", "Даштамин" ва бошқа ўжаликлар ташкил этилди.

Ташкил топган 21 та совет далачилик хўжаликларининг умумий айдони 32455 десятинадан иборат эди[1].

Бироқ коммуналар сингари, совхозлар ҳам "дон ва гўшт" фабрикаларига айланиши ҳақидаги умидларнинг хомҳаёллиги улар ташкил топган дастлабки пайтларданоқ маълум бўлиб қолди. Улар қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан тўлиқ таъминлаш вазифасини уддалай олмадилар. Бунга бир қатор омиллар сабаб бўлди. Совхозларнинг айримлари ўзига хос маҳаллий хусусиятга эга эди. Лекин умуман олганда большевиклар аграр сиёсатининг келиб чиқиш жиҳатидан яроқсизлиги маълум бўлди. Шундан кейинги йилларда, хусусан 50-йилларнинг охиридан 80-йилларнинг бошларигача бўлган даврда "совхозлаштириш" юзасидан амалга оширилган кенг миқёсли ишлар муқаррар мағлубият билан тугаганлиги ҳам бежиз эмас.

Тадқиқотда қараб чиқилаётган даврга тўхталиб шуни айтиш керакки, кўп миқдордаги совет хўжаликларининг ташкил этилиши катта миқдорда капитал маблағлар сарфланишини талаб қиларди, чунки ишлаб чиқариш бинолари барпо этиш, иш ҳайвонлари, асбоб-ускуналар, машиналар, ем-хашак ва уруғлик харид қилиш лозим эди. Бироқ ер ишлари халқ комиссарлиги ем-хашак ва уруғлик материаллари билан таъминлашни ўз вақтида мустақил равишда амалга оширишга рухсат этмади, озиқ-овқат директорияси эса зарур миқдордаги маҳсулотлар билан таъминлаш ҳақида берган ваъдасини адо этмади. Натижада совхозлар пул ва бозорда мол бўлмаганлиги оқибатида оғир аҳволга тушиб қолдилар. Ана шу сабоқни

[1] ЎзР МДА, Р-20-фонд, 3-рўйхат, 2637-йиғма жилд, 57-59-варақлар.

исобга олиб, ер ишлари халқ комиссарлиги кейинчалик ем-хашак ва онни мустақил равишда тайёрлашга рухсат этди. Лекин пул маблағ-аринининг жуда оз миқдорда ажратилганлиги етарли миқдорда ем-хашак ва руғлик тайёрлаш имконини бермади. 1918 йил февралда совет хўжалик-ари бутунлай маблағсиз, уруғ ва ем-хашаксиз қолди. Барча ишлар тўхтаб, орва моллар оч қолди, ҳатто агар уларни қирилиб кетишдан сақлаб олганда ҳам кўп ҳолларда улар иш учун яроқсиз эди.

Вужудга келган вазият хўжаликлар раҳбарларини Ер ишлари халқ омиссарлигини пул ажратиш ҳақидаги илтимослар билан тўлдириб бордилар. 1918 йил март ойига келиб эса, пул маблағларини ажратиш маълум даражада изга тушаётган бир пайтда ТуркМИК декрети савдо битимлари тузишни таъқиқлаб қўйди. Натижада совет хўжаликлари бозордан зарур нарсаларни сотиб олиш имкониятидан маҳрум бўлиб қолишди. Ана шу қийинчиликлар туфайли қишлоқ хўжалик ишлари кўпгина хўжаликларда издан чиқиб ерга сифатсиз уруғликларини экишга мажбур бўлишди.

Давлат чорикорлиги тадбири ҳам совхоз ишлаб чиқаришига жуда зиддиятли равишда татбиқ қилинди. Белгиланган йўл-йўриқларга биноан, ўз иш қуроллари билан ишлайдиган чорикорлар ҳосилнинг бирмунча кўпроқ қисмини олишлари лозим эди. Бироқ амалда эса кўпгина солиқ тўловларини чегириб ташлагандан кейин улар қўлига тегадиган ҳосил соф рамзий мазмунга эга бўлиб қолди.

Якка тартибда хўжалик юритишнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши, деҳқонларга маданий товар-бозор муносабатлари доирасида ишлаш учун имкониятлар яратиб берилиши қишлоқ хўжалик маҳсулот-ларини кўпайтиришнинг самарали йўли бўлиши мумкин эди. Бироқ совет давлати деҳқонларнинг мустақиллигини ҳар қандай йўллар билан чеклашга уринарди. Ҳатто илгариги йилларда кенг авж олган якка тартибдаги ижарага олиш ва ёлланма меҳнат шакли қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг маҳаллий шароитлари билан тақозо этилган бўлиб, у ҳам

кейинги вақтларда ниҳоятда чекланган эди. Чунончи, 1917 йилдан 1920 йилгача бўлган даврда ерни ижарага олувчи ва ижарага берувчи хўжаликлар сони Тошкент уездида тегишли равишда 6,5 фоиздан 2,6 фоизга, 9,6 фоиздан 1,4 фоизга, Мирзачўл уездида 19,5 фоиздан 1,1 фоизга ва 1,9 фоиздан 0,3 фоизга тушиб қолган. Тошкент уездида ёлланиб ишловчилар сони қисқариб, 11876 кишидан 1029 кишига, Каттақўрғон уездида 6827 кишидан 1009 кишига, Самарқанд уездида 14567 кишидан 5883 кишига тушиб қолди[1]. Сиртдан қараганда, ёлланма меҳнат кишилари сонининг қисқаришини мустақил хўжаликлар миқдорининг ўсиши билан изоҳлаш мумкин эди. Лекин юқорида айтиб ўтилганидек ҳақиқий ҳаётда бунинг тескариси кузатиларди. Камбағаллар сони ортиб борди. Лекин камбағал хўжаликлар сонининг кўпайиши ўртача деҳқон хўжаликларининг инқирозга учраши ҳисобига рўй берди.

Совхозлар билан бир қаторда 1919 йилнинг охирларидан бошлаб, қишлоқ хўжалик артеллари ташкил этишга эътибор кучайди. Масалан, 1920 йилдан бошлаб Фарғона, Самарқанд ва Сирдарё вилоятлари ҳудудида 275 та ана шундай артеллар ташкил этилди. Уларга умумий майдони 18504 десятина бўлган 8743 хўжалик бирлашган эди[2]. Лекин улар иқтисодий жиҳатдан заиф бўлиб, совхозлар қандай нуқсонларга эга бўлса, улар ҳам ўшандай нуқсонлардан ҳоли эмасди.

Туркистон қишлоқлари бадавлат қатламларининг иқтисодий қудратини ўйламасдан чекланиши, синфий қарама-қаршиликни авж олдириш йўлининг тутилиши, қишлоқ хўжалигини сохта марксча андозалар асосида қайта қуришнинг зўравонлик билан жорий қилиниши умумий қашшоқликка ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари миқдорининг кескин камайиб кетишига олиб келди. Масалан, далачилик маҳсулотлари миқдори ва чорва моллар сони Туркистон республикасида 1920 йилда 1913 йилга нисбатан тегишли равишда 75,2 фоиз ва 56,3 фоиз пасайди[3]. Тўғри, бунда

---

[1] Аминова Р.Х. Аграрная политика Советской власти в Узбекистане...- С. 247.
[2] Ирригация, сельское хозяйство и животноводство. 1921. N 3. - С.21-33.
[3] Статистический ежегодник. 1917-1923 гг. Т.2.-Т., 1924, - С.64.

истиқлолчилик урушининг воқеалари ҳам таъсир кўрсатди. Лекин бу ислида большевик раҳбарларнинг ғайри ҳуқуқий фаолияти билан боғлиқ ўлган эди. Уруш эса ана шу жараёнларни кучайтириб юборди.

Совет давлати амалга оширган ноилмий аграр сиёсат йўли натижаси-да (бу йўл уруш даврининг ялпи вайронагарчилиги билан чатишиб кетган эди) ўлканинг деҳқон хўжаликлари тобора инқирозга юз тута борди. Улар аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлай олмадилар, бу эса озиқ-овқат масаласининг кескин тус олиб кетишига олиб келди. Марказий Россия билан хўжалик алоқаларининг узилиб қолиши шароитида ўлкада мисли кўрилмаган очарчилик бошланди ва у билан боғлиқ бўлган эпидемиялар келиб чиқди. Улар 1920 йилга келиб 1 млн. дан ортиқ кишининг ёстиғини қуритди[1]. Очарчилик қурбонларининг асосий қўпчилиги қишлоқ аҳолисини ташкил қилган эди. Айниқса деҳқончилик районларидан катта талофатлар юз берганлиги кўзга ташланди. 1920 йилги аҳолини рўйхатга олиш вақтида бу ерда кўпгина кишилар ўлганлиги ёки ярим вайронага айланган қишлоқларини ташлаб чиқиб кетган кўплаб кишилар аниқланган[2]. Чунончи, Жиззах уездида 1917 йилдан кейин аҳолининг ярмидан кўпроғи қочиб кетганлиги ёки ўлганлиги маълум бўлди, навқирон ёшдаги эркакларнинг йўқотилиши айниқса сезиларли эди.

Очарчиликнинг кўлами ҳақида Туркистон республикаси озиқ-овқат халқ комиссари томонидан 1918 йил 15 майда имзоланган телеграмма асосида тўла тасаввурга эга бўлиш мумкин. Бу телеграммада бундай дейилган эди: "... Туркистондаги очарчиликнинг даҳшатлари Марказий Россиядаги ҳар қандай очарчиликни орқада қолдириб кетади...". Кўпгина шаҳар ва қишлоқларда "... очликда ўлганларнинг ириб кетган жасадларини йиғиштриб оладиган ҳеч ким йўқ".

---

[1] Қаранг: Семенюта В.А. Продовольственный кризис в Туркестане в 1917-1918 годах и его преодоление.// Общественные науки в Узбекистане. - 1989. -№ 12. - С.35.

[2] Материалы Всероссийских переписей 1920 г.// Перепись населения в Туркестанской республике. Ч.1. Вып. У-й. - С.24.

Ҳозирги вақтда ватанимиз тарихига оид адабиётларда Туркистон еспубликасидаги оғир озиқ-овқат танглигининг аянчли саҳифалари етарли аражада тўлиқ ёритиб берилган. Шунинг учун ҳам уни изоҳлашга батафсил тўхталиб ўтирмасдан, фақатгина большевиклар ҳокимиятининг очарчиликка барҳам беришнинг мустабидчилик усулларини қўллаганлигига ътиборни жалб қилмоқчимиз. Улар озиқ-овқат диктатураси ва шафқатсиз озиқ-овқат разверсткасидан иборат эди.

Тадқиқот материалларидан шу нарса кўриниб турибдики, фавқулодда суллар билан тўпланган маҳсулотларнинг кўпчилик қисми Қизил Армия ҳтиёжларини қондиришга кетарди. Бу Армия маҳаллий аҳолини мустабид камиятга итоатда сақлашга зўрлик билан интиларди. Қишлоқ аҳолиси ўзини-ўзи озиқ-овқат билан таъмин этиши лозим эди. Бироқ озиқ-овқат разверсткаси шундай усул билан олиб борилдики, деҳқонларда ўз тирикчилиги учун деярли ҳеч нарса қолмас эди. Ўша давр гувоҳларининг хотирасига кўра, озиқ-овқат разверсткаси қишлоқларни расман талашдан иборат эди. Худди шунга ўхшаш фикрлар ўша даврдаги ҳужжат материал-ларда ҳам ўз аксини топган. Хусусан, ҳукумат идораларига юбориладиган махфий маълумотномаларда кўрсатиб ўтилишича, "...озиқ-овқат идоралари ҳеч қандай маълумотларга эга эмасдилар. Разверстка миқдорини ўз ихтиёрлари билан белгилайдилар". Бундай ўзбошимчаликнинг ёркин далили сифатида Туркистон ИХК Ҳарбий-сиёсий экспедицияси ҳузуридаги фавқулодда комиссиянинг алоҳида бўлими йўллаган мактуб хизмат қилиши мумкин. Унда бундай деб таъкидланган эди: "Посёлка ва қишлоқларда... ҳатто бир ҳафталик тирикчилик учун ҳам ҳеч нарса қолдирмай бутун мавжуд ғаллани тортиб олмоқдалар, деҳқонлар... озиқ-овқат разверсткасини бажариш учун ғаллани сотиб олишга мажбур бўлмоқдалар... Озиқ-овқат ходимлари айш-ишрат билан шуғулланиб, Совет ҳокимияти вакилларига номуносиб бўлган ҳатти-ҳаракатлар қилмоқдалар. Кўпинча улар посёлка-ларга келардилар-да, ғалла ва бошқа маҳсулотларни тортиб оладилар ва олган нарсалари учун тилхат бермайдилар ва ҳақ тўламайдилар...

азверстка ҳисобига етказиб берилган ғалла бунинг учун мослаштирилган биноларга тўкилади, бунинг натижасида ғалла чирийди. Буни кўрган деҳқонлар кўпинча разверсткани бажаришдан бош тортмоқдалар"[1].

Янги ҳокимиятнинг кенг қишлоқ аҳолиси қатламларига бундай муносабати қишлоқ аҳолисида кескин ижтимоий норозилик ҳиссиётуйғуларини уйғотди. Деҳқонларнинг Шўроларга қарши кайфиятини истиқлолчилик ҳаракати деган халқ исёнчилари ҳаракати билан тўлдирди.

Пахта етиштиришга давлат монополиясининг ўрнатилиши республика қишлоқ иқтисодиётида мустабидчилик таянчларини мустаҳкамлашнинг муҳим воситаси бўлди.

Совет ҳокимияти ўрнатилган дастлабки ойларда мамлакат иқтисодиётини бошқариш таркибида совет давлатининг пахтачилик соҳасидаги сиёсатининг умумий йўналишларини белгилаш ва амалга ошириш иши юзасидан махсус йўл-йўриқлар ишлаб чиқадиган бошқарув бўлинмалари ташкил этилди.

Совет давлати раҳбарияти Центрохлопокнинг фаолиятига алоҳида диққат-эътибор билан қаради. Чунончи, 1918 йил январь ойининг бошларида унинг пахта таъминоти мудири С.И.Назаров билан учрашуви ва суҳбати бўлиб ўтди[2]. Большевиклар етакчисининг ташаббуси билан 1918 йил 12 январдаги қарорига махсус банд киритилган бўлиб, унда қуйидагилар айтилган эди: "... Пахтага ва уни сотишга бўлган давлат монополиясини тайёрлаш учун Центрохлопок Туркистонга кенг ваколатли ўз агентларини юборади"[3]. Улар олдига биринчи галдаги вазифа сифатида пахтачилик соҳасидаги ишдан хусусий комиссионер-воситачиларни четлаштириб, 1918 йилги экиш кампаниясини янгича, "социалистик" асосларда ташкил этиш, шунингдек Туркистондан аввалги йиллардаги пахта ҳосилини сотиб олишга интилиш вазифаси қўйилган эди.

---

[1] ЎзР МДА, 17-фонд, 1-рўйхат, 89-йиғма жилд, 17-18-варақлар.
[2] В.И.Ленин. Биографическая хроника. 1870-1924. Т.5.-М.,1974, - С.213.
[3] РГЭА, ф.3429, оп.9, д.1129, л. 3-4.

Пахтага бўлган давлат монополияси шароитида экиш кампаниясини муваффақиятли йўлга қўйиш мақсадида 1918 йил 9 апрелда Ленин имзоси билан РСФСР ХКСнинг "Тўқимачилик саноатини пахта билан таъминлаш учун айланма маблағлар ажратиш тўғрисида"ги декрети эълон қилинди. Ана шу декретга биноан экспедицияга 50244500 сўм ажратилди[1].

Декрет қабул қилингандан сўнг орадан икки кун ўтгач, Центрохлопок Тошкентга дастур жўнатди. "Мануфактура районини пахта билан таъминлаш, ишсизликнинг олдини олиш, саноатнинг барбод бўлишига барҳам бериш ниҳоятда зарурлиги туфайли, – дейилган эди унда, – Тошкентда бўлим очиш билан Центрохлопокнинг фаолияти кенгайтирилади. Бўлимнинг вазифаси: пахта монополиясини амалга ошириш, пахта сотиб олиш, тозалаш, ташишни тартибга солиш ва энг муҳими, чигит экиладиган майдонни кенгайтиришга қарши кураш олиб боришдан иборатдир". Центрохлопок пахтакорлар учун озиқ-овқат ресурслари ажратилиши ҳақида, шунингдек "бўлим вакиллари тайёргарлик ишларини тамомламокдалар ва шошилинч равишда Тошкентга жўнаб кетадилар"[2], деб хабар берган эди. Орадан кўп ўтмай, В.О.Смирнов ва Н.И.Сундаков бошчилигидаги экспедиция Туркистонга етиб келди.

Шуни ҳам айтиш керакки, Ленин томонидан Тошкентга вакил қилиб юборилган мансабдор шахслар томонидан ўлкадаги пахтачилик ишининг аҳволини қаттиқ назорат қилишни амалга оширишлари лозим эди. Маҳаллий совет ҳукумат органлари пахтачилик тармоғи устидан давлат монополиясини ўрнатиш юзасидан "тегишли" ишларни амалга ошириб қўйган эдилар. Юқорида қайд этиб ўтилганидек, 1918 йил 26 февралда Туркистон республикаси халқ Комиссарлари Совети "Ўлкада пахтани мусодара қилиш тўғрисида" махсус декрет қабул қилган эди. Ф.И.Колесов имзолаган мазкур декретда бундай дейилган эди: "Туркистон ўлкасида

---

[1] В.И.Ленин о Средней Азии и Казахстане.-Т., Узбекистан, 1982, - С. 461-467.

[2] Деятельность коммунистической партии и советского правительства по восстановлению и развитию хлопководства в Туркистане (1917-1924 гг.). Документы и материалы.-Т., 1986. - С.16-17.

мавжуд бўлган барча пахта, қандай тарзда бўлмасин ва ҳозирги пайтда қаерда турган бўлишидан қатъи назар, мусодара қилиниб, Туркистон ўлкаси ишчи-деҳқон ҳукуматининг мулки деб эълон қилинади. Ўлкадаги барча Советлар... ва темир йўлчиларнинг инқилобий қўмиталари ушбу декретни дарҳол амалга ошириш учун бутун пахтани станцияларга яқинроқ келтириш ва тезлик билан "Тошкент станциясига олиб келиш учун ҳозирнинг ўзидаёқ ўз вакилларини ажратмоқдалар". "Эгалари қаршилик кўрсатган тақдирда, – дейилган эди, декретда, – отишга қадар бўлган барча чоралар кўрилсин"[1].

Кўриниб турибдики, туркистонлик большевиклар "кўнгли бўшлик" қилиб ўтирмаганлар. Улар ўзларининг экстремистик ҳатти-ҳаракатларини "халқ мулки", "ижтимоий тенглик" ҳақидаги баландпарвоз сўзлар билан ниқоблаб кўрсатганлар.

1918 йил 2 мартда Туркистон ўлкаси Халқ Комиссарлари Советининг буйруғи билан "Ўлкада пахтани мусодара қилиш тўғрисида"ги декретни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида ХКС ҳузурида махсус пахтачилик бўлими ташкил этилди. Унинг комиссари қилиб Шмидт тайинланди[2]. 10 мартда бу қўмита "Наша газета"да большевистик услубда кенгайтирилган хабарнома босиб чиқарди, унда пахта тозалаш завод қўмиталари ва оқсоқоллар кенгашларига деҳқонларга экиш учун уруғлик чигит ажратиш ва сотиш тўғрисида кўрсатмалар берилган эди. Деҳқонлар бу уруғликни пахтачилик бўлими белгилаган нархда нақд пулга сотиб олишлари, шунингдек топширган пахталари ўрнига айирбошлашлари ёки, хатто қарзга ҳам олишлари мумкин эди. Бунда шу нарса диққатга сазоворки, деҳқон юқорида баён қилинган ҳар қандай шарт билан чигит уруғлиги сотиб олишда маҳаллий советдан маълумотнома тақдим этиши лозим эди, унда мазкур маълумотномани тақдим этувчи ҳақиқатан ҳам пахта

---

[1] Деятельность коммунистической партии и советского правительства по восстановлению и развитию хлопководства в Туркистане (1917-1924 гг.). Документы и материалы.-Т., 1986. - С. 11.

[2] Ўша жойда. С.15.

етиштириши тасдиқланган бўлиши лозим эди[1]. Бошқача айтганда, совет ҳукумати мавжуд бўлган бутун давр мобайнида унинг муассасалари учун хос бўлган ўта расмиятчилик тўсиқлари дарҳол ўрнатилган эди.

Уруғлик чигит ва қарз оладиган деҳқон маҳаллий маъмурлар томонидан берилган гувоҳномага эга бўлиши, унда мазкур деҳқон ҳақиқатан ҳам пахтакор бўлиб, фалон миқдорда ери борлиги, унга чигит экканлиги тасдиқланган бўлиши лозим эди. Гувоҳномадаги маълумотлар яқин орадаги завод қўмитаси орқали маҳаллий район қўмитасига топширилади, бу қўмита сметани тасдиқлаб, тегишли завод қўмитасига пул ажратарди ва фақат шундан кейингина у пулни тарқатарди. Бунинг натижасида деҳқоннинг кўп вақти бекор кетарди: у бир идорадан иккинчисига ўнларча марта боришига тўғри келарди. Бу ватанимиз пахтачилиги тарихида "маълумотномалар" воситасида ялпи маъмурий назоратни амалга оширишга интилишлардан бири бўлиб, у ўша вақтдаёқ бу хилдаги бошқарув механизмининг кам самара бериши ва иқтисодий жиҳатдан яроқсиз усул эканлигини кўрсатган эди. Лекин бу бирдан-бир тадбир эмасди. Коммунистик тафаккур мантиқига биноан Туркистон республикаси Халқ Комиссарлари Совети 1918 йил 19 мартда қабул қилган қарорда қўшимча равишда шу нарса кўрсатиб ўтилган эдики, "деҳқонлар ўзлари ишлов беришга қодир бўлган майдондаги экинларни эътиборга олган ҳолда уларга уруғлик берилсин"[2].

1918 йилнинг баҳор фаслида Центротекстиль экспедицияси давлат органлари ва пахта тозалаш, ёғ-мой ва совун пишириш саноати касаба уюшмалари ташкилотлари билан биргаликда хусусий тадбиркорларнинг иштирокисиз бай пули беришни йўлга қўйишга муваффақ бўлди. Бу пул ўрта ҳисобда ҳар десятина ерга 500 сўмдан тўғри келарди[3]. Шу билан бирга, маблағлар ва уруғликни пахтакорларининг кооперативлари орқали

---

[1] Деятельность коммунистической партии и советского правительства по восстановлению и развитию хлопководства в Туркистане (1917-1924 гг.). Документы и материалы.-Т., 1986. - С. 14.

[2] Ўша жойда. С.15.

[3] Известия ТуркЦИК. 1918, 11 июнь.

тарқатишга алоҳида аҳамият берилди, чунки кооперация, Лениннинг кўрсатмасига кўра, деҳқон учун "социалистик қурилиш ишига иложи борича оддий, осон ва қулай йўл билан қўшилиш" имконини берарди[1].

Чунки худди ўша ойларда Центротекстиль экспедициясининг ходимлари маҳаллий ҳукумат муассасалари ва пахта тозалаш саноати ишчиларининг жамоат тузилмалари ходимлари билан биргаликда ўлкада мавжуд бўлган пахта заҳираларини аниқлаб чиқдилар. Н.И.Сундаковнинг Москвага берган маълумотларига қараганда, пахта заҳираси 8 млн. пудни ташкил қиларди. Шу билан бирга Россия тўқимачилари учун 4,5 млн. пуддан кўпроқ пахта тайёрланган эди[2].

Бироқ шундан кейинги аҳвол пахта етиштиришни тезлик билан тиклашга қаратилган тадбирлар ҳаёлий эканлигини кўрсатди. Деҳқонлар шўро ҳокимияти билан ҳамкорлик қилишни унчалик ёқтирмас эдилар. Бу барса тасодифий эмас эди. 1918 йилнинг декабрида Н.И.Сундаков Туркистондаги аҳвол ҳақида РСФСР ОХХК раёсатини хабардор қилиб, "Пахтачилик иши ниҳоятда ноқулай аҳволда эканлигини"[3] эътироф қилишга мажбур бўлган эди. Бу ҳол ҳақиқатга тўғри келарди. Чунки 1918 йилга белгиланган пахта учун кураш бутунлай барбод бўлган эди.

Бундай аҳволдан ташвишга тушган Москва сиёсий раҳбариятининг бошлиғи Туркистонга янги эмиссарларни юборади. 1919 йил 2 февралда Москвадан Тошкентга Центротекстиль томонидан таъмин этилган навбатдаги экспедиция жўнаб кетади. Унга Шварц бошчилик қилди[4]. 1919 йилги пахта сиёсатининг ўзига хос томони шундан иборат бўлдики, ихтисослаштирилган пахтачилик кооперативларининг сони кескин ортди, улар ҳокимият тузилмаларига пахтакорлар устидан назорат қилишни кучайтириш имконини берди.

---

[1] Ленин В.И. Тўла асарлар тўплами. 45-том, Б. 370.
[2] Правда. 1919. - 10 январь.
[3] Экономическая жизнь. 1918. - 6 декабрь.
[4] Ўша газета, 1919 йил, - 5 февраль.

Кооперативларнинг давлат билан ўзаро муносабатлари тартиби уйидагича эди. Республикадаги национализация қилинган ҳар бир пахта озалаш заводига тегишли туманлар ва волостларнинг қишлоқ ҳамда осёлкалари бириктириб қўйилган эди. Аҳолиси пахта етиштириш билан шуғулланадиган ҳар бир қишлоқда кооператив ташкил этилган бўлиб, унга кооператорларнинг умумий йиғилишига расмий равишда сайланган, ҳақиқатда эса ҳокимият органлари томонидан тайинланадиган 3 киши бошчилик қиларди. Кооперативлар заводлар билан алоқани ўз вакиллари орқали амалга оширар эдилар. Улар пахта тозалаш заводидан чигит экиш учун пул олишар ва кооперативлар заводга сотган пахта учун ҳисоб-китоб қилишар, уруғлик, саноат ва озиқ-овқат молларини ҳам олар эдилар.

1919 йилда Туркистонда ҳаммаси бўлиб 42 та пахтачилик кооперативи ташкил топган бўлиб, улар 73 минг деҳқонни бирлаштирганди[1]. 1920 йилда бу кўрсаткичлар 56 кооперативни ва 112 минг кишини ташкил этди[2].

1919-1920 йиллардаги пахта сиёсатининг мазмуни асосан ўзгармай қолди. Шу билан бирга ҳаёт тақозоси сиёсий раҳбариятни 1919 йил сентябрда пахтачиликда ёлланма меҳнатдан фойдаланиш ҳуқуқини сақлаб қолишга мажбур этди. Лекин бу ҳуқуқ фақат пахтачилик кооперативларига берилган эди[3].

Бироқ пахта етиштиришни янада ривожлантириш учун қилинган умид яна рўёбга чиқмади. 1920 йил 2 ноябрда РСФСР ХКСнинг В.И.Ленин раислигида ўтган мажлисида пахтачиликни қайта тиклаш тўғрисидаги навбатдаги декрет тасдиқланди[4]. 1920 йил 3 ноябрда Ленин ХКСнинг 2 ноябрдаги 396-сонли баённомасини ва мажлисда қабул қилинган Туркистон ва Озарбайжон республикаларида пахта экинини қайта тиклаш

---

[1] РГАЭ. ф. 7990. оп. 1, д.8, л.286.
[2] Ўша жойда, 287 варақ.
[3] Деятельность коммунистической партии и советского правительства по восстановлению... - С.183.
[4] В.И.Ленин. Биографическая хроника. Т.9.-М.,1978.- С. 432.

соҳасидаги чоралар ҳақидаги қарорни имзолади[1]. Бу ҳужжатлар шўро пахта сиёсатининг мустабидчилик йўналишини мустаҳкамлади. Хусусан, уларда пахтачилик хўжаликларини тиклаш соҳасидаги барча ишлар ҳарбийлаштирилган деб эълон қилинди. Кейинчалик янги иқтисодий сиёсат даврида бундай ўта экстремистик ёндашув бекор қилинди. Лекин бошқа бир нарса характерлидир. Шу қарордан бошлаб ва ундан кейин Туркистон республикаси ҳукумат органлари кўрган чора-тадбирларда пахта йиғим-теримида мажбурий меҳнат сингари шўро даврида қарор топган тартиб-қоида ўртасида ғоят яқин боғланиш борлиги кўзга ташланади. Хусусан, бу нарса Турккомиссия билан Туркистон республикаси Халқ Комиссарлари Совети кичик кенгашининг қўшма қарорида (1920 йил 28 декабрь) кўрсатиб ўтилади. Унда очиқ-равшан айтилишча, "бизнинг пахтачилик саноати иши соҳасидаги сиёсатимиз ҳам давлат йўли билан мажбур қилишга, ҳам давлат йўли билан рағбатлантиришга асосланади"[2]. Лекин «мажбур қилиш", "рағбатлантиришни" бутунлай орқада қолдириб кетган эди.

Бироқ кўрилган барча чора-тадбирларга, зўравонлик ва мажбур қилишларга қарамасдан, совет раҳбариятининг иқтисодий сиёсати бунёдкорлик имкониятларидан фойдаланишга объектив равишда имкон бермади. Бунда шуни ҳам назарда тутиш керакки, деҳқонлар оммавий очлик қаршисида чигит экиладиган майдонларни қисқартиришга ва дон экинлари – маккажўхори, шоли, оқ жўхори, тариқ, буғдой экишга мажбур бўлдилар.

Бошланиб кетган истиқлол учун кураш шароитида чигит экишдан дон экинлари экишга ўтишда пахтага бўлган талабнинг камайиши ҳам сабаб бўлди, чунки бу вақтда ўлка ҳарбий қуршов туфайли марказдан вақтинча ажралиб қолган эди. Бунга ўлкадаги совет ҳукуматининг йўл қўйган хато ва камчиликларини ҳам қўшиш керак. Чунончи, пахта ва ёғ-

---

[1] В.И.Ленин. Биографическая хроника. Т.9.-М.,1978.- С. 435.

[2] Деятельность коммунистической партии и советского правительства по восстановлению..- С.86.

мой саноатини национализация қилиш тўғрисидаги декрет эълон қилингандан кейин четдан ташиб келтирилган энг яхши ғалладан уч баравар қиммат турадиган пахтанинг қадри тушиб кетди, чунки пахтага белгиланган қатъий нархни тез ўсиб бораётган ғалла нархига мутлақо қиёслаб бўлмасди.

Большевик маъмурларнинг аграр сиёсати, қишлоқ аҳолисининг турли қатламларини синфий жиҳатдан бир-бирига қарама-қарши қўйишга қаратилган қаътий йўл Туркистон қишлоқларида кескин танглик ҳолатини вужудга келтирди. Салбий ҳодисалар оқимини тўхтатиб қолиш учун аграр ва ижтимоий соҳаларда ўлкадаги қишлоқларнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишининг ўзига хос хусусиятларини, қишлоқнинг ижтимоий тузилишидаги асосий нуқсонлар ўртасидаги нисбатнинг ўсишини қатъий ҳисобга олиш зарур эди. Бироқ совет ҳокимияти органлари ақл-идрок овозига қулоқ солишни истамадилар. "Ҳарбий коммунизм"нинг аянчли тажрибаси коммунистик жамиятни қарор топтиришга қаратилган марксча ақидани ошкора шаклда гавдалантирган бўлиб, унинг тарихан яроқсизлигини, большевизм иқтисодий стратегиясининг объектив жиҳатдан асоссизлигини яққол кўрсатди. Тадқиқ қилинаётган даврда саноатда ҳам, аграр секторда ҳам жамиятни қайта қуришнинг коммунистик лойиҳалари мустабидчилик руҳида эканлигини аниқ намойиш қилди. Таркиб топаётган социалистик иқтисодиёт кенг қамровли национализация тамойилларига, мулкчиликни оммавий равишда давлат тасарруфига олишга, ишлаб чиқаришнинг барча шаклларини ўзбошимчалик билан бир хиллаштиришга, меҳнатга хақ тўлашда тенглаштириш сиёсатига асосланган бўлиб мустабид тузумнинг иқтисодий таянчини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейингина мустабид тузумнинг бу негизига зўр қийинчиликлар билан барҳам берила бошланди.

II БОБ.
ЎЛКАДА МАЪНАВИЙ ҲАЁТНИНГ МУСТАБИД ТУЗУМ ИЗМИГА СОЛИНИШИ

2.1 Коммунистик маънавиятни "ҳарбий коммунизм" усули билан оммавий сингдирилиши.

1917 йилги Октябрь тўнтариши Туркистон халқлари учун оғир синов ва мавҳум даврнинг бошланишидан дарак эди. Большевикларнинг ҳокимиятни суистеъмол қилганлиги жамият ҳаётига чуқур путур етказди. Октябрь тўнтариши тарих милларини боши берк кўчага буриб юборди. Натижада кўп асрлик табиий-тарихий алоқаларга путур етди, ўлка халқлари, шу жумладан ўзбек халқи ҳаёт фаолиятининг барча соҳаларида олға томон қилинаётган ҳаракатига халақит берилди. Маънавий ҳаётга оғир зарба етди.

Большевиклар ҳокимиятининг маданий сиёсати аввал бошданоқ ахлоқ, адабиёт ва санъатни самарали миллий заминдан ажратиб қўйишга, миллий руҳга ёт бўлган "пролетар маданияти" намуналарини сингдиришга қаратилган эди.

Аслида, Октябрь тўнтариши даврига келиб, большевиклар раҳбариятининг ҳали социалистик маданий қурилишнинг батафсил ишлаб чиқилган концепцияси йўқ эканлигини эътироф қилиш лозим. Россия большевикларининг етакчиси фақат 20-йилларнинг бошларидагина "маданий-инқилоб" дастурининг узил-кесил вариантини ишлаб чиқди. Лекин унинг фақат назарий-методологик негизигина мавжуд бўлиб, у маданий қурилишни "коммунистик бунёдкорлик" асосида авж олдиришни назарда тутган эди.

Большевикларнинг маданий дастури социалистик жамиятни барпо этиш стратегиясининг таркибий қисми бўлиб, большевиклар раҳбарияти уни чуқур инқилобий янгиланишнинг зарур шарти деб биларди. "Маданий инқилоб", биринчи навбатда, янги шахсни таркиб топтириши лозим эди.

/ни амалга ошириш жараёнида "социалистик маданият" ва "социалистик" инсон типи қарор топиши зарур эди. Ленин капитализмдан социализмга /тиш вазифаларини муваффақиятли ҳал этиш кўп жиҳатдан янги тузумни]арпо этишда онгли ва фаол иштирок эта оладиган жонли "материални" гайёрлашга боғлиқ бўлишини қайта-қайта таъкидлаган эди.

Маданий ўзгаришларнинг назарий-методологик негизларини умумий тарзда марксизм асосчилари ифодалаб берган эдилар. К.Маркс ва Ф.Энгельс маданият-тарихий категория бўлиб, унинг ривожланиши тарихий жараёндан иборат эканлигини, маданиятнинг ривожланиш даражаси ва роли эса ишлаб чиқариш тараққиётига боғлиқлигини биринчилардан бўлиб қайд қилиб ўтган эдилар. Маркс маданият жамиятнинг моддий негизидаги ўзгаришларга боғлиқлигини таъкидлар экан: "Умуман ижтимоий, сиёсий ва маънавий жараённи моддий ҳаётнинг ишлаб чиқариш усули белгилаб беради"[1], деб ёзган эди.

К.Маркс ва Ф.Энгельс маданиятнинг ишлаб чиқариш тузилиши ва ҳаракатидаги ўзгаришлар билан синфий қарши курашиш омиллари билан боғланган ҳолда таҳлил қилган эдилар. Улар синфий кураш назариясига таяниб, умуман маданият бўлиши мумкин эмас, балки муайян даврнинг, жамият ва синфнинг маданияти бўлади, деб таълим бердилар. Улар ҳукумрон синф маданияти жамиятда ҳукмрон маданият бўлади, деб таълим бердилар.

Марксизм асосчиларининг синфий жамиятдаги маданият синфий хусусиятга эга бўлиши ҳақидаги мулоҳазаларини тушуниш учун, уларнинг қуйидаги фикрлари муҳим аҳамият касб этади: "Ҳар бир даврда ҳукмрон синфнинг фикрлари ҳукмрон бўлади. Бунинг маъноси шуки, жамиятда ҳукмрон моддий кучга эга бўлган синф айни вақтда унинг ҳукмрон маънавий кучи ҳамдир"[2].

---

[1] Маркс К., Энгельс Ф. Соч. Т.13.- С.7.
[2] Маркс К., Энгельс Ф. Соч. Т.3. - С.45.

К.Маркс ва Ф.Энгельс социал инқилобни маданий жараёнларнинг злаштирувчи кучларидан бири деб билдилар. Улар таъкидлашганидек, социал инқилоб фақат иқтисодиёт, сиёсат ва синфий кучларни жой-жойига қўйишда эмас, балки халқларнинг маданиятида ҳам ўзгаришлар содир қилади. Бироқ, уларнинг фикрича, социал инқилобгача бўлган барча ижтимоий тўнтаришлар тор, чекланган ўзгаришлар билан якунланган, чунки аввалги социал инқилоблардан бирортаси ҳам хусусий мулкчиликни ва унга асосланган кишини киши эксплуатация қилишини бекор қилмаган. "Коммунистик партия манифести"да айтиб ўтилишича, "Коммунистик инқилоб ўтмишдан мерос қилиб олинган мулкчилик муносабатларидан қатъиян алоқани узишдир. Шунинг учун ҳам у ўз тараққиёти жараёнида ўтмишдан мерос қилиб олинган ғоялардан қатъиян алоқани узиши бежиз эмас"[1].

Ф.Энгельс маданиятдаги социалистик тўнтаришнинг бош мақсади шундан иборат деб билдики, у тарихан мерос қилиб олинган маданиятдаги фан, саньатдаги муомала шакллари ва ҳоказолардаги ҳақиқатан ҳам қимматли бўлган барча нарсаларни идрок қилиш учун, фақат идрок қилиш учун эмас, балки бу барча нарсаларни ҳукмрон синфнинг монополиясидан бутун жамиятнинг мулкига айлантириши ва бу мулкнинг янада ривожланиши учун ҳар кимга етарли бўш вақт яратиб бериши лозим эди"[2].

Ҳозирги замон нуқтаи назаридан қараганда, марксизм асосчиларининг маданий ривожланиш истиқболлари масалаларига доир назарий қоидаларида айрим оқилона фикрлар борлиги яққол кўзга ташланади. Шу билан бирга, уларнинг маданий ўзгаришларга доир концепцияси жиддий нуқсонлардан ҳам ҳоли эмасди. Улардан асосийси синфий манфаатларни биринчи ўринга қўйиш ва қадриятларнинг умуминсоний манфаатлардан юқори туради деб тан олиниши, "янги" инсонни шакллантириш йўллари ҳақидаги жўн тасаввурлар: диннинг маънавий қудратини инкор этиш, уни фақат

---

[1] Маркс К., Энгельс Ф. Соч., Т.4.- - С. 446.
[2] Маркс К., Энгельс Ф. Соч., Т.18.- - С. 215.

ювчи синфларнинг оммани мафкуравий жиҳатдан алдаш воситаси, халқ чун афюн, деб тушуниш; маданиятнинг ривожланишини хусусий мулкчи-ликни батамом тугатиш ва товарсиз социализм андозаси билан боғлашга риниш эди.

Марксча концепциянинг мафкуравий нуқсонларини Лениннинг маданий инқилоб" ҳақидаги ақидаси тўла-тўкис мерос қилиб олган эди. Ленин "маданий инқилоб" тушунчасини биринчи марта "Кооперация тўғрисидаги"га мақоласида тилга олган эди[1]. Бироқ, ундаги асосий фикрлар, яъни капиталистик жамият маданиятидан коммунистик жамият маданиятига ўтиш жараёни ҳақидаги фикрлар Октябрь тўнтаришидан олдинроқ ишлаб чиқила бошлаган эди. Ленин ўзининг инқилобдан олдинги бир қанча асарларидаёқ таъкидлаганидек, синфий, антагонистик формациялар мобайнида маданият халқдан ва халқ маданиятдан бегоналаштирилган эди.

Вужудга келган аҳволдан қутулишининг муқаррар йўли бутун моддий ва маънавий ишлаб чиқариш тизимини тубдан, инқилобий тарзда қайта қуришдан иборат деб ҳисоблаган эди Ленин. "Маданий инқилоб"нинг моҳияти ҳам мана шундан иборат эди.

Совет давлати асосчисининг фикрича, бу инқилоб ҳар бир кишининг ижодий қобилиятларини ҳар томонлама ривожлантириш учун шарт-шароит яратиши, меҳнаткашларнинг ўз жисмоний ва ақлий қобилиятларини рўёбга чиқаришлари учун барча имкониятларни таъминлаб бериши лозим эди. Бундай қобилиятлар эса халқда тўлиб тошиб ётган ва уларни капитализм эзиб ва бўғиб келган эди.

"Маданий инқилоб" ленинча дастурининг синфий моҳиятини олиб ташланадиган бўлса, унда оддий кишиларни ҳам ўзига жалб қиладиган қоидалар, айрим самарали ғоялар ҳам борлигини эътироф қилиш керак. Хусусан, мактабларда барча меҳнаткашлар учун бепул ва мажбурий таълим олиш талаблари ифодалаб берилганди.

---

[1] Ленин В.И. Тўла асарлар тўплами, 45-том, Б. 376-377.

Россия большевиклари етакчисининг оддий меҳнаткашларнинг асо-ий оммасини маънавий жаҳолатдан фақат таълим ва маданиятни юксал-иириш орқалигина халос қилиш мумкин, деган фикрига қўшилмаслик умкин эмас[1].

Кенг халқ оммаси билан олиб бориладиган маданий ишларни ақл-дрок билан, хушмуомалалик билан ташкил этиш, доимо уларнинг анфаатларини ҳисобга олиш[2] зарурлиги ҳақидаги ленинча кўрсатма-арнинг ҳаққонийлигини тан олмасликнинг иложи йўқ эди. Оддий ишиларнинг саводхонлик даражасини кескин ошириш тўғрисидаги ақирик муҳим аҳамиятга эга эди.

Аммо, аслини олганда, бу ленинча йўл-йўриқларда ҳеч бир янги нарса йўқ эди. Унга қадар ҳам Европа ва Шарқнинг машҳур маърифат-чилари ҳамда мутаффаккирлари халқни маърифатли қилиш ҳақидаги инсонпарварлик ғояларини илгари сурган эдилар. XIX асрнинг охири - XX асрнинг бошларида жадидлар Туркистонда самарали маърифатчилик ишлари олиб боришди. Жадидлар ҳаракатининг таниқли вакиллари Абдулла Авлоний, Мунавварқори Абдурашидхонов, муфтий Маҳмудхўжа Беҳбудий, Имомхўжа Хонхўжаев ва бошқаларнинг куч-ғайрати билан кўп қолларда уларнинг ўз мабалағлари ҳисобига халқ мактаблари очилди, замонавий дарсликлар тайёрланди, ўқув-методик адабиётлар нашр этилди. Мазкур мактаблар юзлаб ёш туркистонликларга таълим берди, кейинчалик улар ўлка маданиятини юксалтиришга катта ҳисса қўшдилар. Янги усул мактабларининг битирувчилари сафида ўзбек санъати ва адабиётининг фахри бўлиб қолган Маннон Уйғур, Ойбек, Қаюм Рамазон ва бошқалар ҳам бор эди.

Ленин эса олижаноб инсонпарварлик ғояларини марксистик андозалар доирасига жойлаштиришга интилиб, уларнинг мазмуни ва моҳиятини кўп жиҳатдан сохталаштирди. Бу жиҳатдан ленинча "социа-

---

[1] Ленин В.И. Тўла асарлар тўплами, 36-том, Б. 188.
[2] Ленин В.И. Тўла асарлар тўплами, 41-том, Б. 400.

ıистик маданий қурилиш" дастурини марксча ақидапарастликдан иборат ıжтимоий ривожланиш истиқболлари ҳақидаги йўл-йўриқлар ва уларнинг ;инфий ёндашув методологиясидан ажратиб талқин қилиш хато бўлур эди. Чунки у ўзининг туб илдизи билан жамиятни "пролетариат циктатураси" тамойиллари асосида ижтимоий-маданий ва иқтисодий қайта ўзишдан иборат марксча андозадан ўсиб чиққан эди. Совет давлатининг ıсосчиси ўзининг маънавий оталари каби, фақат синфий манфаатлар ва ;адрият-ларга таянди ҳамда аҳолининг бадавлат қатламлари билан ;амкорлик қилиш ҳуқуқини инкор этди. У социалистик ижтимоий ўзгаришлар чуқурлашиб ва кенгайиб боришига қараб синфий кураш обора қаттиқ тус олади, деб қайта-қайта такрорлашдан чарчамади. Бу хилдаги ёндашув етилган маданий вазифаларни ҳал қилиш имкониятларини жиддий равишда торайтириб қўйди. Бу ҳол "буржуа зиёлилари" деб аталган зиёлиларнинг, мутахассислар, дин арбобларининг маданий қурилишдан ўзларини четга олишларига мажбур қилди.

Мулкчиликнинг эркин шаклларини йўқ қилишга қаратилган марксча-ленинча йўл-йўриқлар чуқур хато эканлиги маълум бўлди. Бундан ташқари Ленин омма орасига бутунлай кириб борадиган мулкчилик кўникмалари ва одатларига қатъиян барҳам бериш зарур, деб талаб қиларди. Ишлаб чиқариш барча воситаларининг ялпи давлат тасарруфига ўтишига асосланган бу йўл-йўрик ҳақиқатда бутун-бутун ижтимоий синфлар ва қатламлар хусусий тадбиркорлар, банкирлар, йирик мулкдорларнинг йўқолиб кети-шига қаратилган эди. Шу билан бирга у аҳолининг асосий қисмини ташкил этувчи деҳқонларнинг ижтимоий онгини чуқур қайта ўзгаришни мақсад қилиб қўйган эди. Деҳқонларнинг майда мулкчилик кайфиятига қарши кескин курашиш, уларни майда мулк эгаларидан "ялпи агрофабрика" асосида коллектив ходимларга айлантириш ақидаси кўпгина салбий оқибатларга олиб келди. Улардан энг асосийлари хўжайинлик туйғусидан маҳрум этиш, ишлаб чиқариш воситаларидан бегоналаштириш, хафсаласиз, ғайратсиз ва лоқайд ходимларнинг улкан армиясини шаклланн-

тиришдан иборат бўлди. Майда мулкчилик кайфиятига қарши кураш олиб борган большевиклар бу билан деҳқонларнинг жонли руҳини йўқотиб, уларнинг ерга, ўз меҳнатлари натижаларига қизиқишини бутунлай бўғиб ташлашга интилганлигини англаб етмадилар.

Маданий-маърифий фаолиятнинг барча томонларини, маънавий ишлаб чиқаришнинг бутун жараёнларини мафкуравий таъсирга олиш талаби маданий ишнинг яратувчилик имкониятларини жиддий равишда чеклаб қўйган эди. Ленин "энг асосий нарса-маорифнинг сиёсат билан боғлиқлиги" масаласи эканлигини таъкидлаган эди. Бироқ мазкур боғлиқлик коммунистик мафкуранинг якка ҳокимлигини қарор топтириш сифатида қабул қилинган эди. Лениннинг фикрича, маданий-маърифий ва сиёсий-тарбиявий ишда коммунистик партиянинг сиёсати етакчи бўлиши очиқ-ойдин эътироф этилиши лозим эди.

Мазкур тамойилнинг ҳаётга татбиқ этилиши сиёсий фикр эркинлигини яратишдан, омманинг сиёсий онгини ўтмаслаштириб, уларни ватан ва хорижий адабиёт ҳамда санъат асарларининг қудратли таъсиридан маҳрум этишга олиб келарди.

"Синфий маданият"ни вужудга келтириш ва қарор топтиришга умид боғлаш, бу маданиятни умуминсоний илдизлардан ажратишга уриниш маънавият соҳасида беҳисоб салбий оқибатларга олиб келди. "Келажак" кишисини тарбиялаш дастури жиддий бир ёқламалиги билан ажралиб турарди. "Инсон ижтимоий муносабатлар йиғиндисидан иборат" деган марксча қоидага асосланган Ленин ва у бошчилигидаги коммунистик партия оммани тарбиялаш ва қайта тарбиялаш жараёнини жуда жўн ва содда бир жараён деб тушунар эдилар. Мазкур ижтимоий муносабатларни ўзгартириш билан "янги" кишини тарбиялаш муаммоси ҳал бўлиб қоладигандай туюларди. Биологик омиллар, инсоннинг генетик томонлари эса эътиборга олинмади, кўп асрлик тарихга эга бўлган ҳамда кенг халқ оммасининг турмуш тарзи мазмунига катта таъсир ўтказадиган анъаналар ва урф-одатлар ҳисобга олинмади. Социалистик инқилоб ғалаба

қозонгандан кейин ана шу барча анъаналар ва урф-одатлар бутунлай йўқолиб кетади, деб ўйлашганди большевикларнинг раҳбарлари. Улар бу анъаналар ва урф-одатлар етарли даражада яшовчи бўлиб, чуқур илдизга эга эканлигини тушунгач, ҳамма жойда уларга қарши аёвсиз кураш бошлаб юбордилар.

"Янги" кишини тарбиялашнинг бошқа воситаси мафкуравий ва маъмурий мажбурий машқлар йўли билан таълим беришдан иборат деб тушунилди. Бу нарса фақат "эски буржуазия қолдиқларига" нисбатан эмас, шу билан бирга ишчи-деҳқон оммасига, пролетариатнинг ўзига нисбатан ҳам татбиқ этилди. Агар биз Лениннинг "Давлат ва революция" деган машҳур асарига мурожаат қиладиган бўлсак, шу нарсага яққол ишонч ҳосил қиламизки, унда Ленин кишилар фақат мажбурий машқлар воситасида таълим олгандан кейингина янги жамиятнинг энг оддий талабларига риоя қиладилар, янги шарт-шароитларга мослашадилар, деб таълим берган. Фақат шундагина одамлар устидан зўравонлик қилиш, демократик давлат барҳам топиб, диктатура тугатилар эмиш.

Бу ўринда одамга ишончсизлик, руҳий эркинликка шубҳа билан қараш яққол намоён бўлади. Ленин одамларга мажбурий машқлар билан таълим беришга чексиз ишонар, мажбурий ижтимоий ташкилот мутлақо ижтимоий типдаги янги кишини вужудга келтира олади, деб ҳисобларди.

Большевиклар олиб борган маданий сиёсатнинг ашаддий иллатлари октябрдан кейинги дастлабки йиллардаёқ намоён бўлди. Бу йилларда "ҳарбий коммунизм" андозаси зўр бериб тарғиб қилинди, у мустабидчилик тузумининг асосий таянчларини шакллантирди. Бу андозани унинг ҳалокатли йўналиши билан фақат сталинча "буюк бурилиш"га қиёслаш мумкин эди. У мустабидчилик ҳокимиятининг тузилиши тарихидаги янги босқич бўлган эди.

"Ҳарбий коммунизм" сиёсати мантиқини тушуниш ва уни маънавий соҳасида амалга ошириш воситаларини англаб етиш учун шуни назарда тутиш керакки, социализмнинг ленинча концепцияси ва большевиклар

ҳбарининг тасаввур тарзи жанговар террорчилик мафкураси билан суғорилган эди. Лениннинг ҳаёлида ҳокимият ғояси бошқа барча ғояларни: инсонпарварлик, ватанпарварлик, маданий-миллий ғояларни орқада қолдириб кетган эди. "Биз Россияни курашиб қўлга киритдик, -деб такрорларди у ўз мамлакатининг босқинчиси тили билан гапираркан, -энди биз Россияни бошқармоғимиз лозим". Бундай бошқариш ялпи қизил террорни авж олдиришдан бошланди, бу иш социализм йўлида, яна ҳам тўғрироғи, қандай қилиб бўлса ҳам, ҳар қандай қурбонлар бериб бўлса ҳам ҳокимиятни сақлаб қолиш учун амалга оширилди.

"Халқлар доҳийси" марксизм асосчиларига эргашиб, сўзнинг кучига эмас, балки қурол кучига ишонди. У Ф.Энгельснинг қуйидаги сўзларини такрорлашни ёқтирарди: "Инқилоб шундай бир ҳаракатки, унда аҳолининг бир қисми ўзининг хоҳиш-иродасини аҳолининг бошқа қисмига милтиқ, найза ва тўплар ёрдамида, яъни ниҳоятда авторитар воситалар ёрдамида тиқиштиради. Агар ғолиб партия ўз куч-ғайратлари мевасини йўқотмасликни истаса, у ўзининг ҳукмронлигини ўз қуроли реакционерларга қандай қўрқув солса, ана шундай қўрқув солиш билан ушлаб туриши лозим"[1].

Инқилобий террор ғолиби пролетариат қўлида қудратли қурол бўлиши мумкин, деган фикрга биринчи бўлиб Ленин эмас, балки Маркс келган эди. "...Эски жамиятнинг қонхўрлик билан жон талашишини ва янги жамиятнинг туғилишидаги қонхўрлик азобларини" фақат "битта восита-инқилобий террорчилик қисқартириши, соддалаштириши ва бир жойга тўплаши мумкин"[2]. Бу К.Маркснинг сўзларидир.

Лениннинг террорчилик фалсафаси "Кимки биз билан бирга бўлмаса, у бизга қаршидир" деган ғояга асосланган эди. У пролетариатнинг ер юзидаги жаннатга борадиган йўлини миллионларча "неопролетарлар"нинг жасадлари узра олиб ўтган эди. Ленин бошчилигидаги рус марксчилари

---

[1] Маркс К., Энгельс Ф. Соч., Т.5,- С.494.
[2] Маркс К., Энгельс Ф. Соч.,Т. 18. - С.305.

1789 йилги Франция инқилоби давридаги якобинчилар терроридан фахрланардилар ва улар таъсис этган муассасалар, атамалар ва "халқ душман" қабилидаги сиёсий ёрлиқларни ўзлаштириб олиш тарафдори эдилар. Октябрь доҳийси "халқ душмани" атамасини биринчи марта рус классик либерализми партияси ва демократияси - кадетларга қарши жиноий айблов сифатида ҳокимият тепасига келган куннинг эртасигаёқ ишлатган эди.

Давлат террорчилиги фалсафаси ва психологияси инқилобдан кейинги йилларда бутун Россия империяси ҳудудида, шу жумладан Туркистонда большевизм амалиётининг фарқ қилувчи хусусияти бўлиб қолган эди. Большевиклар ишчилар ва солдатларни "ниқобланган инқилоб душманлари"га қарши шафқатсиз кураш олиб боришга ва "реакционерларга қонли сабоқ" беришга даъват қилдилар. Шу жиҳатдан большевикларнинг "Правда" газетасида 1918 йил 4 августда босилиб чиққан реакцион мақола эътиборга сазовордир. Мақолада бундай дейилган эди: "Ишчилар ва камбағаллар! Қўлга қурол олиб, отишни ўрганингиз... Совет ҳокимиятига қарши тарғибот юритаётганларнинг ҳаммасига қарши турингиз. Бизга қарши қўл кўтарган ҳар бир кишига ўнта ўқ отингиз. Сўнгги капиталистлар, помешчиклар, поплар ва офицерлар нафас олишни тўхтатганда капитал ҳукмронлигини барҳам топтириш мумкин"[1].

1918 йил 9 августда РСФСР Халқ Комиссарлари Совети Ленин имзоси билан "Қулоқларга, руҳоний ва оқ гвардиячиларга қарши шафқатсиз оммавий террорни авж олдириш учун ҳалол ва содиқ кишилардан алоҳида қисмлар ташкил этиш тўғрисида" декрет чиқарди. "Шубҳа остига олинган ҳамма кишилар концлагерларга ташлансин"[2], дейилган эди мазкур декретда. Ўша кунлари Ленин Пенза губерна ижроқўмига қуйидагиларни тавсия этади: "Шафқатсиз оммавий террор ўтказилсин... Шубҳа остига олинганлар шаҳар ташқарисидаги

---

[1] Правда. 1918, - 4 авг.
[2] Ленин В.И. Тўла асарлар тўплами, 50-том, Б. 142-143.

концентрация лагерига қамаб қўйилсин. Экспедиция (жазо экспедицияси-муаллиф) ишга солинсин"[1]. Саратов большевикларига бундай буйруқ берилади: "Фитначилар ва иккиланувчилар ҳеч кимдан сўралмай отиб ташлансин ва бемаъни сансалорликка йўл қўйилмасин"[2]. Царицинда турган Сталинга: "Сўл эсерларга қарши шафқатсиз бўлинг"[3], Астрахандаги Шляпниковга: "Астраханлик олиб сотарларни ушлаш ва отиб ташлаш учун бор кучингизни ишга солинг..."[4], деб буюрди. Ленин кўрсатмаларининг услуби ниҳоятда "оддий" эди: ҳибисга олинсин, отиб ташлансин, концлагерларга ҳайдалсин... Фақат "фитначилар" эмас, балки иккила-нувчилар ҳам.

Бу хилдаги фикрлаш мантиқи социалистик маданиятни барпо этиш усулларига ёндашувда ҳам ўз ифодасини топди. Мана, масалан, большевик ҳукмдорлар "социалистик инсонпарварлик"ни сохтагарлик билан тушунардилар. "Биз ўз душманларимизга қарши муваффақиятли курашиш учун, – деган эди Зиновьев, – ўзимизнинг социалистик инсонпарварлигимизга эга бўлишимиз лозим. Биз Совет ҳокимияти остидаги юз миллион Россия аҳолисига эгамиз. Улардан тўқсон миллионини ўз томонимизга оғдириб олишимиз керак. Қолганларини эса йўқ қилиш лозим"[5].

Қизил террор фалсафасининг бутун моҳиятини ва уни сиёсий жиҳатдан асослашни Бутунроссия Фавқулодда комиссиясининг раҳбарлари-дан бири М.Лацис чекистларнинг босма нашрида қуйидаги сўзлар билан ифодалаб берган эди: "Биз буржуазия синфини йўқ қиламиз. Шунинг учун ҳам у ёки бу шахс сўзи ёки иши билан Совет ҳокимиятига қарши чиққан-чиқмаганлигини исботлаб ўтиришга ҳожат йўқ. Сиз ҳибсга олган кишингиздан сўрашингиз лозим бўлган биринчи нарса: унинг қайси синфга мансублиги, қаердан келиб чиққанлиги, қандай тарбия кўрганлиги

---

[1] Ленин В.И. Тўла асарлар тўплами, 50-том, Б. 165.
[2] Ўша жойда, Б. 143-144.
[3] Ўша жойда, Б. 114.
[4] Ўша жойда, Б. 219.
[5] Северная коммуна. Пб., 1918, -25 нояб.

ı қандай ихтисосга эга эканлигидир. Бу саволлар ҳибсга олинган кишининг тақдирини ҳал қилиши лозим. Қизил террорнинг моҳияти мана шу"[1].

"Қизил террор" сиёсати қатағонларнинг қудратли ғилдирагини йлантиришга сабаб бўлди. Ҳамма жойда концентрацион лагерлар ташкил этила бошланди, гаровга олиш тизими фаол қўлланди, турмага ташлаш, бошқаларнинг қилган гуноҳлари учун бировлардан қаттиқ ўч олиш жорий этила бошлади. Октябрдан кейинги дастлабки йиллардаёқ Совет Россиясида 84 та концлагерь ишлаб турган бўлиб, уларга 50 мингдан ортиқ маҳбус юборилди[2].

Большевикларнинг бир-бирига қарши туриш сиёсати ижтимоий майдондан барча "нопролетар" ижтимоий гуруҳлар ва қатламларни, сиёсий ҳаётдан эса дастлаб буржуазияни ва "миллатчи" партияларни ҳайдаб чиқаришга, кейин эса ўзларининг социалистик блок бўйича иттифоқ-дошларини узоқлаштиришга интилишни талаб қиларди. Сиёсий ва маданий ҳаётдаги монополлаштириш йўлини таъминлаш учун бошқача фикр юритишнинг ҳар қандай йўлини қирқишга алоҳида эътибор қаратилди. Ана шу мақсадда Лениннинг фармойиши билан фақат мухолифатдаги партияларни қувғин қилиб қолмасдан, ҳамма жойда "бошқача фикр юритадиган" газеталар ёпилди.

Оммавий ахборот воситалари кенг омманинг ижтимоий онги ва руҳиятига таъсир кўрсатишнинг ҳаммабоп воситаси эканлигини большевик раҳбарлар яхши тушунишарди. Бу воситалар устидан яккаҳукмронлик қилганда норасмий ахборот кириб келадиган йўллар зич ёпилган бўлади. Бу эса ҳокимият тузилмаларига ижтимоий онгга истаганча таъсир кўрсатиб, унга мафкуравий андозалар ва тушунчаларни сингдириш имконини берарди. Айни вақтда оммавий ахборт воситаларининг якка шахснинг онгига таъсири ҳам намоён бўлади.Қудратли руҳий таъсир кўрсатиш омилига эга бўлган ахборот воситалари инсоннинг ҳиссий оламига унинг

---

[1] Красный террор. М., 1918. N 10. - С. 12.
[2] Советская история. Проблемы и уроки.-Новосибирск. 1992. - С. 188-189.

ики муҳитига ҳар томонлама таъсир қилади. Ахборотнинг муқобил анбалари ва фикр эркинлиги йўқ бўлган шароитда алоҳида олинган шахсга мафкуравий жиҳатдан ишлов бериш учун қулай вазият вужудга келади. Инқилобдан кейинги йилларда вақтли матбуот оммага мафкуравий таъсир кўрсатишнинг энг қудратли воситаси бўлди. Шунинг учун ҳам ленинча раҳбарият матбуотга танҳо эгалик қилишга алоҳида аҳамият берди. Тобора кўпроқ газета ва журналлар коммунистик тазйиқ таъсирига олинди. Бу жараённи ҳатто М.Горькийнинг обрў-эътибори ҳам тўхтата олмади, у кўп йиллар мобайнида Ленин партиясини беғараз маблағ билан таъминлаб келди. Кўпгина "аксилинқилобий" нашрлар каби унинг газетаси ҳам тақиқланди. Бу ҳол, айтиш мумкинки, "Инқилобнинг бўрон қуши"ни большевик йўлбошчилар билан кўп йилларгача уриштириб қўйди.

Зиёлиларга ҳалокатли зарба берилди. Ё уларни "қайта тарбиялаш", ёки мамлакатдан ҳайдаб юбориш ҳақида буйруқ чиқарилди. Айниқса, уларни ҳайдаб юборишга кўпроқ эътибор берилди, чунки большевик-ларнинг аксарият кўпчилиги "зиёлилар" ва "буржуазия"ни айни бир хилда тушунишарди. Хусусан, бу фикр Лениндан чиққан бўлиб, у биз меҳнат кишиларидан чиққан ўз "меҳнат зиёлиларимиз"ни вужудга келтиришимиз зарур", деб кўп марта такрорлаган эди. У "инқилобдан олдинги зиёлилар"га нафрат билан қарар, уларни таърифлаганда "чириган", "бўшашган", "аксилинқилобчи" каби таҳқирловчи сўзларни ишлатарди. Бунда ошкора душманликнинг сабаби аввало шунда эдики, эски зиёли-ларнинг жуда кўпчилиги Октябрь тўнтаришини безовталик билан кутиб олган, ҳолисона туриш нуқтаи назарида бўлиб, кўпинча очиқдан-очиқ душманлик билан муносабатда бўлганди. Ижодкор зиёлиларга Лениннинг қандай муносабатда бўлганлиги шундан ҳам кўриниб турардики, ҳатто 1922 йилда у социализмнинг табиати тўғрисидаги айрим муҳим тасаввур-ларни қайта кўриб чиқаётган пайтда ҳам, "ҳарбий коммунизм" йўлидан чекиниш бошланганда ҳам 200 дан ортиқ иқтисодчилар, файласуфлар, тарихчилар, адабиётчилар чет элга сургун қилинди, улар ҳукмрон тузумга

қбул бўлмайдиган қарашларни баён қилган эдилар. Улар орасида аниқли файласуфлардан Н.Бердяев ва С.Франк, социолог П.Сорокин, тарихчи А.Клезеветтер, иқтисодчи Б.Бруциус бор эди. Чет элга сургун қилинадиганлар рўйхатида мамлакатнинг етакчи иқтисодчилари Н.Кондратрев, Л.Юровский, А.Рибниковлар бор эди, лекин иқтисодий идораларнинг илтимосига кўра уларни юборишмади[1]. Худди шундай чоралар мамлакатда қолган бошқа "ақлий меҳнат" кишиларга нисбатан ҳам кўрилади. Ленининг сарфдошларидан Ф.Э.Дзержинский ошкора айтган "ҳар бир зиёлига алоҳида иш очилиши лозим"[2], деган йўл-йўрик тантана қилди.

Шундай қилиб, Октябрь тўнтаришининг энг бошиданоқ марказий сиёсий раҳбариятнинг тутган йўли чинакам эркинликка, маданиятнинг бемалол фаолият кўрсатишига барҳам берди. Ой сайин таъсир кучайиб борган қудратли "ҳарбий коммунизм" турмуш тарзи маданиятни ўзига бўйсундирди, фақат анъанавий маданий турмушнинг ва муайян тартиб-қоидаларга бўйсундирилган маданиятнинг чекланган соҳаларигина таъсир кўрсатиш доирасидан четда бўлди. Бу соҳаларга асосан махсус билим ва кўникмаларнинг аҳамияти кучли бўлган фан, қисман саноат ва шу кабилар кирди.

Маданий маконнинг асосий қисмини эса кенг халқ оммасининг кундалик ҳаёти билан боғлиқ бўлган ва унга хизмат кўрсатишга мўлжалланган нарсалар ташкил этарди. Ўша вақтдаги "оммавий" маданият аввало тарғибот ва ташвиқотнинг, сиёсий-маърифий ишлар ва ҳоказоларнинг турли шакллари ҳамда турларидан иборат бўлиб, улар коммунистик партиянинг куч тўплаб бораётган қудратли мафкуравий таъсирида эди. Бу маданиятнинг мақсади пировард натижада бутунлай янги шахсни тарбиялаш ва шакллантиришдан иборат эдики, у ўзининг асосий

---

[1] Қаранг: Голованов А.А. Крестьянство Узбекистана: эволюция социалного положения. 1917-1937 гг. -Т.,1992. - С.25.

[2] Қаранг: Голанд Ю. Политика и экономика// Знамя. 1990, -N 3. - С.132-133.

ıфатлари билан сунъий равишда вужудга келтирилаётган социалистик ıжтимоий организмнинг мустаҳкам ҳужайраси бўлиши лозим эди.

Бошқача айтганда, инсон ўз эҳтиёжлари ва талабларига эга бўлган ўзига хос шахс сифатида эмас, балки коммунистик партиянинг жангчиси сифатида намоён бўлиши керак эди. У фронтдаги жанговар ҳаракатлар оловида "тобланади", мамлакат ичкарисидаги оғир меҳнатда, доимий кураш жабҳаларида чиниқади. Маънавий маданият улкан инқилобий печнинг "пўлат тобланадиган" таркибий қисмларидан бирига айланиши зарур эди. У ўтмишдан қолган барча нарсаларга танқидий назар билан қарашга, сифат жиҳатдан янги пролетар маданиятини кўкларга кўтариб мақташга, пировард натижада ҳукмрон большевистик юқори табақа манфаатларига хизмат қилишга бўйсундирилади.

Маънавий маданиятга мафкуравий жиҳатдан пардоз бериш жараёнлари миллий муносабатлар соҳасига ҳам даҳлдор бўлмай иложи йўқ эди. Россия халқларининг, шу жумладан Туркистон халқларининг ўзига хос этник хусусиятларига беписандлик билан қараш большевиклар миллий маданиятининг методологик маданий аспекти сифатида майдонга чиқади. Мамлакатнинг сиёсий раҳбарияти жаҳон социалистик инқилоби назариясига таяниб бу инқилобнинг шиддат билан амалга оширилиши натижасида миллатлар ва элатлар яқин вақтлар ичида ягона коммунистик миллат бўлиб қўшилиб кетадилар, бунда улар дастлаб меҳнат билан шуғулланмайдиган барча унсурлардан тозаланиб оладилар, деб ҳисоблайдилар. "Омон қолиш" ҳуқуқи миллатнинг фақат Октябрь идеалларини қўллаб-қувватлайдиган ва ўзининг ижтимоий келиб чиқиш жиҳатидан камбағал пролетарлардан иборат қисмига бериларди, холос. Бироқ, "инқилобий тозаланиш"дан кейин миллий хусусиятлар эмас, балки синфий хусусиятлар биринчи ўринга чиқиб, миллий хусусиятлар секин-аста барҳам топиб борар эмиш. Социалистик инқилобнинг жаҳон ҳаракатида миллий хусусиятлар коммунистик ғоялар тантанасига тўсқинлик қилади, деб ҳисобланарди. Большевизм мафкурачиларининг фикрича, миллатлар ва

ıтларни янги тарихий бирлик сифатида бирлаштиришда пролетар йналминалчилиги тамойили билан бир қаторда, "буржуа марказлари"дан юс бўлган Европа маданияти мустаҳкамловчи восита бўлиб майдонга қиши лозим эди.

Албатта Европа маданияти ўзига тарихий тараққиётнинг қудратли милини қамраб олганлиги шак-шубҳасиздир. Марказий Осиё халқларининг кўпгина атоқли донишмандлари бу маданият ютуқларини эгаллаш зарурлигини айтиб ўтганлар. Туркистон жадидлари ҳам Ғарб маданиятининг дурдоналаридан баҳраманд бўлиш зарурлигини таъкидлаганлар. Аммо инқилобдан кейинги дастлабки йилларда "европалаштириш" йўли мажбурий тарзда бўлиб, асосан ялпи руслаштириш дастурига айланиб кетди. Натижада икки маънавият оқимини бирлаштириш ўрнига уларнинг гўқнашуви рўй берди. Маҳаллий аҳоли учун Европа маданияти Туркистон халқлари табиатига мос келмайдиган ёт ҳодиса сифатида қабул қилинди.

Октябрдан кейинги Туркистоннинг маънавий ҳаётини моддийлаштиришнинг ўзига хос муҳим хусусияти ярамас ленинча маданий инқилоб стратегияси билан маҳаллий коммунистик эътиқодли кишилар тафаккурининг узвий қўшилиб кетганлиги бўлди. Туркистонда марксизмнинг назарий жиҳатдан номувофиқлиги, унинг жами бузғунчилик таъсири, маҳаллий большевик раҳбарларнинг буюк давлатчилик шовинизми, уларнинг маҳаллий аҳолининг орзу-умидлари ва эҳтиёжларига ошкора менсимасдан қараши ҳалокатли оқибатларга олиб келди. Сиёсий жиҳатдан дунёқараши тор туркистонлик раҳбарлар марксча ақидаларни анча қўполлик билан, тўғридан-тўғри амалга оширишга интилдилар, бу ҳол шундай бир пайтда рўй бердики, республика бу вақтда қамал туфайли марказий Россиядан ҳақиқатда ажралган ҳолда кун кечираётган эди. Бундай шароитда маҳаллий коммунистлар пролетариат диктатурасини ўлканинг европалик ишчиларидан иборат ғоят кам сонли ишчилар синфининг диктатураси деб тушунар эдилар.

Қамал ёриб ўтилгандан кейин, 1919 йил Октябрь ойидан бошлаб туркистонлик большевикларнинг саъй-ҳаракатлари марказий ҳокимият билан чекланиб қолган эди. Марказдаги раҳбарият туркистонлик ўз маслакдошларининг ортиқча дангалчилигини бирмунча юмшатишга уринди. Натижада маданий қурилишдаги айрим ножўя хатти-ҳаракатларга барҳам берилди. Лекин амалга оширилган ўзгаришлар асосан маънавият соҳасини социалистик асосда янгилашга тааллуқли бўлди. "Маданий инқилоб" стратегияси ва мафкураси ўзгармай қолаверди. Улар аввалгидек маънавий ҳаётга ҳаддан ташқари сиёсий тус беришга, маданиятни мустабид тузумни кўтариб мақташ омилига айлантириш ва шўро коммунистик империясининг мафкуравий занжирларини мустаҳкамлашга қаратилган эди.

2.2. Мустабид давлат маънавият ташкилотларининг вужудга келиши

Шўро мустабид давлатининг бошланғич андозаси "ҳарбий коммунизм" октябрдан кейинги дастлабки йиллар давомида алоҳида қаттиққўлликни усул қилдики, мамлакат ва республикадаги большевикча "маданий сиёсат" ҳам ана шу қаттиққўллик билан амалга оширилди. Бу сиёсат Туркистон халқларининг миллий-диний хусусиятларини, турмуш тарзини ҳисобга олмасдан "қизил гвардияча ҳужум" усулида ўтказилди, у ўзига хос миллий тафаккур тарзини барбод қилишга қаратилган эди.

Даставвал, марказий ҳукуматнинг мусулмон халқларининг дини, урф-одатлари, миллий ва маданий муассасалари эркин ва дахлсиз деб эълон қилинишига қарамай, "маданий фронт"нинг худди шу соҳасига кучли ҳужум бошланди. Моҳият эътибори билан шўро ҳокимиятига салбий муносабатда бўлган руҳонийлар таъсиридан маҳаллий аҳолини халос қилишга интилган большевиклар даҳрийлик тадбир-чораларидан иборат марксча тамойилга амал қилиб, ғоят қисқа муддат ичида "ёппасига худосизлик"ка эришишга умид қилдилар. Ўша йиллардаги партиявий ҳужжатларда "попларнинг калласи бизлар учун партиянинг коммунистик поналарини қадайдиган бир тўнкадир"[1], деб ёзилгани бежиз эмас.

Динга қарши тазйиқ хилма-хил шаклларда олиб борилди. Туркистон меҳнаткашлари бу тазйиқни жуда оғриниб қабул қилди. Чунки тарихий тараққиётнинг ўзига хос хусусиятлари туфайли Марказий Осиёда ҳали онг дин таъсиридан халос бўлмаган эди. Маҳаллий аҳоли инсоний ва ижтимоий муносабатларни диний тамойиллардан холи тарзда тасаввур қила олмасди. Ислом дини фикрлаш, хулқ-атвор тарзига, кундалик ҳаёт ва меҳнат маросимига сингиб кетган эди. Дин минтақа халқларини бирлаштирувчи ва мустаҳкамловчи куч ҳисобланарди.

Тўғри, шўро ҳокимиятининг дастлабки ойларида марказий ҳукумат ўзининг стратегик мақсадига – Россиянинг мусулмон халқларини, шу

---

[1] Голованов А.А. Кўрсатиб ўтилган асар, Б. 49.

жумладан Туркистон халқларини жадал шўролаштиришга эришиш йўлида муайян устомонликни ишлатди. 1917 йилнинг декабрида мамлакатнинг шўро раҳбарияти мусулмонларнинг "Муқаддас Усмоний Қуръони" нусхасини қайтариб бериш ҳақида қарор чиқарди. Мазкур Қуръон нусхаси ўз вақтида подшо ҳукумати томонидан мусодара қилиниб, Россиянинг Давлат кутубхонасида сақланаётган эди. Қуръоннинг бу нусхаси 1917 йил декабрида Петроградда бўлиб ўтган мусулмонлар қурултойида тантанали равишда топширилди[1]. 1918 йилининг январида Миллатлар халқ комиссарлигининг қарори билан Ўрта Осиё, Қозоғистон, Кавказ ва Қримнинг мусулмон халқларига айрим диний-тарихий ва миллий ёдгорликлар қайтариб берилди, улар бир вақтлар подшо ҳукумати томонидан мусодора қилинганди. Бундай саъй-ҳаракатлар марказий ҳокимиятнинг мусулмонлар кўз ўнгидаги обрўсини оширарди. Шу билан бирга, болышевиклар ўзларининг мусулмонлар яшайдиган жойларда олиб бораётган тарғибот ишларида "коммунизм" билан "шариат" бир-бирига зид эмас, улар бир-бирини тўлдиради, деб таъкидлар эдилар. Шу туфайли мусулмон руҳонийларнинг бир қисми "Шўро ҳокимияти учун, шариат учун!" деган шиорни илгари сурдилар.

Мусулмон халқларининг сиёсий ва диний ишларига амалий раҳбарлик қилиш учун Миллатлар халқ комиссарлиги ҳузурида махсус "Мусулмонлар комиссарлиги" ташкил этилди[2]. У шўро "шариатчилари" орқали шўроча диний тарғибот олиб борди, уларнинг Россиянинг мусулмонлар яшайдиган районларида шўро ҳокимиятини ўрнатишга қаратилган фаолиятига саҳийлик билан пул ажратди, бу иш атайлаб болышевикча демократик ўтиш даврида "шариат тамойиллари" асосида ташкил қилинди. Диний эътиқодга амал қиладиган мусулмонларнинг партияга киришига рухсат этилди.

---

[1] СУ,1917, N6.-С.90.
[2] Қаранг: Вопросы истории.1949. N 8. -С.14.

Бироқ мусулмон зиёлилари ва руҳонийларининг таниқли намояндалари шу нарсани аниқ билар эдиларки, большевиклар мусулмонлар масаласида икки томонлама найрангбозлик қилиб, демагогик тарғибот воситалари ва ҳатто тўғридан-тўғри алдаш йўли билан мусулмон халқларини шўроча тараққиёт оқимига тортишга эришмоқчи эканликларини аниқ ҳис қилар эдилар. Мусулмон демократик ташкилотлари шу муносабат билан бальшевикларга қарши амалий ишларни авж олдириб юборган пайтларида шўро ҳукумати қатағонлар йўлига ўтди. У Петроградаги "Марказий мусулмонлар кенгаши"нинг жойлардаги "Миллий шўро" ("Бутунроссия мусулмон ҳарбий кенгаши") бўлимларини ёпиб қўйди.

Туркистонда айниқса "Туркистон мухторияти" қонга беланганидан кейин руҳонийлар ва миллий демократик зиёлиларга қарши қаттиқ террор бошланди. Мухолифатдаги газеталар, миллий сиёсий ташкилотлар шошилинч ёпила бошланди, диний ташкилотларнинг мол-мулки, вақф ерлари мусодара қилиниб, диний арбоблар ва диний муассасаларнинг хизматчилари айбсиз қамоққа олинди.

Марксча мафкурани сингдириш мақсадида кенг халқ оммасининг маънавий оламини тубдан ўзгартиришга, уларни социалистик асосларда "қайта тарбиялаш"га зўр эътибор берилди. Ленин аниқ-равшан қилиб, маданий-маърифий ва сиёсий-тарбиявий ишда "коммунистик партия сиёсатининг устун туриши эътироф қилиниши лозим"[1], деб таъкидлаган эди. Бу хилдаги ёндашув шунга олиб келдики, "маданий қурилиш" энг бошиданоқ зиддиятли хусусият касб этди. Бир қатор йўналишлар бўйича ижобий ўзгаришлар содир бўлди, лекин умуман олганда, большевикларнинг "маданий дастури" халқ оммаси орасида мустабидлашган шахснинг қарор топишига қаратилган бўлиб, чинакам халқ маданиятининг камбағаллашувига, асрий анъаналар ва урф-одатларнинг бузилишига олиб келади.

---

[1] Ленин В.И. Тўла асарлар тўплами, 41-том, Б. 402.

Шуни ҳам айтиб ўтиш муҳимки, шўро раҳбарияти ўзига хос шарқ маданияти билан ғарб маданиятининг энг яхши намуналарини изчиллик билан қўшилишидан иборат объектив зарур жараён ўрнига уларни сунъий равишда қарама-қарши қўйишга интилди. У шарқ халқларининг маънавият соҳасида эришган муваффақиятларига беписандлик билан қаради, асосан оврўпалик аҳолининг манфаатларини ҳимоя қилди. Маданий тараққиётнинг устивор мезони сифатида "Оврўпа маданияти"ни русча шаклда эгаллаш вазифаси тарғиб қилинди. Шу билан бирга, бу маданият ўз навбатида ҳаддан ташқари соддалаштириб, мафкуравий жиҳатдан бемаънилаштириб, соҳта "пролетарлаштириб" тақдим этилди. Большевиклар Россиянинг миллий чекка ўлкалари инқилобдан олдинги маънавий меросининг бой қатламларини эмас, балки рус халқининг рус маънавий меросини ўрганишни ҳам чеклаб, фақат уларнинг шўро коммунистик империясини барпо этиш мақсадларига бўйсунадиган қисминигина қолдирди. Янги ҳокимиятнинг маданий сиёсати халқ оммасига ёппасига мафкуравий таъсир ўтказишдан ташқари, кенг қамровли руслаштириш вазифасини ҳам бажардики, у умумлаштирилган шўро давлатининг барча халқларининг маънавий ва мафкуравий бирлигини мустаҳкамлашга қаратилган эди.

Оврўпоча марказчилик (европацентризм) ва чуқур руслаштириш йўлининг кўринишларидан бири ўлкадаги маҳаллий аҳолининг маълумот даражасига нотўғри баҳо беришдан иборат бўлди ва аҳоли ёппасига саводсиздир, деган фикр тарғиб этилди. Шўро тарихига доир адабиётларда инқилобдан олдинги Туркистонда ўқиш ва ёзишни биладиган кишилар сони 2 фоиздан ошмасди деб таъкидланди. Бироқ, Ф.Б.Исҳоқов билан П.Г.Ким ҳаққоний равишда қайд қилиб ўтганларидек, бундай талқин қилиш мафкура соҳасидаги афсонадан иборат эди[1]. Тарихий манбалардан аниқ кўриниб туришича, маҳаллий аҳоли мактаб ишига катта эътибор

[1] Исхаков Ф.Б. Прошлее глазами историка. -Т., 1990. -С.156-157; Ким П.Г. Неграмотность в Туркистане? Миф и факты языками документов.// Правда Востока. 1991. - 5 июнь.

ан қараган. Деярли ҳар бир маҳаллада масжид, ёхуд мактаблар бўлиб, рда ўқувчилар мусулмон таълимоти асосларини эгаллашдан ташқари, абча ёзиш ва ўқишни ўрганишган. Фақат Қўқон шаҳарининг ўзида XIX рнинг иккинчи ярмида 10 минг хонадонга 120 та мактаб ва 40 та адраса бўлган[1]. Фарғона вилоятида 1904 йилда 2029 та мактаб мавжуд ди[2]. Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон уездида мусулмон мактаблари сони 451 тага етган[3]. Ўқув юртларининг бундай миқдори октябрдан олдинги даврдаги рус олимларининг "сартлар орасидаги саводсизлар рус аҳоли ўртасидаги саводсизларга нисбатан камроқдир "[4]. деб эътироф қилишларига имкон берган. Лекин ҳокимият тепасига большевиклар келиши билан бундай баҳо бериш барҳам топтирилган. Янги ҳокимият мактаблар ва мадрасаларни халқни саводли қилишга қодир бўлмаган, қотиб қолган ва карахт диний муассасалар деб ҳисоблади. Бунда шу нарса унутиб қўйилдики, Марказий Осиёнинг кўпгина атоқли олимлари, санъат арбоблари, шоир ва ёзувчилари, жамоат ва сиёсий арбоблари айни мана шундай мактаб ҳамда мадрасаларни тамомлаб чиққан эдилар.

П.Г.Кимнинг фикрича, мактаб ва мадрасаларни ҳисобга олганда, октябрдан олдинги Туркистон маҳаллий аҳолиси ўртасида саводхонлик даражаси (ўқишни биладиганлар сони) тахминан 19-24 фоизни ташкил этган, бу Белоруссия ва Россия аҳолисининг ўртача саводхонлик даражасига мос келган.

Шўро тарихшунослигида "инқилоб"дан олдинги таълим тизимини мазмунан зарарли ва кам сонли ўкувчиларни қамраб олганлиги ҳақида қарор топган нуқтаи назарга қарама-қарши ўлароқ, Туркистонда октябрь тўнтариши вақтига келиб, аҳолининг хилма-хил қатламлари талаб-эҳтиёжларига мос келадиган кўп сонли мактаблар, ўкув юртлари тармоғи мавжуд эди. У ўнлаб бошланғич ўқув юртларини, маҳаллий рус мактаблари

---

[1] Худойкулов А.Б. Просветительская деятельность джадидов Туркестана (конец XIX-начала XX в.): Автореф. дис... канд. ист. наук. -Т., 1995, -С.13.
[2] ЎзР МДА. 47-фонд, 1-рўйхат, 744-йиғма жилд, 94-117-варақлар.
[3] Ўша жойда, 22-фонд, 1-рўйхат, 929-йиғма жилд, 1-варақ.
[4] Ўша жойда, 47-фонд, 1-рўйхат, 955-йиғма жилд, 48-49-варақлар.

ва гимназияларни ўз ичига олган бўлиб, уларда оврўпалик ва маҳаллий миллат фарзандлари таълим оларди. Диний йўналишдаги кўп сонли эски усул мактаблари, шунингдек жадидлар томонидан ташкил этилган янги усул мактаблари ташкил этилган бўлиб, уларда ислом дини асослари билан бирга, математика, тарих, бошқа умумтаълим фанлари ўқитиларди. Умуман, 1913 йилги маълумотларга қараганда, Туркистонда 7290 та мактаб бўлиб, уларда 1070864 ўқувчи таълим оларди[1]. 40 та янги усул мактаби, шу жумладан 3 та хотин-қизлар мактаби, 126 та маҳаллий рус мактаби, 330 та рус бошланғич мактаби (ўқувчилари сони 26353 киши[2] эди) бор эди, 9 минг талабани қамраб олган 311 та мадраса иш олиб борарди[3].

Албатта, мафкурадан ҳоли тарзда олганда, қараб чиқилаётган йилларда саводхонлик даражасини ошириш вазифаси анча долзарб вазифалардан бири эди. Чунки ҳатто мактабларда бошланғич таълим олган маҳаллий аҳолининг қуйи меҳнаткаш қатламлари вакилларини ҳисобга олганда ҳам, айниқса қишлоқларда саводсизлик даражаси анча юқори эди. Шундай бўлган тақдирда ҳам саводсизлик даражаси, албатта, 75-80 фоиз атрофида тебраниб турарди. Жадидлар маърифатчилик ишларини авж олдирар эканлар, кенг халқ оммасини бошланғич маълумотли қилишга муҳим аҳамият берганлиги бежиз эмас эди. Шўро ҳукуматининг саводсизликни тугатиш соҳасидаги иши, биринчидан, кўпроқ рус ёзуви асосларини ўргатишни назарда тутса, иккинчидан, мафкуравий йўналишда эди. Сиёсий раҳбарият саводсизликни тугатиш йўлини бошлар экан, ўтмиш сарқитларига берилган саводсиз кишилар коммунистик юришда онгли равишда иштирок эта олмайдилар, деган фикрга асосланди. "Саводсиз киши сиёсатдан четда туради", – деб таълим берган эди

---

[1] Сербов П.И., Никифоров А.Д. Народное просвещение в Узбекистане.-Самарканд-Ташкент, 1927, -С.7.

[2] Ўша жойда. Б. 17.

[3] Алимов И.А. Левацкие перегибы в решении религиозного вопроса в ТАССР.// Общественные науки в Узбекистане. 1991. N 1.- С-40.

.И.Ленин. Бу киши янги жамиятнинг фаол қурувчиси бўлиши учун дастлаб унга алифбони ўргатиш керак"[1].

1919 йил декабрда РСФСР Халқ Комиссарлари Совети "РСФСР аҳолиси ўртасида саводсизликни тугатиш тўғрисида"ги декретни қабул қилди, бу декрет "ўқиш ёки ёзишни билмайдиган 8 ёшдан 50 ёшгача бўлган бутун аҳоли савод ўргансин"[2] деб вазифа қўйди.

1918 йилдаёқ Туркистон АССРнинг катта ёшдаги аҳолиси учун дастлабки ўқув юртлари ташкил этилган эди. Ана шу вақтда Тошкентда саводсизликни тугатиш бўйича уч ойлик курслар очилди. РСФСР ХКСнинг саводсизликни тугатиш соҳасидаги декрети эълон қилингандан кейин бу соҳадаги ишлар кенг тус олиб кетди. 1920 йил сентябрда Туркистон АССР Халқ Комиссарлари Совети "Аҳоли ўртасида саводсизликни тугатиш тўғрисида"[3] ўз декретини чиқарди. Мазкур декретга биноан 8 ёшдан 40 ёшгача бўлган барча фуқаролар дастлабки таълимга жалб қилиниши лозим эди. Маориф Халқ Комиссарлиги ҳузурида саводсизликни тугатиш бўйича Марказий фавқулодда комиссия таъсис этилди ва Советларнинг халқ таълими бўлимлари қошида тегишли маҳаллий комиссиялар ташкил қилинди. Фавқулодда комиссиялар зўр ғайрат билан ишга киришди. Қисқа муддат ичида катта ёшдаги аҳоли учун маҳаллий тилларда қарийб 300 минг нусхада алифбе, асосан маҳаллий аҳоли учун 40 минг нусхада кесма алифбе ва бошқа бир қанча қўлланмалар нашр этилди[4]. Саводсизликни тугатиш пунктлари тармоғи тобора кенгайиб борди. 1920 йилда Туркистон республикасида саводсизликни тугатиш бўйича 1700 та мактаб бўлиб, уларда 50 минг тингловчи шуғулланарди. Шу вақтга келиб уларни 70 мингдан ортиқ киши битириб чиқди[5]. Савод ўрганиш мактаблари учун курсларда 2 минг нафар ўқитувчи

---

[1] Ленин В.И. Тўла асарлар тўплами, 44-том, 174-б.
[2] Директивы ЦК ВКП(б) и постановления Советского правительства о народном образовании. Вып. 2. М., -Л., 1947. -С.118.
[3] ЎзР МДА. 17-фонд, 1-рўйхат, 1061-йиғма жилд. 14-варақ.
[4] ЎзР МДА, 17-фонд, 1-рўйхат, 1061-йиғма жилд, 17-варақ.
[5] ЎзР МДА, 25-фонд, 1-рўйхат, 1418-йиғма жилд, 182-203-варақлар.

ийёрланди. Саводсизликни тугатиш мактаблари ва курсларни битириб ққанларнинг 70 фоизи маҳаллий миллат вакиллари эди[1].

Биринчи навбатда коммунистлар ва партиясиз фаолларнинг саводсизгини тугатиш лозим эди. Улар савод асосларини эгаллаб, коммунистик ртия сиёсатини омма орасида янада фаолроқ тарғиб қиладилар, деб умид ғланган эди. Улар учун умумий мактаблар ва саводсизликни тугатиш урслари билан бир қаторда ихтисослашган ўқув бўлинмалари ҳам очилди, лар партия аъзолари ва аъзоликка номзодларга қисқа муддат ичида савод ,иқариш ва сиёсий савияларини анча ошириш имконини берарди. Чунончи, бу хилдаги савод ўргатиш мактаблари Тошкент уездида, Самарқанд ва Андижон шаҳарларида очилди[2].

Саводсизликни тугатиш учун кураш жамиятни маданий жиҳатдан ўзгартириш ленинча ғояларини амалга оширишда фақат бошланғич қадамлар эди, холос. Социализм қурилиши халқ таълимининг сифат жиҳатидан янги тизимини вужудга келтириш ҳамда бутун мактаб ишини тубдан ўзгартиришни талаб қиларди.

Большевиклар ҳокимиятни бошқариш воситаларини ўз қўлларига олгач, аввалги эркин таълим тизимига барҳам берилиб, янги бир хиллашган таълим усулини жорий қилишга киришилди. Халқ таълимини бошқаришнинг аввалги идоралари қисқа муддат ичида тугатилди, диний мактаблар қаттиқ таъқиб остига олинди.

Туркистондаги мактаб қурилиши марказий ҳукуматнинг ва Кремлдаги сиёсий раҳбариятнинг расмий кўрсатмаларига мувофиқ амалга оширилди. Дастлаб бу ишга РСФСР БМИҚ ҳузуридаги Давлат маориф комиссияси бевосита раҳбарлик қилди. Мазкур комиссия В.И.Ленин имзолаган декретга мувофиқ 1917 йил ноябрда ташкил этилган эди. Маориф Халқ комиссарлиги таъсис этилгандан сўнг барча ўқув юртлари унинг ихтиёрига берилди.

---

[1] Набиев Ф.Х. Социалистическое строительство в Узбекистане в годы гражданской войны (1918-1920 гг.) -Т., 1983, - С.8.

[2] Тошкент вилояти ҳокимияти архиви, 264-фонд, 1-рўйхат, 55-йиғма жилд, 20-21-варақлар.

Мактабларга қабул қилишда табақавий тафовутларга барҳам берилиши эълон қилинди, ҳар иккала жинс ўқувчилари бирга таълим олиши, мактаб ишларини "коммунистлаштириш" вазифалари ва асосий йўналишлари белгилаб берилди.

Марказдан кейин ТАССР Маориф халқ комиссарлиги ва унинг маҳаллий шўролар ҳузуридаги бўлимлари ҳам ўлкадаги мактаб ишларини авж олдириш юзасидан инқилобий қайта қуриш соҳасида зўр ғайрат сарфлашга киришди. Эски усулдаги мактаблар ўрнига халқ таълими янги тизимнинг асоси сифатида ягона шўро меҳнат мактаби эътироф қилинди. У икки босқичга бўлинди, биринчи босқичи - 8 ёшдан 13 ёшгача бўлган болалар учун (беш йиллик курс), иккинчи босқичи 13 ёшдан 17 ёшгача бўлган ўсмирлар учун (тўрт йиллик курс) мўлжалланган эди[1]. Унинг пировард мафкуравий мақсади РКП(б) VIII съезди қабул қилган партия Программасида (1919 йил март) ифодалаб берилди. Янги шўро мактаби "жамиятни коммунистик қайта қуриш қуроли" деб эълон қилинди. Бу мактаб таълимнинг ижтимоий унумли меҳнат билан чамбарчас алоқасини таъминлаши, "коммунистик жамиятнинг ҳар томонлама ривожланган аъзоларини"[2] тайёрлаши лозим эди. Бошқача айтганда, совет таълим тизими дастлабки бошланиш пайтиданоқ таълим-тарбия жараёнига ҳаддан ташқари сиёсий тус беришга қаратилган эди.

Шўро тарихчилари таъкидлаб ўтганларидек, Туркистон республикасидаги шўро ҳокимияти органлари мутаассиб унсурларнинг, реакцион мусулмон руҳонийлари, эски усул мактаблари муаллимларининг кескин қаршилик кўрсатишларини синдиришга тўғри келган, улар дўқ-пўписа билан қўрқитишган, шўро мактабига, ўқувчилар ва уларнинг ота-оналарига туҳмат қилган, муаллимларни ўлдирган, мактаб биноларига ўт қўйган эмишлар ва ҳоказо. Тарихий манбалар эса, бунинг акси бўлганлигидан далолат беради. Биринчи навбатда янги ҳокимият тузилмалари террор ва

---

[1] Известия ВЦИК. 1918. 16 Октябрь
[2] КПСС в резолюциях... Т.2. -М., 1970. -С.48-49.

ўравонлик усулларини ишга солганлар. Большевик ҳукмдорлар давлатнинг иқтисодий ва ҳарбий қудратидан, жазолаш органларидан фойдаланиб, халқ маълими соҳасида мислсиз бебошликлар қилганлар. Ўлкада шўро меҳнат мактаби зўр бериб қулоч ёйдирилди. Шу мақсадда эски ўқув юрти ва мактабларнинг бинолари тортиб олиниб, уларнинг мол-мулклари мусодара қилинди. Давлатнинг фаол ҳомийлик қилиш сиёсати натижасида янги мактаб тармоқлари тез ортиб борди. 1920 йилнинг охирига келиб Туркистон республикасида 1965 та биринчи босқич мактабида 165045 ўқувчи таълим олар, уларнинг 55,6 фоизи маҳаллий миллат болалари эди. 58 та иккинчи босқич мактабида 0,5 минг ўқувчи таълим оларди[1]. Кўчманчи маҳаллий аҳоли фарзандларини шўро коммунистик таълим ва тарбия тизимига жалб қилиш мақсадида махсус интернатлар ташкил этилди. 1920 йилнинг бошларида 150 га яқин интернатда 15,6 минг бола таълим олди[2].

Хотин-қизлар таълимини ташкил этишга алоҳида ғамхўрлик қилинди. Маҳаллий аҳолининг ўғил ва қиз болаларни бирга ўқитишга рағбати йўқлигини ҳисобга олиб, дастлабки пайтларда маҳаллий миллат қизлари учун алоҳида мактаблар ташкил этилди. Дастлабки хотин-қизлар мактаблари Тошкент, Андижон, Қўқон ва бошқа бир қатор шаҳарларда очилди.

Шўро мактаб таълим тизимини йўлга қўйиш билан бир қаторда, барча турдаги бошқа мактаблар, шу жумладан диний мактабларни тугатиш жадал олиб борилди. Ишчи ва солдат депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши ижроқўми 1918 йил январ охиридаёқ Туркистон ўлкаси ўқув юртлари бош йўриқчисига мактуб йўллаб, унда барча ўқув юртларида дин ва илоҳиёт фанларини ўқитишни дарҳол таъқиқлаш ҳақида фармойиш юборди. Мазкур кўрсатма фақат маҳаллий аҳолинигина эмас, балки "оврўпалик" аҳолининг ҳам кескин норозилигига сабаб бўлди. Масалан, Сирдарё вилояти билим юртлари директорининг 1918 йил февралда

[1] ЎзР МДА, 34-фонд, 1-рўйхат, 994-йиғма жилд, 1-3-варақлар.
[2] Ўзбекистон ССР тарихи, 3-том, 239-б.

Туркистон ўлкаси билим юртлари бош йўриқчисига йўллаган хатида қайд этилишича, Аллоҳ қонунларининг қуйи билим юртларида ўқитилиши асосан тарбиявий аҳамиятга эга бўлиб, унинг асосий вазифаси болаларни ҳақиқат ва яхшилик ғоялари руҳида тарбиялаш, уларда қонунни ҳурмат қилиш ва яқин кишисига нисбатан меҳр-муҳаббат туйғуларини уйғотишдан иборатдир. Хатда асосли тарзда кўрсатиб ўтилишича, "Туркистон ўлкасининг мусулмон ва православ аҳолисига диний таълимот асосларини ўқитишни тўхтатилиши маҳаллий аҳоли орасида исёнлар келтириб чиқариши мумкин. Уларнинг оқибатларини тасаввур этиш қийин, бу хилдаги ҳаракат хайрихоҳлик билан кутиб олинмайди, кишилар кўз ўнгида мактаб ва унинг раҳбарлари обрўсига путур етказади"[1].

Бунга ўхшаш мазмундаги хатлар республиканинг барча туманларидан келиб турарди. Бироқ большевиклар раҳбарияти аҳолининг маънавий эҳтиёжларини назар-писанд қилмасди.

Моддий-молиявий таъминот манбаларидан маҳрум бўлиб қолган "инқилобдан олдинги мактаблар" ғоят оғир аҳволга тушиб қолдилар. Улардан бир қанчаларининг раҳбарлари янги ҳокимият тузилмаларига ёрдам сўраб мурожаат қилдилар. Бунга жавобан ТАССР Маориф халқ комиссарлиги халқ таълими маҳаллий бўлимларига қуйидаги мазмунда кўрсатма йўллади: "Туркистон республикасида ҳали ҳам сақланиб қолган ёт диний мактаблар, эски усул, янги усул мактаблари инқилобдан олдинги даврда ҳукумат ва маҳаллий манбалардан берилган пул ёрдамидан... фойдаланиб турардилар. Ҳозирги вақтда мактабларга пул ёрдами беришга йўл қўйиб бўлмайди". Шўро типида бўлмаган мактабларни моддий жиҳатдан таъминлашни республика ҳукумати уларни шўро асосларида ислоҳ қилиш талаблари билан боғлаб олиб борди[2].

Айни вақтда иқтисодий сиқувни мустаҳкамлаш билан бирга, янги ҳокимият диний мактабларни, айниқса ҳали мавқеи кучли бўлган қишлоқ

---

[1] ЎзР МДА, 34-фонд, 1-рўйхат, 122-йиғма жилд, 7-варақ.
[2] ЎзР МДА, 17-фонд, 1-рўйхат, 1062-йиғма жилд, 19-варақ.

қойларидаги диний мактабларни сиқиб чиқариш юзасидан чоралар кўрди. Шунончи Тошкент уезд халқ таълими бўлими мудирининг деҳқон депутатлари кенгаши ижроқўмига 1918 йил 13 ноябрдаги маълумотномасида қуйидагилар кўрсатиб ўтилган эди: "...Қишлоқларда ислоҳотдан олдинги мактаблар, масжидлар ҳузуридаги мадрасалар, эски ва янги усул мактаблари мавжуд бўлиб, улар ҳозирги пайт талабларига ҳам, янги ислоҳ қилинган мактаб талабларига ҳам жавоб бермайди, шунинг учун ҳам барча маҳаллий аҳоли пунктларида янги мактаблар очиш зарур"[1].

Ислоҳотдан олдинги мактабларни сиқиб чиқариш мақсадида "мусулмон мактаблари" деган мактаблар очила бошланди, уларда дарслар маҳаллий аҳолининг тилида олиб бориларди, лекин ўқув-тарбиявий жараённинг мазмуни шўро меҳнат мактаби дастурига бўйсундирилди. Уларнинг сони тобора ортиб борди. Масалан, агар 1918 йилда Туркистонда 212 та янги мусулмон мактаблари мавжуд бўлса, 1918 йилда улар 329 та, 1919 йилда 734 та, 1920 йилда эса 1005 тагача етди[2]. Аксинча мадраса ва эски мактаблар сони, улардаги ўқувчилар миқдори кескин қисқариб кетди.

Тошкент эски шаҳар халқ таълим бўлими мудири Тиллахоновнинг Туркистон республикаси халқ таълими бўлимлари мудирларининг 1920 йил 28 майдаги I қурултойида сўзлаган нутқи октябрдан кейинги йилларда мактаб қурилиши жабҳасидаги вужудга келган вазиятдан яққол далолат беради. У ўз маърузасида бундай деган эди: "Эски усул мактаблари 20 га яқин эди. Улардаги ўқувчилар сони ҳар биридан 5, 7, 10, 15 кишидан ошмасди. Секин-аста улар ўз умрини яшаб бўлди. Биз бу мактабларга тегмадик, уларни ёпиб ҳам қўймадик ва ёрдам ҳам бермадик. Барча мактабларда 75 ўқувчи бор, ундан кўп эмас"[3]. Қиёслаш мақсадида айтиб

---

[1] ЎзР МДА, 34-фонд, 1-рўйхат, 92-йиғма жилд, 26-варақ.
[2] Ўша жойда. 36-фонд, 1-рўйхат, 145-йиғма жилд, 18-варақ.
[3] ЎзР МДА, 34фонд, 1-рўйхат, 461-йиғма жилд, 17-варақ.

тамизки, 1904 йилда Тошкентда 94 та эски усулдаги мактаб ва 13 та мадраса бор бўлиб, уларда бир неча минг ўқувчи таълим олган эди[1].

Шўро тарихчилари большевиклар раҳбариятининг диний мактабларни тугатишга қаратилган сиёсатини оқлаб, "инқилобий ғайрат-шижоатга ўлган туб аҳоли янги шўро мактабига оқиб кела бошлади", деб воқеликни охталаштирдилар. Уларнинг фикрича, гўё эски ўқув юртлари халқнинг малий ҳаёти ва эҳтиёжларидан ажралиб қолганлиги билан туркистонликлар кўз ўнгида ўз обрўсини тушириб юборган эмиш. Бу фикрни тасдиқлаш учун 1915-1920 йиллар оралиғидаги маҳаллий ўқувчиларининг сони 6100 нафардан 38656 нафарга етиб 5 баравардан[2] кўпроқ ортганлигини кўрсатувчи рақамлар келтирилган эди. Лекин, биринчидан, бошланғич рақам шубҳа уйғотади. Чунки юқорида айтиб ўтилганидек, фақат биргина Фарғона вилоятининг ўзида "инқилобдан олдинги йилларда 2 мингдан ортиқ мактаб бор эди. Ҳатто уларнинг ҳар биридан 10 тадан бола ўқиганда ҳам умумий кўрсаткич келтириб ўтилган рақамлардан анча ортиб кетади. Иккинчидан, диний мактаблар ва бошқа хилдаги "ислоҳ қилинган" мактаблар сунъий равишда тарқатиб юборилган бир шароитда, маҳаллий аҳоли ўз фарзандларини шўро мактабларига беришга мажбур бўларди. Туб ерли туркистонликлар халқ таълимининг шўролаштирилишига фаол қаршилик кўрсатган эдилар. Афсуски, мусулмон аҳолининг иродаси, унинг таълим усулини танлаш ҳуқуқи ҳаддан ташқари чеклаб қўйилган эди.

Маъмурларнинг бундай муносабати мусулмон руҳонийлари, шу жумладан Туркистон жамиятининг кўпчилик қисмини ташкил этувчи диндорлар орасида кескин норозилик келтириб чиқарди. Бу ҳол большевикларнинг бемаъни миллий ва иқтисодий сиёсати билан бир қаторда, ўлкада оммавий истиқлолчилик ҳаракатининг авж олишига сабабчи бўлди.

---

[1] ЎзР МДА, 36-фонд, 1-рўйхат, 1924-йиғма жилд, 11-12-варақлар.

[2] Рабич Р.Г. Формирование и развитие социально-классовой структуры Узбекистана. -Т., 1991. - С.17.

Шўро мактабларининг аксар қисми моддий жиҳатдан яхши таъмин лмаган, кўпинча энг зарур нарсалар – дарсликлар, кўргазмали қўлланлар, ёзув ашёлари етишмас эди. Бу жиҳатдан миллий мактабларнинг юли айниқса оғир эди. Агар шаҳарлардаги рус мактаблари бинолар ва рим ўқув қўлланмаларига эга бўлса, туб миллат аҳолининг фарзандлари йдиган таълим масканлари бундай имкониятдан маҳрум эди.

Ҳокимият органлари вужудга келган муаммоларни инқилобий усуллар лан ҳал этишга интиларди. 1918 йил ноябрда шўро ҳукумати ктабларга яроқли биноларни маориф халқ комиссарлиги ихтиёрига риш тўғрисида ва зудлик билан янги бинолар барпо этиш ҳақида махсус рор қабул қилди[1]. Лекин мактаб биноларига бўлган эҳтиёжлар шу қадар гта эдики, шўро мактабларини барпо этишнинг мавжуд шароитида бу гиёжларни яқин йиллар ичида қондириб бўлмасди. Айниқса қишлоқларда аҳвол мураккаб эди, чунки у жойларда мусодара қилиш йўли билан мактаблар учун бинолар топиш қийин эди. Натижада мактабларнинг каттагина қисми ўқув машғулотлари ўтказишга мутлақо мослашмаган биноларда жойлашди, улар энг оддий талабларга ҳам жавоб бермасди.

Таълим жараёнини ташкил этишда ҳам жиддий камчиликлар бор эди. Яхши ўқув дастурлари ишлаб чиқилмаган, ўқитувчилар етишмас, болаларнинг мустақил ўз-ўзини бошқаришига ҳаддан ташқари катта эътибор бериларди. Маҳаллий халқларда қарор топган кичикларни катталарга, болаларни ўз ота-оналарини ҳурмат қилиш анъанасига зид ўлароқ, ота-оналар гўё сиёсий жиҳатдан қолоқ, деган сохта баҳона билан улар амалда мактабни бошқаришда иштирок этишдан бутунлай четлаштирилган эдилар. Ўша йиллардаги директив ҳужжатларда таъкидлаб ўтилганидек, "болаларни койиб турадиган одатларга эга бўлган ота-оналар қариб қолдилар, мактабларга раҳбарлик қилиш мавқеини йўқотдилар. Шу сабабларга кўра, ота-оналар педагоглар кенгашларида мактаб масалаларида,

[1] ЎзР МДА, 34-фонд, 1-рўйхат, 86-йиғма жилд, 66-варақ.

уларни бошқариш ва янги авлод тақдирини белгилашга доир таълимий масалаларда ҳал қилувчи ҳуқуқдан маҳрум бўлмоқдалар"[1].

Болаларнинг ўзлаштириши қатъий ҳисобга олиб борилмас, материални ўзлаштириш ва ўтишда асоссиз равишда бўшангликка йўл қўйилар, қатъий интизомга амал қилинмасди. Асосан ёш авлоднинг "инқилобий онглилигига" эътибор қаратиларди. Бундай шароитда ўзлаштириш айниқса миллий мактабларда ниҳоятда паст бўлиб, шўро мактабининг бу соҳадаги нуқсонлари яққол кўзга ташланиб турарди. Маориф органларининг кўпгина раҳбарлари ўзларини оқлашга уриниб, гўё "туб ерли миллатларнинг фарзандлари миясининг генетик тузилишидаги ўзига хос хусусиятлар туфайли замонавий билимларни эгаллаш қобилиятига эга эмаслар"[2], деган мутлақо шовинистик тушунчани тарғиб қилишарди.

Қишлоқ мактаблари айниқса катта қийинчиликларга дуч келди. Одатда қишлоқлардаги мактаблар кичик-кичик бўлиб, уларда болалар икки-уч йил таълим олишар, ўқув йили ҳам қисқартирилар эди, чунки эрта баҳордаги экин экишдан тортиб ҳосилни йиғиб-териб олишгача бўлган даврда болалар дала ишлари билан банд бўлишарди. Қишлоқ мактаблари ўқитувчиларининг аксарият қисми чаласавод бўлиб, фақат бошланғич таълим курсларини тамомлаб чиққан кишилардан иборат эди.

Жамиятни чуқур формацион қайта қуриш шароитида партия шўро раҳбарияти большевистик тузумга садоқатли бўлган бошқарувчи кадрларни, иқтисодий ва ижтимоий-маданий қурилишнинг ташкилотчиларини, янги "шўро зиёлилари"ни шакллантиришга катта аҳамият берди. Бу кадрлар коммунистик тузумнинг мустаҳкам таянчи бўлиши лозим эди. Мазкур муаммони ҳал қилишнинг сиёсий аҳамияти яна шу билан ҳам ортиб борадики, аввалги бошқарув кадрлари, мутахассислар, ижодкор зиёлилар ва санъат ходимларининг асосий қисми шўро ҳокимиятига нохайрихоҳлик билан муносабатда бўлишарди, унинг ғайри демократик

---

[1] ЎзР МДА, 34-фонд, 1-рўйхат, 86-йиғма жилд, 87-варақ.
[2] Ўша жойда, 98-102-варақлар.

хусусиятини кескин танқид қилишарди. Шўро раҳбарияти синфий тафаккур мантиғидан келиб чиқиб, ўз меҳнат зиёлилари отрядини қисқа муддатларда вужудга келтиришга, "буржуа" мутахассисларини эса тарихий фанога жўнатишга интилди. Бу вазифани ҳал қилиш йўли ўрта махсус ва олий таълимнинг янги тизимини ташкил этиш, ўрта ва олий бўғин бошқарувчи кадрларини тайёрлаш ва "социалистик" қайта тайёрлашнинг хилма-хил усулларидан фойдаланишдан иборат, деб тушунилди.

Октябрдан кейинги қурилишнинг дастлабки йилларида қисқа муддатли педагогик курслар кўпроқ оммалашди. Уларнинг тингловчилари, гарчи чекланган билим заҳираларига эга бўлсалар ҳам, "ғоявий жиҳатдан мустаҳкам" шўро ўқитувчилари таркибидаги етишмовчиликни маълум даражада тўлдиришлари мумкин эди. Хусусан, бундай қисқа муддатли курслар Тошкент, Андижон, Самарқанд ва Қўқон шаҳарларида очилди. 1918-1920 йилларда бу курслар ёрдамида маҳаллий миллат кишиларидан 3660 дан кўпроқ ўқитувчи тайёрланди[1].

Бироқ қисқа муддатли курслар сиёсий раҳбариятнинг ижтимоий буюртмасини тезроқ бажаришга ёрдам берган бўлса ҳам, партия сиёсатини оммага собитқадамлик билан етказа оладиган ва зарур малакаларга эга бўлган ходимлар тайёрлашни таъминлай олмади. Шу сабабли вақт ўтиши билан ихтисослаштирилган педагогика ўқув юртлари уч йиллик педагогика техникумлари ва тўрт йиллик маориф институтлари ташкил этила бошланди. Таълим муддати кўпроқ бўлган дастлабки тўртта ўқув юрти 1920 йил кузида Тошкентда ташкил этилди. Булар - К.А.Тимирязев номли маориф институти (миллий таркиби ҳар хил), ўзбек, қирғиз ва татар маориф институтлари эди. Уларнинг ҳаммаси ўрта маълумотли кадрлар тайёрлар, улар асосан бошланғич мактабларда ишлашарди.

Худди шу вақтда Самарқандда маҳаллий миллат ўқитувчиларини тайёрлайдиган маориф институти ташкил топди. 1921 йилнинг бошларида

[1] ЎзР МДА, 34-фонд, 1-рўйхат, 222-йиғма жилд, 76-варақ.

республикада 7 та маориф институти бўлиб, уларда 1630 киши таълим олди. Улар асосан туб ерли миллат вакиллари эди[1].

Педагогика ўқув юртлари билан бир қаторда шўро типидаги ўрта махсус ва олий ўқув юртлари ҳам ташкил этила бошланди, улар халқ хўжалиги ва маданияти учун кадрлар тайёрлар эди.

Шўро зиёлиларидан иборат кадрлар тайёрлаши лозим бўлган дастлабки ўқув юртларидан бири 1918 йил 21 апрелда Тошкентда ташкил топган Туркистон халқ университети бўлди. 1918 йилнинг май ойида эса Тошкентнинг эски шаҳар қисмида ўзбек тилида иш олиб борадиган мусулмон халқ университети очилди[2].

Шуни ҳам айтиш керакки, Тошкент халқ ва мусулмон университетлари олий ўқув юртлари эмасди. Улар ўзига хос ўқув-маърифий марказлар бўлиб, таълим ва маърифий вазифаларни ўзида бирлаштирган эди. Улар асосан ўрта ўқув юртлари, айрим ихисосликлар бўйича эса ўрта махсус ўқув юртлари мақомида бўлиб, турли ихтисосдаги мутахассисларни: педагоглар, техник-электр монтёрлар, ер-сув қўмиталарнинг йўриқчилари ва шу кабиларни тайёрлаб берарди. Тошкент халқ университети қошида ўлкадаги техникумлардан бири очилди. 1919 йилнинг августида унинг 10 та бўлими бор бўлиб, уларда 616 нафар тингловчи шуғулланарди. 1919 йилнинг кузида техникум халқ хўжалигининг турли тармоқлари учун 100 га яқин мутахассис етказиб берди[3].

Тиббиёт ва санитария ходимлари тайёрлашга ҳам бирмунча эътибор кучайтирилди. 1918 йилда Тошкентда ўрта тиббиёт мактаби ва санитария-бактериология институти очилди, шундан кейинги йилда халқ университети қошида тиббиёт факультети ташкил этилди[4]. Олий ўқув юрти типидаги бу хил факультетларнинг ташкил топиши олий мактаблар пайдо бўлиши йўлидаги бошланғич қадамлар эди.

---

[1] ГАРФ. ф.2306, оп. 33, д. 32, л. 54.
[2] ГАРФ, ф. 2313, оп. 1., 254, л. 51.
[3] ЎзР МДА, 25-фонд, 1-рўйхат, 71-йиғма жилд, 10-варақ.
[4] Торжество ленинских идей культурной революции в Узбекистане. -Т.,1970, -- С. 74.

1918 йилнинг май ойида Москва ва Петроградга Туркистон халқ университетининг вакиллари юборилди, бундан кўзланган мақсад - Тошкентда ишлаш учун илмий-педагог ходимларни жалб қилиб, илмий-услубий масалаларни ҳал қилиш эди. Шўро давлатининг бошлиғи В.И.Ленин Ўрта Осиёни шўролаштиришда Туркистоннинг алоҳида ролини ҳисобга олиб ва уни шарқ халқлари учун шўро ҳокимияти эришган ютуқлар намунасига айлантириш мақсадида, РСФСР Маориф Халқ комиссарлигига Туркистон республикасининг вакилларига ҳар томонлама ёрдам кўрсатишни, Туркистон давлат университетини ташкил этишга доир чоралар кўришни тавсия этди. Ўлкага 86 нафар профессор ва ўқитувчи юборилди, илмий асбоб-ускуналарни, илмий-услубий адабиётларни юбориш бошланди[1]. Буларнинг ҳаммаси Туркистон давлат университетига 1920 йилнинг кузида янги ўқув йилини тўлақонли олий ўқув юрти сифатида бошлаш имконини берди. Унинг талабалари сони ўша вақтда 1314 кишидан иборат эди[2]. Университетнинг биринчи ректори қилиб Туркистонда машҳур бўлган коммунист А.С.Солькин тайинланди[3].

Туркистон ДУ билан бир вақтда турли ихтисосликлар бўйича мутахассислар тайёрлайдиган бошқа олий ўқув юртлари: кимё-фармацевтика институти, консерватория, олтита қишлоқ хўжалик техникуми, иккита саноат-иқтисодиёт билим юрти, тиббий-санитария ходимлари тайёрлайдиган еттита мактаб, тўққизта техника ва ҳунар билим юрти ва шу кабилар ташкил этилди[4].

Янги олий ва ўрта махсус ўқув юртлари қатъий синфий негизда ташкил этилди. Уларга талабалар қабул қилиш одатда ишчилар ва деҳқонларнинг энг камбағал қатламлари орасидан танлаб олинарди. Лекин анча юқори таълим савиясига эга бўлган ҳамда олий ва ўрта махсус ўқув

---

[1] Садыков С. Высшая школа – кузница подготовки кадров.-Т., 1973, - С. 25-26.
[2] Набиев Ф.Х. Кўрсатиб ўтилган асар,- 101-б.
[3] Ташкентский государственный университет им В.И.Ленина.-Т.,1970, - С.27.
[4] ГАРФ, ф. 3969, оп. 1, д. 80, л.10.

ортларида ўқишга қобилиятлироқ бўлган нопролетар ёшларнинг ҳуқуқи оймол қилинди.

Мактаб таълим тизимида бўлгани каби, олий ва ўрта-махсус мактаблари таълим-тарбия жараёнининг ташкил этилишида ҳам жиддий камчиликлар бор эди, у тобора ортиб борувчи сиёсий тусда бўлиб, ақидапарастликдан иборат коммунистик дунёқарашни мустаҳкамлашга қаратилган эди.

Шуниси диққатга сазоворки, малакали мутахассислар етишмаслиги оқибатида бундай мутахассислар баъзан қамоққа олинганлар орасидан ҳам қидириб топиларди. Чунончи, 1920 йил 2 февралда концентрацион лагерга шундай талабнома юборилди: "Бутун Россия МИК ва Халқ Комиссарлари Советининг Туркистон ишлари бўйича комиссиясининг Москва бюроси Туркистонда ишлаш учун уч ойдан бери бухгалтер топиш имконига эга бўлмаганлиги сабабли, концентрацион лагерлар бошқармасидан илтимос қиладики, агар қамоқдагилар орасида тажрибали бухгалтер бор бўлса, Туркомбюрода ишлаш учун юборишингизни сўраймиз"[1].

Большевиклар раҳбарияти оммавий маданий-маърифий ва сиёсий-тарбиявий ишлар олиб боришни йўлга қўйишга катта аҳамият берди. Маданий-маърифий муассасаларнинг алоҳида роль ўйнашидан келиб чиқиб ва ёт мафкуранинг таъсир кўрсатадиган барча йўлларини беркитишга интилиб, шўро ҳукумати биринчидан, диний ва "буржуа-миллатчилик" руҳидаги маданий-маърифий ташкилотларни йўқ қилишга, иккинчи томондан, илгари мавжуд бўлган "маданият ўчоқлари"ни "социалистик асосда умумлаштириш"га қаратилган саъй-ҳаракатлар қилди. Мазкур "маданият ўчоқлари" "буржуа-феодал иллатлардан тозаланган тақдирда" "пролетариат диктатураси"ни мустаҳкамлаш мақсадларига хизмат қилишга қодир бўларди. Чунончи, 1918 йилнинг сентябрида Тошкент кенгаши ижроқўми "Колизей" театрини ўша йилнинг октябрида эса Қўқон шаҳар кенгаши "Аполло" театрини национализация қилди. 1919 йил апрелда

[1] Қаранг: Ленин В.И. Тўла асарлар тўплами, 36-т., Б. 188-б; 42-т., Б. 140.

барча халқ, жамоат, шаҳар кутубхоналари ва энг йирик хусусий кутубхоналар национализация қилинди[1]. Тегишли мафкуравий тафтишдан кейин улар "халқ кутубхоналари" деб эълон қилинди.

Бу кутубхоналарнинг китоб жамғармаси фақат шўро тузумининг мезонларига жавоб берадиган адабиётлар билан бутланди.

Шу билан бир вақтда, ўзига хос шўроча маданий-маърифий муассасалари бўлган клублар, халқ ва ишчилар уйлари, қироатхоналар, қизил чойхоналар ташкил этиш юзасидан кенг миқёсдаги ишлар амалга оширилди. Умуман, тадқиқ қилинаётган давр охирига келиб Туркистонда 177 та кутубхона, 97 та клуб, 76 та қизил чойхона, 177 та қираотхона ва шу кабилар бор эди[2].

Коммунистик раҳбарият оммавий-тарбиявий ишларнинг ташкил этилишини қаттиқ назорат остига олди, маданий-маърифий ходимларни танлаш, уларнинг ғоявий савиясини ошириш, уларни партия ва шўро ҳокимиятига садоқат руҳида тарбиялашни эътибор билан кузатиб борди. Коммунистик мафкуранинг изчиллик билан тарқалишига ёрдам берувчи бу маъсулиятли вазифани таъминлаш учун ТКПнинг III қурултойида (1919 йил июнь) "Партиянинг маданий-маърифий ишлари тўғрисида" махсус қарор қабул қилинди[3]. Унда халқ оммасига ғоявий-сиёсий таъсир кўрсатиш, "буржуа мафкураси"га қарши курашни кучайтиришнинг барча шаклларини кенг қамраб олиш зарурлиги алоҳида кўрсатиб ўтилган эди.

1920 йил декабрда ТАССР ХКСнинг ва Туркфронт инқилобий-ҳарбий кенгашининг қарори билан Маориф халқ комиссарлиги ҳузурида махсус Туркистон сиёсий-маърифий қўмитаси-Туркполитпросвет ташкил этилди, барча фуқаролик ва ҳарбий сиёсий-маърифий ташкилотлар шу қўмита ихтиёрига берилди[4]. Кўп ўтмай барча шаҳарлар ва уездларда маҳаллий сиёсий-маърифий бўлимлар ташкил этилди.

---

[1] ГАРФ, ф. 3969, оп. 1, д. 48, л.170-174.
[2] Ўзбекистон ССР тарихи. 3-том. Б. 242-243.
[3] Коммунистическая партия Туркестана в резолюциях съездов и конференций.-Т., 1988, - С. 49-50.
[4] История гражданской войны в Узбекистане. В 2-х тт. Т.П.-Т.,1970. - С. 209.

Ташкилотчилар ва тарғиботчилар ёрдамида клублар, қироатхоналар, ғзил чойхоналар ва ҳоказоларда ғоявий йўналишдаги маърузалар, ғбатлар, митинглар, концертлар, спектакллар уюштирилди. Масалан, 920 йилнинг апрелида РКСМ Самарқанд вилоят қўмитаси шаҳарда Иттифоқ ҳафталиги" ўтказди, "унинг мақсади РКСМ ғояларини тарғиб қилиш ва сафларига меҳнаткаш ёшларнинг кенг оммасини жалб этишдан иборат эди"[1].

Россия федерациясининг мафкуравий ташкилотлари ўлка аҳолиси ўртасида коммунистик маданий-маърифий ва сиёсий-тарбиявий ишларни йўлга қўйишда маҳаллий раҳбариятга катта ёрдам кўрсатдилар. Хусусан, Туркистонга Бутун Россия МИКнинг "Қизил Шарқ" номли ташвиқот - йўл-йўриқ берувчи поезди махсус равишда жўнатилди. 1920 йилнинг март ойида поезд Москвадан Тошкентга келди. Эшелон босмахона жиҳозлари, телеграф аппаратлари, марксча ижтимоий-сиёсий адабиётларнинг талай-гина тўпламини олиб келди. Аҳолини жалб қилиш учун "Қизил Шарқ" поезди ҳузурида шифохона иш олиб борди, "Қизил Шарқ" газетаси нашр этилди, лекторларнинг катта бир гуруҳи фаолият кўрсатди[2].

Шўро ҳокимияти "буржуа" мафкурасига бутунлай муросасиз бўлган сиёсий кадрлар тайёрлаш учун Туркистонда ихтисослаштирилган сиёсий-маърифий курслар, шўро партия мактаблари ва университетлар ташкил қила бошлади. Чунончи, 1918-1920 йилларда Тошкентда Туркистон ўлка ва марказий турк шўро партия мактаблари иш бошлади, уларда таълим муддати икки-тўрт ой бўлиб, улар 250 дан ортиқ партия шўро ходимларини тайёрлаб чиқарди[3]. 1920 йилда вилоят ва туман шўро партия мактаблари ҳамда партия курслари Самарқанд, Фарғона, Қўқон, Янги Бухоро ва бошқа шаҳарларда очилди. Маҳаллий миллатларнинг орасидан шўро ва партия ходимларини Москвадаги Шарқ меҳнаткашлари комму-нистик университетида ҳам тайёрлашарди. Ўрганилаётган даврда марказ

---

[1] Андижон вилояти давлат архиви, 90-фонд, 1-рўйхат, 132-йиғма жилд. 297-варақ.
[2] Ўзбекистон ССР тарихи. 3-том, Б. 293.
[3] ЎзР МДА, 34-фонд, 1-рўйхат, 376-йиғма жилд, 78-79-варақлар.

университетининг ўзида Туркистон вакилларидан қарийб 200 киши шуғулланган эди.

Маҳаллий коммунистларга партиявий-сиёсий ва давлат ишларида ёрдам кўрсатиш, энг муҳими марказнинг, РКП(б) МҚ ва РСФСР ҳукуматининг улар фаолияти устидан қаттиқ назоратини амалга ошириш мақсадида 1920 йилнинг охири 1921 йилнинг бошларида Туркистон республикасига мамлакатнинг марказий шаҳарларидан 457 партия, шўро ва комсомол ходимлари ишга юборилди[1]. "Байналминал ёрдам"нинг бу шакли шўро давлатининг биринчи раҳбари ташаббуси билан бошланиб, шўро тарихининг кейинги барча босқичларида амал қилиб келди.

Коммунистик мафкурани ва ҳокимиятнинг мустабидчилик тузилмаларини мустаҳкамлаш учун матбуотдан фаоллик билан фойдаланилди. Унинг жуда катта ижтимоий аҳамиятга эга эканлигини тушуниб етган ва оммавий ахборот воситаларини ҳаддан ташқари мустабидлаштиришга интилган Ленин 1917 йилнинг ноябридаёқ Бутун Россия МИК мажлисида матбуот ҳақидаги масала[2] муҳокама қилинаётган пайтда ўзининг ҳукумат каолицияси бўйича иттифоқчилари сўл эсерларга ғазаб билан ҳужум қилиб, уларни фош этади. Лениннинг фикрича, сўл эсерлар "матбуот эркинлиги" шиорини ниқоб қилиб, ўзларида "бошқача фикрловчи" матбуот органларини сақлаб қолмоқчи бўлган эдилар.

Бугунги кунда шу нарса аниқ-равшан маълум бўлдики, бу хилдаги ёндашув ташқи томондан қандай жарангдор дабдабали сўзлар билан ниқобланган бўлмасин, большевикча матбуот мустабид тузум қуролига ва уни мустаҳкамлашга хизмат қилди. Ошкораликнинг йўқлиги, ахборот хилма-хиллигини бўғиш, маънавий фикрлашнинг ўта бир хиллигини таъминлашга, жамиятнинг қотиб қолишига, зулмнинг кучайишига олиб келди. Большевиклар ҳақиқатда худди ана шунга эришишни истар эдилар.

---

[1] РЦХИДНИ, ф.122, оп. 2, д. 459, л.284.
[2] Декреты советской власти. Т.I. -М., 1957. - С.43-44.

Туркистон республикаси Халқ Комиссарлари Совети ленинча кўрсатмаларни бажара бориб, 1918 йилнинг 29 мартида "аксилинқилобий ғоялар"ни тарғиб қилувчи органларни тугатиш масаласини шошилинч равишда қараб чиқди, бошқача айтганда, барча нокоммунистик нашрларни тугатиш масаласини кўрди. Шу муносабат билан "буржуазия ва миллатчилик матбуоти"га қарашли босмахоналар ва тошбосмалар шошилинч равишда национализация қилинди. "Шўро социалистик матбуоти" шиддатли суръатлар билан ташкил этилди. Лекин бунда русча нашрлар билан бир қаторда турли маҳаллий миллат тилларида коммунистик руҳдаги газета ва журналларни чиқаришга алоҳида эътибор берилди. Чунончи, 1918 йилда збек тилида 2 та газета нашр этилаётган эди. Улар орасида Иштирокиюн", "Ишчилар қалқони" каби матбуот органлари бор эди. Дастлабки журналлар "Ишчилар дунёси", "Маориф" ва бошқалар пайдо бўлди.

Большевиклар ҳокимияти оммавий ахборот воситалари билан бир қаторда оммавий-сиёсий, илмий-маърифий ва бадиий адабиётларни нашр этиш устидан ҳам қаттиқ мафкуравий назорат ўрнатди. Ана шу мақсадда 1920 йилнинг мартида ихтисослашган Туркистон давлат нашриёти ташкил этилди[1]. Фақат 1920 йил апрелдан 1921 йил 1 январга қадар Туркнашр қарийб 60 номдаги тегишли йўналишдаги китоблар ва рисолаларни нашр этдики, уларнинг умумий ҳажми 395 минг нусхадан ортиқ эди. Чунончи унинг дастлабки нашрлари орасида "Коммунист-большевиклар партиясининг программаси", Ф.Энгельснинг "Коммунизм принциплари" номли асари, В.И.Лениннинг айрим асарлари, РКСМ Устави ва бошқа нашрлар бор бўлиб, улар "илғор таълимот"ни тарғиб қилишга қаратилган эди[2]. Бунда биринчи навбатда шўро ҳокимиятига ҳадиксираб қарайдиган туб ерли аҳолига амалий мафкуравий таъсир кўрсатишга интилиб, босиб чиқариладиган нашрларнинг ярмидан кўпроғи маҳаллий тилларда чоп

[1] ЎзР МДА, 17-фонд, 1-рўйхат, 704-йиғма жилд, 40-варақ.
[2] Ўзбекистон ССР тарихи. 3-том, Б. 248.

этилди[1]. Ўзбек, қирғиз, туркман ва бошқа тилларда биринчи галда шўро ҳокимиятининг моҳияти ва вазифалари, партия ва ҳукуматнинг тадбирлари ҳақидаги мақолалар тўпламлари, бошқа оммавий-сиёсий адабиётлар босиб чиқарилди. Улар коммунистик таълимотни омма орасига ёйиш ва уни ижтимоий онгда мустаҳкамлашга ёрдам берарди.

Нашр этиладиган илмий, сиёсий ва бадиий асарларнинг барча турларига сиёсий цензуранинг жорий этилиши, нашриётчилик ишларининг ҳаддан ташқари марказлашуви (бу ҳол ҳар томонлама мафкуравий назоратни йўлга қўйишни осонлаштирар эди) мустабидча ёндашувнинг иккинчи бир белгиси бўлди. Хусусан, мазкур вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш учун 1920 йилнинг ўрталарида Маориф халқ комиссарлиги ҳузурида Давлат нашриёти таъсис этилди. Туркистон матбуот маркази ("Туркцентрпечать") Умумроссия Давлат нашриётининг бўлими сифатида қайд этилди. Бошқача айтганда, республикадаги мафкуравий назорат марказий органлар амалга ошириб борадиган маъмурий назорат билан мустаҳкамланди.

Большевик ҳукумдорларнинг кенг миқёсдаги сиёсий цензурани жорий қилганлиги мустабид тузумнинг бутун даври мобайнида унинг ажралмас бир қисми сифатида ҳизмат қилди.

Шўро раҳбарияти журналистларни "ғоявий-назарий чиниқтириш"га алоҳида аҳамият берди. Шу муносабат билан Туркистон Компартиясининг 1918 йил июнда бўлиб ўтган I қурултойи матбуотнинг ишини йўлга қўйиш тўғрисида махсус қарор қабул қилди[2]. Мазкур қарор асосида Туркистон журналистлар иттифоқи ташкил этилди. Унинг ҳузурида маҳаллий миллат вакилларидан тегишли журналистлар тайёрлайдиган шуъба ҳам ташкил топди. Журналистлар иттифоқи қаламкашларнинг марксизм-ленинизм таълимотини ўзлаштиришлари учун мунтазам равишда сиёсий ўқишлар уюштириб турди, матбуот ходимлари ўқувини ташкил этди, уларни

---

[1] ЎзР МДА, 25-фонд, 1-рўйхат, 293-йиғма жилд, 63-варақ.

[2] Коммунистическая партия Туркестана в резолюциях съездов и коференций. - Т., 1988. - С.11-12.

аттестациядан ўтказиб турди. Газета-журналлар ва бошқа матбуот нашрларининг таҳрир ҳайъатлари таркибига алоҳида талаблар қўйилди. Матбуот таҳририятларининг большевикча мезонларига жавоб бермайдиган ходимлари ишдан четлаштирилиб, уларнинг ўрнига партия ишига садоқатли, синалган ходимлар тайинландики, улар шубҳа уйғотувчи нашрларни чинакам большевиклар органига айлантиришлари лозим эди.

1920 йил декабрда бўлиб ўтган Туркистон ўлкаси матбуот ходимларининг биринчи қурултойи Октябрь тўнтаришидан кейин ўтган уч йил ичида матбуот нашриётчилик ишларини большевиклаштиришнинг ўзига хос якуни бўлди[1]. Қурултой қарорларида пролетар матбуоти қисқа муддат ичида ўз зиммасига юкланган вазифаларни уддалай олганлиги алоҳида қайд қилиб ўтилди. Бошқача қилиб айтганда, матбуот нашриётчилик ишларини тўла "большевиклаштиришга", бошқача фикрлашнинг ҳар қандай шаклларига барҳам беришга муваффақ бўлинди. Маънавий ҳаётни мустабидлаштириш вазифаларининг бажарилишини таъминлашда "янги социалистик саноат"ни шакллантиришга катта эътибор берилди. У барча маданият муассаслари сингари, коммунистик жамиятни барпо этиш мақсадларига хизмат қилиши лозим эди. 1918 йилда Тошкентда очилган Туркистон халқ консерваторияси шўро санъат ходимларини тайёрлашда сезиларли роль ўйнади. Биринчи йили консерваторияда турли миллат вакилларидан 300 га яқин ёшлар таълим олган бўлса, икки йилдан кейин таълим олаётган талабалар сони 823 кишига етди[2]. 1921 йили Тошкент ва Самарқандда мусиқа техникумлари, Тошкентда рассомлик техникуми, Самарқанд, Фарғона, Қўқон ва бошқа шаҳарларда мусиқа ва рассомлик мактаблари очилди. Улар шак-шубҳасиз, ўлка санъати учун мутахассислар етказиб бериш ишига ёрдамлашди. Шу билан бирга бўлажак санъат мутахассисларини ўқитиш ва тарбиялаш жараёнига ошкора сиёсий тус берилган эди. Санъат ходимлари эътибори асосан қуруқ "пролетар

[1] ЎзР МДА, 34-фонд, 1-рўйхат, 407-йиғма жилд, 1-2-варақлар.
[2] Ўша жойда, 713-йиғма жилд, 17-18-варақлар.

аданияти" намуналарини яратишга, қадимий миллий илдизлардан ажратиб ўйишга қаратилди. Инқилобнинг дастлабки йилларда шўро драматик еатрлари майдонга келди. Уларда асосий труппани рус артистлари ташкил этар эди. Хусусан, 1918 йил 28 октябрда Тошкентда "Шўро театри" очилди. Рус театр труппалари Қўқон, Андижон, Янги Бухоро шаҳарларида ташкил этилди. Шу билан бирга, ўзбек театр труппалари ташкил этишга ҳам эътибор берилди. Ўзбек театрини ташкил қилишда янги ҳокимиятнинг "ижтимоий адолат жамияти" идеалига ишонган таниқли ўзбек шоири ва драматурги Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий катта роль ўйнади. Фарғонада у ўз атрофига ёш истеъдодли ашулачилар, раққосалар, мусиқачиларни тўплаб, улар асосида 1918 йил сентябрда ўлка сайёр драм труппасини ташкил қилди. Унда таниқли санъаткорлар Муҳиддин Қори Ёқубов, Ҳожи Сиддиқ, Мария Кузнецова ва бошқалар ўз ижодий фаолиятларини бошлаган эдилар.

Ўша 1918 йилнинг июлида Тошкентнинг эски шаҳар қисмида Маннон Уйғур томонидан К.Маркс номли драма труппаси ташкил этилди, унга истъедодли ёш артистлардан А.Ҳидоятов, О.Жалилов, Ғ.Иброҳимов, Ф.Умаров ва бошқалар кирган эдилар. Бир гуруҳ маҳаллий санъаткор ёшлар Туркистон фронти сиёсий бошқармаси тарғибот поезди жамоаси таркибига киритилди, бу жамоа аъзолари кенг мусулмон меҳнаткашлари орасида хилма-хил ғоявий-сиёсий ишлар олиб борган эдилар.

"Социалистик санъат"ни ташкил этишдан манфаатдор бўлган шўро ҳукумати "инқилобий мавзулар"га қизиқиш билан қарайдиган театр группаларини мусиқа жамоаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, янги клублар, театрлар очиш юзасидан қизғин иш олиб борди. Чунончи ТуркМИК Раёсатининг 1920 йил 1 январдаги қарорига биноан Тошкент шаҳридаги халқ уйида давлат драма театри ташкил этилади, "Шўро

театри"да (собиқ "Колизей"да) давлат опера театри очилади, унга Я.М.Свердлов номи берилади[1].

Ўзбек театр жамоаларига эътибор кучайиши муносабати билан миллий артистларни тегишли суратда мафкуравий таъсир доирасига олиш мақсадида ва ўзбек театр фаолияти устидан партия давлат назоратини кучайтириш учун 1920 йил апрелда К.Маркс номли драма труппаси, кейинроқ эса қолган барча миллий труппалар Маориф халқ комиссарлиги театр бўлимининг ихтиёрига ўтказилди[2]. 1920 йил декабрида К.Маркс номли труппа ва ўзбек труппаси артистлари жамланиб, "Намунали ўлка ўзбек труппаси" ташкил этилди.

1920 йил ноябрь ойи охирида ТАССР Маориф Халқ комиссарлиги ҳайъати "Намунали ўзбек, туркман ва қирғиз давлат театрлари"нинг бинолари қурилишига маблағ ажратди. Ўзбек театрини Тошкентнинг эски шаҳар қисмида, туркман театрини Марвда қуриш тўғрисида қарор қабул қилинди[3].

Сайёр театр жамоалари ва давлат театр труппаларидан тарғиботчилик мақсадида кенг фойдаланилади. Уларнинг спектакл ва концертлари кескин синфий йўналишида бўлиб, шўро ҳокимиятини мустаҳкамлашга, янги "социалистик турмуш ва маданият"ни барпо этишга қаратилган эди. Шўро миллий театрлари учун мафкуравий жиҳатдан чиниққан артистлар тайёрлаш тўғрисида ҳам ғамхўрлик қилинди. Давлат томонидан қўллаб-қувватлаб туриладиган театр мактаблари ва курслари ҳузурида миллий бўлимлар иш олиб борарди. 1920 йилда махсус Туркистон театр мактаби очилди[4].

Албатта "социалистик санъат"ни ривожлантириш мақсадида амалга оширилган саъй-ҳаракатларнинг айрим ижобий самараларини инкор этиб бўлмайди. Улар яққол ифодаланган мафкуравий йўналишда бўлишига

---

[1] ЎзР МДА, 34-фонд, 1-рўйхат, 411-йиғма жилд, 179-варақ; 25-фонд, 1-рўйхат, 359-йиғма жилд, 44-варақ.
[2] ЎзР МДА, 25-фонд, 1-рўйхат, 683-йиғма жилд, 4-варақ.
[3] ЎзР МДА, 25-фонд, 1-рўйхат, 359-йиғма жилд, 47-варақ.
[4] ЎзР МДА, 34-фонд, 1-рўйхат, 55-йиғма жилд, 44-варақ.

рамасдан, меҳнаткашларнинг муайян қатламларини маданиятдан баҳра-
ынд этишга ёрдам берди. Лекин шуни алоҳида таъкидлаш жоизки,
оциалистик санъат" мустабид ҳокимиятни ғоявий жиҳатдан мустаҳкам-
ш мақсадларига хизмат қилдирилди.

Бу хилдаги манзара адабий ҳаётда ҳам юз берди. Октябрдан кейинги
ıилларда сиёсий раҳбарият шўро адабиётини шакллантиришга жиддий
ъътибор берди. Бу адабиёт синфий кураш авж олдирилган кенг ҳудудда
вужудга келди.

Дастлабки шўро шоирлари ва ёзувчилари жумласига ўша вақтда анча
таниқли бўлган миллий зиёлиларнинг вакиллари Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий,
Садриддин Айний, Муҳаммадшариф Сўфизода, Абдулла Авлоний ва
бошқалар киритилган эди. Улар ўзларининг мафкуравий тушунчаларига
кўра, жадидчиликка яқин бўлиб, октябрдан олдинги йиллардаёқ халқнинг
озод ва бахтли ҳаёти ҳақидаги орзу-умидлар билан яшаган эдилар.
Уларнинг назарида 1917 йил октябрь тўнтариши ижобий ўзгаришлар
бўлишига умид туғдирди, шунинг учун ҳам улар ўз ижодларига "инқилобий
янгиланиш"ни кўп ҳолларда асосий мавзу қилиб олдилар. Чунончи,
амирлик тузумига қарши фаол курашчи бўлган С.Айний тўнтаришнинг
дастлабки кунларидан бошлаб Туркистоннинг маданий-маърифий ҳаётига
фаол киришиб кетди, матбуотда ўзининг инқилобий асарлари билан чикди.
Унинг "Ҳуррият", “Озодлик марши", “Инқилоб" сингари шеърлари халқ
оммаси орасида кенг ёйилди ва меҳнаткашлар оммасини "янги" ҳаёт
қуришга чақирди. Ҳамза ва Абдулла Авлоний каби таниқли ёзувчилар ҳам
ўз асарларида мустамлакачиликка, ўрта аср зулмига барҳам беришга
чақирдилар, "инқилоб келтирган" озодлик ҳақида гапирдилар. Лекин
уларнинг қарашлари, фикрлари бир хил эмасди. Улар "феодал-буржуа
эксплуататорларига қарши" кураш олиб боришни ёқлаб, айни вақтда
Марказий Осиё халқларининг қўлга киритган кўп асрлик бой маданий
меросларини асрашга чақирдилар. Аммо партия шўро ҳукмдорлари шоир

ва ёзувчиларнинг адабий ижодидан ва амалий фаолиятидан ўзларининг ғаразли сиёсий мақсадлари йўлида фойдаланишга харакат қилдилар.

Коммунистик раҳбарият ўз халқининг миллий маданиятини сақлаб қолишга, ўз асарларида шўро ҳокимиятининг ғайри инсоний моҳиятини очиб беришга интилган миллий ижодкор зиёлиларга қарши ҳужум бошлади. Дастлабки ана шундай зарбалардан бири 1919 йилда ТАССР Маориф халқ комиссарлиги ҳузурида ташкил этилган "Чиғатой гурунги" адабий-тилшунослик бирлашмасига қаратилди. Бу ташкилот аъзолари халқ оғзаки ижодини тўплаш, имлони ислоҳ қилиш юзасидан анчагина иш олиб бордилар. Улар туркий тилларни бошқа тиллар зўравонлигидан, шу жумладан рус тилининг тазйиқидан муҳофаза қилишни ёқлаб чиқдилар. Шунинг учун ҳам улар пантуркизмда айбландилар[1]. "Чиғатой гурунги" теварагига асосан шўро ҳокимиятига ва большевиклар партиясига иккиланиб, ҳадиксираб қарайдиган, амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ва маданий саъй-ҳаракатларнинг ғайри миллий хусусиятини танқид қилиб чиқаётган шоир ва ёзувчилар бирлашган эди. Улар орасида Абдурауф Фитрат, Чўлпон ва бошқа истеъдодли ёзувчилар бор эди. Расмий мафкуравий чиқишларда таъкидлаб ўтилишича, бу шоирларнинг шеърларида миллатчилик шеъриятининг асосий хусусиятлари акс этган бўлиб, эзувчи синфларнинг манфаатлари ва мафкураси ўз ифодасини топган эди. Шу билан бирга Фитрат ва Чўлпоннинг шўро ҳокимияти ҳақидаги тушунчалари зиддиятли эди. Дастлаб улар "инқилоб"ни олқишлаб кутиб олдилар, "демократик Россиядан" миллий мустамлакачилик зулмини тугатишни, миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини таъмин этилишини кутган эдилар. Бироқ "Туркистон мухторияти"нинг зўрлик билан тугатилиши уларнинг кўз ўнгида большевикларнинг ҳақиқий қиёфасини кўрсатди. Чўлпон 1918 йилда "Гўзал Фарғона", "Фарғона", "Куз" каби бир қанча шеърларини эълон қилди, уларда "Қўқон мухторияти" ҳақида, унинг ўлкадаги туб ерли халқнинг чинакам миллий

[1] Инқилоб, - 1926, - 4-сон, Б. 25-31.

талабларини ифодалаши тўғрисида гапирган, унинг ҳукумат қўшинлари томонидан қувғин остига олинганини танқид қилган эди. Шоирнинг ҳафсаласи пир бўлиб, шўро ҳокимиятига ишонмай қарашлари унинг Туркистонга эркинлик ва мустақиллик беришга қодир эмаслигини англаб етишида ўз ифодасини топган эди. Бундай оҳанглар Фитратнинг адабий асарларида ҳам акс эттирилди.

Вақт масофасидан туриб қараганда, Чўлпон билан Фитрат ўзларининг шоирона сиёсатлари билан бўлажак воқеаларни олдиндан кўра билганликлари яққол маълум бўлмоқда. Ҳақиқатан ҳам большевиклар раҳбарияти "миллий чекка ўлкалар"нинг халқ оммаси манфаатларини рўёбга чиқаришга асло интилган эмас. Ленин ва унинг сафдошлари империянинг янги хили бўлган коммунистик мустабид жамиятини ташкил этиш ҳақидагина ўйлаган эдилар. Шунинг учун ҳам илғор фикрли ёзувчиларга ёпирилиб ҳужум қилдилар.

Чўлпон, Фитрат ва бошқа "миллатчи" шоирлар ижодининг "миллатчилик" оҳанги дастлаб матбуотда аёвсиз "танқид остига олинди", кейинчалик, 30-йилларнинг ўрталарига келиб, улар халқ душманлари деб эълон қилинди ва қонли қатағон гирдобига тортилди.

Шундай қилиб, большевиклар аввал бошданоқ маънавиятни чуқур мустабидлаштириш йўлини танладилар, партия кўрсатмаларини "лаббай" деб бажарадиган итоаткор шахсни таркиб топтиришни мақсад қилиб қўйдилар. Ташкил этилган барча шўро маданий мафкуравий идоралари ана шунга бўйсундирилган эди.

Бошқача фикрлашнинг ҳар қандай шаклини аёвсизлик билан йўқ қилишга асосланган коммунистик мафкуранинг жадал ёйилиши ижтимоий онгни қайта ўзгартириш жараёнларини фаоллаштиришга ёрдам берди. Сезиларли равишда кўзга ташланган ахборот танқислиги шароитида кенг аҳоли оммаси фақат коммунистик мазмундаги сохталаштирилган ва бўялган манбаларга мурожаат қилишга мажбур эди. Шу билан бирга, шўро ҳокимиятининг истакларига зид ўлароқ Туркистонда марксча мафкуранинг

қарор топиши мураккаб тарзда ўта зиддиятли кечди ва бир хилда амалга ошмади. Ана шу мураккаб шароитда халқ оммаси ялпи террор ва мафкуравий зулмга қарши фаол қаршилик кўрсатиш учун барча воситалардан фойдаланишга ҳаракат қилди.

ХУЛОСА

Туркистоннинг октябрдан кейинги дастлабки йилларини таҳлил қилиш шундан далолат берадики, шўро ҳокимияти марксизм мафкурасига таяниб, аввал бошданоқ мустабид жамият барпо этишни мақсад қилиб қўйган эди. Бу жамият биринчи кунданоқ кенг халқ оммасининг туб манфаатларига зид бўлди, халқларнинг миллий хусусиятларини йўқотди. Ҳамма кишиларни ягона коммунистик андозага солишга ҳаракат қилди.

Мустабидчилик мафкураси сиртдан қараганда жозибали бўлиб, "халқ ҳокимияти", "мазлум ва эксплуатация қилинувчи халқларни ижтимоий жиҳатдан озод қилиш" каби сохта шиорлар билан ниқобланган эди. Октябрь тўнтаришининг бош илҳомчиси - В.И.Ленин бошқаришнинг шўро шакли кўпчилик аҳолини демократик ҳуқуқ ва эркинликлар билан таъминлашга қодир деб ишонтирди. Бироқ ваъда қилинган шўро пролетар давлатининг ленинча концепциясида сиёсий соҳадаги демократизм билан иқтисодиётни, ижтимоий-сиёсий соҳаларни бошқариш мумкин эмас эди. Мазкур концепция фақат партия ва унинг йўлбошчилари диктатурасини ўрнатишга қаратилган "истиқболли дастур" бўлганлиги ҳозирги кунда ҳеч кимга сир эмас. Шўро мустабид тузумининг мафкураси шўро ҳокимияти ўрнатилгандан кейин "ҳарбий комунизм" сиёсатида ўзининг аниқ ифодасини топди. Мулкчиликнинг барча шакллари ва жамиятнинг давлат тасарруфига ўтказилиши, меҳнат мажбурияти ва ишлаб чиқаришни ҳарбийлаштириш каби ғоялар дастлаб биринчи жаҳон уруши, инқилоб ва истиқлол учун кураши оқибатида юзага келган эди. Муваққат чора сифатида илгари сурилган бу ғоялар вақт ўтиши билан расмий доктрина (назария), социализм қуришнинг асосий усулига айланди.

Мустабид тузумнинг қарор топиши, коммунистик мафкуранинг оммавий тарзда жорий қилиниши натижасида жамиятда, умуман бугун мамлакат ва хусусан Туркистонда иқтисодий, ижтимоий-сиёсий

соҳаларда туб ўзгаришлар содир бўлди.

Бу ўзгаришлар қуйидагилардан иборат эди:

Сиёсий соҳада:

а) мавжуд халқ ҳокимияти институтлари тугатилди, янги мустаҳид давлат аппарати тузилди, сайлаб қўйиладиган органлар (воситалар) ниқ белгиланмади, аппарат (давлат ходимлари) ўз қобиғига ўралиб, халқдан ажралиб қолди;

б) мамлакатга (халққа, жамиятга) партиянинг раҳбарлик қилиши (унинг бу маъсулиятли вазифага амалий жиҳатдан тайёрлиги даражасидан қатъий назар) партократлашди; аппаратчилар (давлат ходимлари) ва раҳбарлар ўзбошимчалик билан иш кўра бошладилар, ўз манфаатлари йўлида ҳаётнинг барча соҳаларига, жумладан, одамларнинг шахсий ҳаётига ҳам аралаша бошладилар;

в) танҳо доҳийликка интилиш кучайди;

г) юқори ташкилотларда ишлайдиган ходимлар маъсулият ҳис қилмайдиган, ҳеч ким олдида ҳисоб бермайдиган бўлиб қолдилар;

д) жамият табақаларга бўлинди (олий даражадаги раҳбарлар, ўрта даражадаги раҳбарлар, кичик доирадаги раҳбарлар ва оддий халқ); улар ўртасидаги муносабатлар ўзгарди;

е) бюрократлашув кучайди(ҳоким синф манфаатини кўзловчи амалдорлар кўпайди, расмиятчилик кучайди, одамларга тўраларча муомалада бўлинди, ўзини-ўзи бойитиш билан шуғуландилар, ишларнинг чинакам аҳволи хақида фуқароларга тутуриқсиз маълумотлар берилди, порахўрлик авж олди, рус бўлмаган халқларнинг миллий қадр-қиммати ерга урилди);

ж) ғайри демократлашув кенг халқ оммасини онгли ижтимоий ижодкорликдан бегоналаштирди, "қуйи"дан бўладиган ҳисобга олиш ва назорат воситалари тугатилди; ходимлар танлаб қўйилмади, алмаштирилиб туриш тизими тугатилди, уларнинг раҳбарларга маъқул келиши, хушомадгўйлик қилиши, шахсий садоқати, қариндош-уруғчилик томойиллари бўйича танланди.

Иқтисодий соҳада:

а) эгалитаризм-фаолият айрибошлашнинг ўзига хос тури бўлиб, тенг бараварликка, ташаббусни, тадбиркорликни бўғишга, ходимлар сарфлаган меҳнатнинг сифати ва миқдоридан қатъий назар уларни тенг рағбатлантиришга қаратилган;

б) ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқарувчидан бегоналаштириш, меҳнатнинг самарасиз бўлишига олиб келувчи омил унинг пировард маҳсулот ишлаб чиқаришга эмас, балки ҳисобот беришга мўлжалланганлиги;

в) барча мулкларнинг давлат тасарруфига олиниши, ишлаб чиқариш шаклларининг бирхиллаштирилиши, рақобатбардошлик ўрнига технократик (миқдорий) мўлжалларнинг авж олдирилиши;

г) марказнинг қўшимча маҳсулотни (қисман зарурий маҳсулотни) ўз ихтиёри билан тортиб олиш асосида товарсиз, эквивалентсиз (тенг бараварсиз) маҳсулот айирбошлаши, сўнгра бу маҳсулотнинг натура тарзида қайта тақсимланиши, ишлаб чиқарувчини ғайри иқтисодий мажбур этиш ва шахсий тобелик шаклидаги айирбошлаши;

д) ижтимоий ишлаб чиқаришни мафкуралаштириш ва бемаънилаштириш жамият, унинг ривожланиши манфаатларини режа йўлида қурбон қилиш.

Булардан мақсад шахсий манфаатдорлик ва оқилона ташаббусга асосланган юқори унумли, сифатли ва самарали меҳнат қилишга қодир бўлган мулк эгаларини давлатдан мустақил фаолият кўрсатишни бекор қилишга олиб келишдан иборат эди.

Ижтимоий-психологик соҳада:

а) қўрқитиш, террор, ташқи ва ички душманларнинг "кирдикорлари"га нисбатан "хушёрлик" сиёсати вазиятини вужудга келтириш;

б) жамиятнинг "социализмга ёт" ижтимоий синфларини ёппасига тугатиш;

в) кишиларнинг онги ва фаолиятини ялпи тартибга солиш, ҳам алоҳида шахсни, ҳам оммани юқоридан тасдиқланган, "синаб кўрилган" андозаларга, меҳнат ва истеъмол, маданият, турмуш тарзи қолипларига мослаштириш;

г) маънавиятни сиёсийлаштириш, фикрлаш тарзига ҳокимият ва давлатга дахлдор ҳамма нарсани кўр-кўрона ҳурмат қилиш, иззат-икромни жойига қўйишдан иборат руҳий ва ақлий тушунчани сингдириш;

д) кишиларнинг ҳис-туйғулари ва эътиқодига таъсир кўрсатиш, уларни ўз шахсий қиёфасидан миллий ўзлигини билишдан маҳрум қилиш. Натижада фуқаролик жамияти мослашув механизмларининг бузилиши, шахсларнинг ижтимоий фаоллигини назорат остига олиш, шахс мустақиллигининг йўқолиши, ғоят кучли давлат машинаси ва юқори сиёсий табақанинг назоратсиз зўровонлик кўрсатиши мақсад қилиб қўйилди.

Мафкуравий соҳада:

а) воқеликнинг бориши жараёнида ҳаётнинг режалаштирилиши, тартибга солиб турилиши, бошқарилишини тарғиб қилиш;

б) танқиддан холи бўлган собит қадамликни рағбатлантириш, коммунистик ғоя матнларини диний ақидаларнинг савол-жавоблари каби идрок этиш, расмий ақидапарастликни сингдириш;

в) мунтазам равишда "мияни ювиб" туриш, синфий манфаатлар ва қадриятларнинг миллий ҳамда умуминсоний манфаатлар ва қадриятлардан устун деб тарғиб қилиш;

г) ижтимоий онгга партиянинг "доно", “чинакам илмий" йўли туфайли, "улкан сакраш"лар бўлганлигини сингдириш;

д) содда-мудроқ коллективизмни (жамоатчиликни), шахсларнинг бир хиллиги мафкурасини (ҳамма бирдай) сингдириш;

е) маънавиятнинг партиявий-синфий, ахлоқий қоидаларга ва ақидапарастликка мўлжалланган тарзда йўналтириш, маъсулиятсиз экспери-

ментбозликни, умумий маданиятнинг қўпол сохта вариантини оммавий жорий этиш;

ж) бошқача фикрлашнинг ҳар қандай шаклига қатъиян барҳам бериш.

Шу тариқа мафкуравий исканжа ўзига хос усуллар билан одамлар онгини заҳарлаб, моддий ва ижтимоий жиҳатдан таъмин этилмаган социализм принципларини тиқиштириш, турмуш тарзини андозалаштириш, фидойиликни тарғиб қилиш билан сиёсий зулмкорликни расмийлаш-тиришга, қонунчиликнинг йўқолишига, халқнинг эзилишига олиб келди.

Миллий ва миллатлараро муносабатлар соҳасида:

а) миллатлар ва этник гуруҳларнинг ялпи тенглаштириш ва бирхиллашувига қаратилган жадал байналмиллашув сиёсати;

б) халқни кўп асрлик миллий илдизларидан, "инқилоб"дан олдинги ўтмишнинг маънавий-ахлоқий меросидан ажратиб қўйиш;

в) олий ҳокимиятнинг туб миллий манфаатларни назар-писанд қилмаслиги ва берпарво қараши;

г) миллий онгнинг манқуртлаштирилиши;

д) халқларнинг ўзига хослигини, уларнинг миллий-тарихий анъаналари ва урф-одатларини барҳам топтиришга интилиш;

е) буюк давлатчилик шовинизмининг давлат даражасида намоён бўлиши ва ёппасига руслаштириш йўлининг амалга оширилиши;

ж) миллий-давлат мустақиллиги ва суверинитетга интилишнинг ҳар қандай шаклини куртаклик вақтидаёқ бўғиш;

"Ҳарбий коммунизм" йилларида мустабид тузумнинг таянч андозасига асос солинди. Янги иқтисодий сиёсат унинг айрим томонларини нисбатан ривожланишига олиб келди. Кейинроқ бориб амалга оширилган сталинча зуғум шароитида мустабид тузум ўз меваларини бера бошлади. Натижада шўро ҳокимиятига якка ҳокимиятчилик, аҳолининг фуқаро сифатида ҳимоядан маҳрум бўлиши, сиёсат билан ахлоқнинг бир-биридан ажралиб қолганлиги, жамият фаолиятини ташкил этиш-

инг ҳарбий-сиёсий усуллари, ижтимоий ижодкорликнинг сўниши, бошқача фикрловчиларнинг жазоланиши, ташаббускорликнинг бўғилиши, қулларча тобелик вазиятининг авж олдирилиши хос бўлди, марказ билан республикалар ўртасида империяча муносабатлар ўрнатилди. Ўзбекистон миллий мустақилликка эришгандан кейингина вазият ўзгарди. Истиқлол ўзбек халқини мустабид тузум кишанларидан ва шўро ҳокимиятининг мафкуравий исканжасидан озод қилди, уни ўз ота-боболари ерида ўзини ҳақиқатдан ҳам эркин ҳис этиб озодлик эркинлигидан нафас олиш имконини берди, одамларга чинакам миллий маданияти ва анъаналарини, халқона удумлари ва қадриятларини, ўз қадр-қимматини хис қилиш туйғусини қайтариб берди.

Мустақиллик йилларида ижтимоий онгни шўро мафкураси таъсиридан тозалаш, бошқарувнинг мустабид механизмидан халос қилиш, демократик, фуқаролик жамиятининг таянч негизларини шаклланти-риш юзасидан жуда катта ишлар амалга оширилди.

Шу билан бирга миллий тикланиш, юксалиш жараёнида жамият-нинг ўтиш даврига хос бўлган кўпгина қийинчиликлар, яқин ўтмишнинг қолдиқ ҳодисалари ҳали ҳам барҳам топмаганлиги сезил-моқда. Чунончи хамон эскича тафаккур юритиш сарқитлари, аввалги маъмурий буйруқбозлик йўналишининг таъсири учрамоқда. Ду-нёқарашни ислоҳ қилиш етарли даражада кенг миқёс билан олиб бо-рилаётгани йўқ. Ҳозир шуни дадил айтиш мумкинки, мазкур вазифани муваффақиятли бажарилиши республиканинг бутун ақл-идрок са-лоҳиятидан, фан, адабиёт ва санъат арбоблари имкониятларидан, ижодкор ёшларнинг истеъдодларидан кенг фойдаланишни тақозо эта-ди.

Бу ишни амалга ошириш, назаримизда, қуйидаги илмий ва амалий таклифларни рўёбга чиқариш имконини беради:

1. Жамиятшунос олимларнинг диққат эътиборини мустабид ту-зумнинг ўзбек халқи ҳаётига, унинг ижтимоий-руҳий ва маънавий-

ахлоқий қиёфасига салбий таъсири билан боғлиқ жараёнлар чуқур таҳлил қилишига қаратиш лозим.

2. Мустабид тузумнинг ривожланиш мантиғи ва миллий тафаккурни барҳам топтиришнинг ўзаро боғлиқ эканлиги масалаларини тадқиқ қилиш давр талаби сифатида майдонга чиқмоқда.

3. Ўша даврдаги оммавий матбуот воситалари ва маданият муассасаларининг республикамиз аҳолисини маънавий жиҳатдан эзишда иштирок этганлигини, мустабид тузумни мустаҳкамлашда куч ишлатиш тузилмаларининг фаолиятини ҳозирги замон нуқтаи назаридан чуқур ўрганиш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

4. Тадқиқ этилаётган мавзунинг ижтимоий-сиёсий ва амалий жиҳатдан катта аҳамиятга эга эканлигини ҳисобга олиб, муаллиф Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси тарих институтида шўро мустабидчилигининг қарор топиши, мустаҳкамланиши муаммолари бўйича илмий-назарий конференциялар уюштиришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

Бу таклифларнинг амалга оширилиши биринчидан шўро мустабид тузумининг асл моҳиятини, хақиқий кирдикорларини очиб беришга ёрдам берса, иккинчидан эса халқимизни, айниқса ёш авлодни қўлга киритган мустақиллигимизнинг қадрига етиш, асраб-авайлаш, уни мустаҳкамлаш учун фаол иштирок этиш руҳида тарбиялашда муҳим омил бўлиб хизмат қилиши табиийдир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР ВА МАНБАЛАР РЎЙХАТИ.

1.Сиёсат ва жамоат арбоблари. Давлат ва сиёсий партия раҳбарлари ижтимоий фикр намондалари асарлари.

1.1.Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. - Т.: Ўзбекистон, 1995. –73 б.

1.2.Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. - Т.: Ўзбекистон, 1995. – 267 б.

1.3.Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. - Т.: Ўзбекистон, 1996. – 358 б.

1.4.Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.2. - Т.: Ўзбекистон, 1996. –379 б.

1.5.Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3. - Т.: Ўзбекистон, 1996. –366 б.

1.6.Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. Т.4. –Т.:Ўзбекистон, 1996.–349 б.

2.Расмий ҳужжатлар, материаллар ва воқеаномалар тўпламлари. Давлат раҳбар органларининг ҳужжат ва қарорлар тўплами.

2.1.Собрание Узаконений и распоряжений рабочего и крестьянского правительства. - М.: Мосиздат, 1918.–396 с.

2.2.Мусбюро РКП(б) в Туркестане. – Т.: Туркгосиздат, 1922.–44 с.

2.3.Отчёт о деятельности СНК и Экономического Совета Туркреспублик на 1 октября 1922 года. – Т.: Туркгосиздат, 1922.–292 с.

2.4. Директивы ЦК ВКП(б) и постановления Советского правительства о народном образовании за 1917-1947г.г. Вып.2 –М.Л.: –АПН РСФСР, 1947.–179 с.

2.5.Экономическая политика СССР. Т.1 - М.: Политиздат, 1947.–646 с.

2.6.Рабочий контроль и национализация промышленности в Туркестане. (1917-1920) - Т.: Госиздат УзССР, 1955.–238 с.

2.7 Декреты Советской власти. Т.1. – М.: Госполитиздат, 1957.–626 с.

2.8.Из истории гражданской войны в СССР. Т.1.– М.: Наука, 1960.–832 с.

2.9.Победа Октябрьской революции в Узбекистане. Т.1. – Т.: АН УзССР, 1963.–633 с.

2.10.КПСС в резолюциях и решениях съездов, конференций и пленумов – М.: Политиздат, Т.1. –1970. – 534 с.; Т.2.1970. – 543 с.; Т. 3. 1970. – Т.4. 1970. – 582 с.; Т. 5. 1971. – 479 с.; Т. 6. 1971. – 527 с.

2.11.Деятельность компартии и советского правительства по восстановлению и развитию хлопководства в Туркестане. (1917-1924г.г.) - Т.: Узбекистан, 1986.–292 с.

2.12. Коммунистическая партия Туркестана в резолюциях и решениях съездов и конференций - Т.: Узбекистан, 1988.–312 с.

Статистик тўпламлар.

2.13.Материалы Всероссийских переписей 1920г. Перепись населения в Туркестанской республике. Вып. V-й ч.I - М.: Госиздат, 1923.–382 с.

2.14.Статистический ежегодник. 1917-1923г.г. - Т.: Туркгосиздат, 1924.–372 с.

2.15.Коммунистическая партия Туркестана и Узбекистана в цифрах. - Т.: Узбекистан, 1968.–248 с.

Воқеалар хроникаси.

2.16.Образование и деятельность Коммунистической партии Туркестана. - Т.: Узбекистан, 1966.–426 с.

2.17.Хроника событий гражданской войны в Узбекистане. – Т.: Фан, 1991.–212 с.

3.Архив материаллари.

3.1..Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. (ЎзР.М.Д.А.).

17-фонд /Туркистон АССР МИК/ - оп 1.

25-фонд /ТАССР Халқ Комиссарлари Совети/ - оп 1.

27-фонд /Турк АССР ЦСНХ (Халқ хўжалиги Марказий Совети)/ - оп 1.

29-фонд /ТАССР Наркомземи (Деҳқон Халқ Комиссарлиги)/ - оп 3.

31-фонд /Туркистон АССР озиқ-овқат Халқ Комиссарияти/ - оп 1.

34-фонд /ТАССР Наркомпроси (Маориф Халқ Комиссарияти)/ - оп 1.

35-фонд /ТАССР Наркомтруда (Меҳнат Халқ Комиссарияти)/ - оп 1.

39-фонд /ТАССР ички ишлар Наркомати (Ички ишлар Халқ Комиссарияти). - оп 1.

93-фонд /ТАССР Наркомфини (Молия Халқ Комиссарияти) - оп 1.

337-фонд (Туркистон Халқ банки) - оп 2.

749-фонд /Туркистон ўлкаси тоғ саноати корхоналарининг ишчи ва хизматчилар касаба уюшмаси правлениеси (идораси). - оп 1.

764-фонд (Ўрта Осиё пахта мой-совунчилик ва момиқ ишлаб чиқарадиган корхоналари ишчи, мастеровойлари ва хизматчилари уюшмаси МК) - оп 1.

3.2.Россия Федерацияси Давлат Архиви (РФДА).

121-фонд (Главхлопком) - оп 1.

130-фонд (СНК РСФСР) - оп 2,4.

3969-фонд (ВЦИК РСФСР) - оп 1.

6317-фонд (Полномочный представитель ТАССР в Москве) - оп 1.

3.3 Энг янги тарих ҳужжатларини сақлайдиган ва ўрганадиган Россия маркази (РЦХИДНИ).

122-фонд (Туркомиссия) - оп 1.

3.4.Россия Давлат Ҳарбий Архиви (РГВА).

110-фонд (Управление армиями Туркфронта) - оп 1.

125-фонд (Управление Закаспийского фронта Турк. республики)- оп 1.

3.5.Россия Давлат Иқтисод Архиви (РГАЭ).

130-фонд (Госплан СССР) - оп 2.

3429-фонд (ВСНХ СССР) - оп 2.

7990-фонд (Наркомфин СССР) - оп 1.

3.6 .Андижон вилоят Давлат Архиви.

90-фонд (Облисполком)- оп 1.

3.7 .Самарқанд вилоят Давлат Архиви.

71-фонд (Облисполком) - оп 1.

154-фонд (областной отдел НКВД) - оп 1.

3.8. Тошкент вилоят Давлат Архиви.

10-фонд (Облисполком) - оп 1,13.

3.9. Тошкент вилоят ҳокимияти Архиви.

264-фонд (Управление селғского хозяйства и промышленности) - оп 1.

4.Китоблар

4.1. Абдуллаев Ш.Ш. От неравенства к расцвету. - Т.: Госиздат УзССР, 1964.–333 с.

4.2.Айни С. Материалы по истории Бухарской революции. - М.: Госполитиздат, 1926.–158 с.

4.3.Акрамов А., Авлиёкулов К., В.И.Ленин, Туркомиссия и укрепление Советской власти в Средней Азии. - Т.: Ўзбекистон, 1991.-340 с.

4.4.Аминова Р.Х. Аграрная политика Советской власти в Узбекистане (1917-1920г.г.) - Т.: АН УзССР, 1963.–344 с.

4.5.Аминова Р.Х. История совхозов Узбекистана. 1917-1960г.г. - Т.: Фан, 1993 - 248с.

4.6.Алимова Д. Решение женского вопроса в Узбекистане (1917-1941г.г.) - Т.: Фан, 1987.–68 с.

4.7.Бакунин М. Избранные сочинения. Т.1.– Петербург, Госиздат, 1922.– 320 с.

4.8.Бартольд В.В. История Туркестана - Т.: Туркгосиздат, 1922.-50 с.

4.9.Бендриков К.Е. Очерки по истории народного образования в Туркестане - М.: Академия пед. наук РСФСР, 1960.–512 с.

4.10.Божко Ф.М. Октябрская революция в Средней Азии. - Т.: Госиздат УзССР, 1932.–231 с.

4.11.Ваҳобов М.Г. Тошкент уч революция даврида. - Т.: Ўздавнашр,1958.– 298 б.

4.12.Ваҳобов М.Г. Ўзбек социалистик миллатининг шаклланиши.– Т.:Уздавнашр, 1960.–536 с.

4.13.Воскобойников Э.А. Туркомиссия ВЦИК и Совнаркома РСФСР и Туркбюро ЦК ВКП(б) в борьбе за укрепление Советской власти в Туркестане. - Т.: Госиздат УзССР, 1951.–192 с.

4.14.Голованов А.А. Крестьянство Узбекистана: эволюция социального положения. 1917-1937г.г. - Т.: Фан, 1992.-160 с.

4.15.Додонов И.К. Победа Октябрьской революции в Туркестане. - М.: Госиздат, 1958.–104 с.

4.16.Житов К.Е. Победа Великой Октябрской социалистической революции в Узбекистане. - Т.: Госиздат УзССР, 1957. – 48 с.

4.17.Зевелев А. Из истории гражданской войны в Узбекистане. - Т.: Госиздат УзССР, 1959.–607 с.

4.18.Зелькина Е.П. Очерки по аграрному вопросу в Средней Азии. - М.: . Коммунистическая Академия, 1930.–98 с.

4.19.Иноятов Ҳ.Ш. Ўзбекистонда Октябрь революцияси–Т.: Уздавнашр, 1957.–439 б.

4.20.Иноятов Х.Ш. Победа Советской власти в Туркестане. - М.: Мысль, 1978.–364 с.

4.21.История народного хозяйства Узбекистана. Т.1. - Т.: АН УзССР, 1962.–390 с.

4.22.История рабочего класса Узбекистана. Т.1. - Т.: Наука, 1964.–339 с.

4.23.История Узбекской ССР. Т.3. – Т.: Фан, 1967.–712 с.

4.24.История гражданской войны в Узбекистане. Т.2.–Т.:Фан, 1970.–364 с.

4.25.Кабанов В.В. Крестьянское хозяйство в условиях “военного коммунизма”. –М.: Наука, 1988.–302 с.

4.26.Касымов Б.У.. Содержание и формы классовой борьбы в Советском Туркестане. – Т.: Ўзбекистон, 1968.–169 с.

4.27.Косимбеков Ж. От коммунистических субботников к ударным бригадам. - Т.: Госиздат УзССР, 1957.–66 с.

4.28.Набиев Ф.Х. Социалистическое строительство в Узбекистане в годы гражданской войны (1918-1920г.г.). - Т.: Фан, 1989.–123 с.

4.29.Назаров М.Х. Коммунистическая партия Туркестана во главе защиты завоеваний Октябрьской революции. (1918-1920) - Т.: Фан, 1969.–247 с.

4.30.Нуруллин Р.А. Советы Туркестанской АССР в период иностранной военной интервенции и гражданской войны. - Т.: Фан, 1965.–227 с.

4.31.Борьба Компартии Туркестана за осуществление политики "военного коммунизма". - Т.: Узбекистан, 1975.–288 с.

4.32.Октябрьская революция в Средней Азии и Казахстане: теория, проблемы, перспективы изучения. Сб.статей. - Т.: Фан, 1991.–384 с.

4.33.Очерки истории Коммунистической партии Узбекистана. - Т.: Узбекистан, 1974.–768 с.

4.34.Победа Советской власти в Средней Азии и Казахстане. - Т.: Фан, 1967.–771 с.

4.35.Рабич Р.Г. Формирование и развитие социально-классовой структуры Узбекистана. - Т.: Фан, 1991.-123 с.

4.36.Резцов Л. Октябрь в Туркестане. - Т.:Средазкнига,1927.–119 с.

4.37.Ризаев Г. Сельское хозяйство Узбекистана за 40 лет. - Т.: Госиздат УзССР, 1957.–266 с.

4.38.Рыскулов Т.Р. Революция и коренное население Туркестана.ч.1.–Т.: Узгосиздат, 1925.–218 с.

4.39.Садыков С. Высшая школа – кузнец подготовки кадров. – Т.: Фан. 1973.–226 с.

4.40.Сапегин В.А. Борьба за создание Советского государственного аппарата (фев.1917-апр.1918). - Т.:АН УзССР, 1956.–162 с.

4.41.Сафаров Г. Колониальная революция (Опыт Туркестана). - М.: Госиздат, 1921.–184 с.

4.42.Сербов П.И., Никифоров А.Д. Народное просвещение в Узбекистане. - Самарканд.: Уздавнашр, 1970.–178 с.

4.43.Серый М.Я. Борьба большевиков за создание национальной советской государственности в Туркестане. - Т.: Узбекистан, 1964.–131 с.

4.44.Турсунов Ҳ.Т. Национальная политика коммунистической партии в Туркестане. (1917-1924) - Т.: Узбекистан, 1971.–140 с.

4.45.Ульмасов А. Национализация промышленности в Советском Туркестане. - Т.: АН УзССР, 1960.–157 с.

4.46.Фёдоров Е. Очерки национально-освободительного движения в Средней Азии. - Т.: Узгосиздат, 1925.–81 с.

4.47.Ҳакимов М.Ҳ. Серый М.Я. Борьба большевиков за создание национальной Советской государственности в Туркестане. - Т.: Ўзбекистон, 1964.-131 с.

4.48.Ҳамидходжаев А. Организация комсомола в Туркестане. 1918-1920г.г. - Т.: Госиздат УзССР, 1957.–206 с.

4.49.Харин В.П. Великая Октябрьская Социалистическая революция в Узбекистане. – Т.: САГУ, 1958.–186 с.

4.50.Ҳасанов К. ЦК ВКП(б) в борьбе за построение социализма в Средней Азии. (1924-1937 гг.). – Т.: Фан. 1968.–219 с.

4.51.Юлдашев А.М. Аграрные отношения в Туркестане. - Т.: Узбекистан, 1969.–256 с.

4.52..Яковенко Л.И. Продовольственная политика коммунистической партии и её осуществление в Туркестане. (1918-1924г.г.) – Душанбе: Госиздат ТадССР, 1974.–288 с.

5.Мақолалар.

5.1.Алимов И.А. Левацкие перегибы в решении религиозного вопроса в ТАССР //Общественные науки в Узбекистане.– 1991.– №1.–С.31-40.

5.2.Бобобеков Х. Ўтмишда ўзбеклар саводсиз бўлганми? //Фан ва турмуш – 1988.– №5.–Б.9

5.3.Бутенко А. Был ли неизбежен Октябрь? //Правда Востока.–1990.–25 окт.

5.4.Голланд Ю. Политика и экономика. //Знамя. – 1990.– №3.С.116-152.

5.5.Дониёров Ш. Мухторият қисмати. //Шарқ юлдузи.– 1991.– №12.–Б.159-201

5.6.Исмоил Ҳамид. Туркистон 1917 йилда //Ўзбекистон адабиёти ва санъати – 1990.– 27 июль.

5.7.Ланда Л.М. Создание народного комиссариата по национальным делам ТАССР и его деятельности в 1918-1919гг. //Из истории Советского Узбекистана. Сбор.статей - Т.:1956.–С.93-111.

5.8.Ким П.Г. Неграмотность в Туркестане? Мифы и факты. Языком документов// Правда Востока.– 1991. –13 июня.

5.9.Маликов М. Образование однопартийной системы в Туркестане //Коммунист Узбекистана. –1989.– №2.–С.67-75.

5.10.Нуруллин Р.А. Из опыта национального государственного строительства.// Коммунист Узбекистана.– 1990.– №2.–С.85-92.

5.11.Прилуцкий Е.А. Некоторые вопросы формирования Советской национальной государственности в Туркестане// Общественные науки в Узбекистане. –1990.– №6.–С.23-30.

5.12.Семенюта В.А. Продовольственный кризис в Туркестане в 1917-1918 гг. и его преодоление. //Общественные науки в Узбекистане.– 1989. – №12.–С.38-40.

6.Диссертациялар ва авторефератлар.

6.1.Агзамходжаев С.С. Туркистон мухторияти: Борьба за свободу и независимость (1917-1918гг.): Дисс... д-ра ист. наук. – Т., 1996.–369 с.

6.2.Кощанов Б.А. Большевики в Туркестане (1918-1922гг.). Доктрина и реальность: Автореф. дисс... д-ра ист.наук. - М., 1995. –22 с.

6.3.Набиев Ф.Х. Проблемы и противоречия социальной политики в Туркестане (1917-1924гг.): Дисс. д-ра ист. наук. - Т., 1995–337 с.

6.4.Прилуцкий Е.А. Национально-государственное строительство в Советском Туркестане. 1918-1920гг; Дисс... канд. ист. наук. - Т., 1991.–197 с.

6.5.Расулов Б.М. Из истории мусульманских мактабов и медресе Узбекистана (конец XIX- 20-е годах XX в.); Автореф. дисс... канд. ист. наук. – М., 1996.– 23 с.

6.6.Раджапов К.К. Истиқлолчилик ҳаракати в Ферганской долине: сущность и основные этапы развития (1918-1924гг.): Автореф. дисс... канд. ист. наук. – М., 1995.–23 с.

6.7.Тошкулов Д. Основные направления политико-правовой мысли народов Узбекистана во второй половине XIX - первой четверти XX вв: Автореф. дисс...д-ра юрид. наук. – М., 1995.–22 с.

6.8.Турсунов И. Ўзбекистон маорифчиларининг истиқлол йўлидаги кураши тарихидан (1917-1930 йиллар): Автореф. дисс... д-ра ист. наук. –Т.,1995.–23 б.

7.Вақтли матбуот.

7.1.Известия государственного контроля 1919-1920гг.

7.2.Известия ЦК КПСС 1990.

7.3.Инқилоб. 1926.

7.4.Ирригация, сельское хозяйство и животноводство. 1921-1925.

7.5.Красный террор. 1918-1919.

7.6.Красная печать- 1926-1932.

7.7.Народное хозяйство Туркестана 1919-1920.

7.8.Общественные науки в Узбекистане. 1961-1991.

8.Газеталар.

8.1.Голос Самарканда. 1918.

8.2.Знамя Свободы. 1917.

8.3.Известия ВЦИК. 1918-1921.

8.4.Известия ТуркЦИКа. 1918-1922.

8.5.Наша газета. 1917-1919.

8.6.Правда. 1919-1920.

8.7.Революционная мысль. 1918.

8.8.Советский Туркестан. 1918.

8.9.Свободный Туркестан. 1918.

8.10.Туркестанские ведомости. 1917.

8.11.Экономическая жизнь. 1918-1919.